

3 · 2020
май-июнь

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!

Барчангизни 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий табриклар, сизларга ўзининг юксак ҳурматим ва эзгу тилаklarимни билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, жаҳон миқёсида юз берган пандемия туфайли вужудга келган бугунги мураккаб вазият ва қийинчиликларга қарамасдан, аҳолига тезкор ва ишончли ахборот етказиб бериш, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни атрофлича ақс эттириш йўлида ўз профессионал бурчини сидқидилдан адо этиб келаётган сиз, журналистлар аҳлига чуқур миннатдорчилик билдираман.

Ўрнатли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Сизларга аёнки, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда ахборот соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Кейинги уч йилда бу борада ўндан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинган ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Хусусан, «Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорига мувофиқ бу соҳада янги тизим яратилди.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мақсадида ўтган бир йил давомида кўплаб вазирлик ва идораларда ахборот хизматлари замон талаблари асосида қайтадан, 201 та туман ва шаҳар ҳокимликларида эса биринчи марта ташкил этилди.

Ана шу хизматлар томонидан ижтимоий жараёнлар ҳақида ишончли ахборот бериш мақсадида матбуот анжуманлари, брифинглар, медиатурлар ташкил этилмоқда, ҳаётимиздаги муаммо ва ҳодисаларга тезкор муносабат билдирилмоқда, уларнинг веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар, мобиль мессенжерлардаги саҳифалари янгилаб борилмоқда.

Охириги йилларда мамлакатимизда катта аудиторияга эга бўлган қарийб 290 та хусусий ва идоравий Интернет нашрлари ташкил этилди. Улар бошқа материаллар қаторида энг муҳим расмий ахборотлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзбек, рус ва инглиз тилларида тарқатмоқда.

Энг асосийси, оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгариш ва янгилашни жараёнларини ҳар томонлама таҳлил қилиб, жойлардаги ижтимоий муаммолар, хато ва камчиликларга давлат идоралари ва жамоатчилик эътиборини қаратаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Албатта, бугун биз ҳамма соҳада, жумладан, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасида ҳам изланишдамиз. Бинобарин, бу йўлда ютуқлар билан бирга, камчилик ва нуқсонлар бўлиши ҳам табиийдир.

Бу ҳақда гапирганда, миллий медиа майдонимизда замоннинг ўткир талаб ва мезонлари, энг муҳим тенденцияларини очиб бериш, танқидий таҳлил, одамлар

кутаётган мавзу ва муаммоларни дадиллик билан ўртага ташлаш ҳали ҳам етакчи ўрин эгалламаётганини айтишга тўғри келади. Афсуски, аксарият ахборот воситаларида ижтимоий салмоғи энгил бўлган, ҳисобот ва баланс парвозлик руҳидаги материаллар ҳануз устунлик қилмоқда.

Яна бир муҳим масала – айрим журналист ва блогерларимизда билим ва профессионал малака, баҳс маданияти етишмаслиги жамоатчиликни ташвишлантирмоқда.

Бу борадаги энг асосий вазифа – ана шундай камчиликларни чуқур ўрганиб, уларни бартараф этиш, мавжуд миқдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига айлантириш, оммавий ахборот воситаларининг самарадорлигини оширишдан иборат.

Биз бугун ҳуқуқий демократик давлат қураётган эканмиз, журналистиканинг бутун дунёда эътироф этилган, ўзгармас талаб ва мезонларига амал қилишимиз зарур. **Бу мезонларнинг энг асосийси – холислик ва ҳаққонийликдир.** Бинобарин, матбуот майдонига кирган инсон – у журналист бўладими, блогер бўладими, бундан қатъи назар – ана шу қоидаларга амал қилиши шарт.

Биз бўлғуси журналистларимиз чуқур билим ва касб маҳоратини, она тилимиз билан бирга чет тилларни, фаол фуқаролик позициясини, ахборот-коммуникация технологиялари, нотиклик малакасини пухта эгаллашларига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Ана шундай етуқ кадрларни тайёрлашда энг аввало ўзимизнинг бой маънавий меросимизга таянсақ, албатта натижа бўлади. Бу борада жадидлар, хусусан, бу йил 145 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланаётган улуг аллома ва публицист Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг миллий журналистика мактаби айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Сиз азизларнинг бугунги касб байрамингиз баҳона бир эзгу таклифни илгари сурмоқчиман. Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабалари учун **Маҳмудхўжа Беҳбудий номидаги стипендияни** таъсис этсак, ўйлайманки, бу ҳам ёшларимизни миллий ғоя руҳида тарбиялашга хизмат қилади.


Шунингдек, айни вақтда жаҳондаги етакчи медиа компанияларининг кадрлар тайёрлаш ва улар билан ишлашга оид тажрибасини чуқур ўрганиб, чет эллик журналистлар билан тажриба алмашиш, халқаро ҳамкорликни кучайтиришимиз зарур.

Муҳтарам матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Сизларни ва сизларнинг ижод маҳсулингиздан баҳраманд бўладиган жамики муштарий ва мухлисларингизни касб байрамингиз билан яна бир бор самимий муборакбод этаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, янги ютуқлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



3 • 2020

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

*Ижтимоий-сиёсий, илмий-бадиий,
маданий-маърифий, безакли журнал*

УШБУ СОНДА:

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мазкур соҳага юксак эътиборнинг амалий ифодасидир.

Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов воҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва унинг самаралари тўғрисида сўзлайди.

Адиблар хиёбони – маърифат маскани.

Ўзбекистон халқ шоири Миртемир таваллудининг 110 йиллиги.

Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад таваллудининг 100 йиллиги

Воҳид Лукмон шеърлари.

Шойим Бўтаевнинг янги ҳикояси.

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Ғалаба боғидан репортаж.

Ёзувчи Кўчқор Норқобил Белорусь таассуротлари ҳақида ҳикоя қилади.

Сардобада рўй берган фалокат қадимий фазилатларимизнинг замонавий ифодасини намоён этди.

Машҳур ўзбек композитори Мухтор Афрафий қандай асарлар ёзган? Людвиг ван Бетховен-чи? 40-42-саҳифаларда ўқинг.

Ўзбек бокс мактабининг шуҳрати.

МУҚОВАЛАРДА:

1-бет: «Жаҳонга таниқли рассом бўламан».

М.Нуринобоев фотоси.

3-бет: Рассом Дилором Мамедова.

Муассис:

**Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазирлиги**

Бош муҳаррир:

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

Жамоатчилик кенгаши:

Рустам АБДУЛЛАЕВ

Мирза АЗИЗОВ

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ

Фатхулла МАЪСУДОВ

Минҳожиддин МИРЗО

Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ

Озодбек НАЗАРБЕКОВ

Акмал НУР

Сирожиддин САЙЙИД

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ

Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ

Саъдулла ҲАКИМ

Таҳририят:

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ғайрат ДОНИЁРОВ

Масъул котиб:

Комил ЖОНТОЕВ

Бўлим муҳаррирлари:

Манзура ШАМСИЕВА

Холида ФАЙЗИЕВА

Саҳифаловчи:

Нигина ИСМОИЛОВА

Навбатчи муҳаррир:

Холида ФАЙЗИЕВА

Мусаҳҳиҳ:

Анора ҲОЖИМАТОВА

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил
20 августда рўйхатга олинган, гувоҳнома рақами 0517.
Журнал икки ойда бир марта нашр этилади.
Таҳририят ва муаллифлар фикри фарқланиши мумкин.
«Guliston» журналидан материаллар олинганда
манба кўрсатилиши шарт.
Хатларга ёзма жавоб қайтарилмайди. Таҳририят барча
ижодий ишларни таҳрир этишга ҳақли.
Обуна ва журналнинг етказилиши билан боғлиқ масалалар
бўйича 71-233-28-13 рақамига кўнғироқ қилишингиз мумкин.

Бичими 70x100. 1/8. Ҳажми 6 босма табоқ.
Буюртма № 29. Адади 1000 нусха.
Босмахонага 2020 йил 27 июнда топширилди.
Босишга 2020 йил 30 июнда рухсат этилди.
Таҳририят манзили: Тошкент — 100000,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Тел.: 71-233-25-66,
факс: 71-233-28-13.

Журнал «SILVER STAR PRINT» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,
22-мавзе, 17-уй.

**Web-site: Gulistonjurnali.uz
gulistonjurnali@mail.ru**

ХАЛҚ ҚУДРАТИ – АҲИЛЛИК ВА БИРДАМЛИКДА

Бу йилги баҳор серташвиш келди.

Бу йил баҳорнинг тароватидан, гўзаллигидан деярли баҳра ололмадик, тоғларга, қир-адирларга чиқиб лола-ю қизгалдоқлар, чучмома-ю бўтакўзлар гўзаллигига термулиб, кўнглимиз ором олиши, кўзимиз қувнашдек завқни тую олмадик. Бодроқдай очилган олма гулларига, шафтолининг нафармон гулларига боқиб завқланиш, ўрик, гилос, олча гулларида гўжгон ўйнаган асалариларнинг ёқимли симфониясини тинглаш кўпчиликка насиб этмади. Настирин қачон очилиб, қачон ҳули тўкилганини сезмай қолдик. Қисқаси, баҳорни баҳорий кайфиятда ўтказиш буюрмади бу йил... Шундай завқли, тароватли, бутун борлик яшилликка, ранг-баранг гул-чечакларга бурканган кунлари уйда ўтирдик. Кўнглимизда баҳор тафти, баҳор шавқи ўрнига कोरोनाвирус дарди, ўй-хаёли банд этди. Начора, Соҳиби қудрат ҳукми, бандаларига синовидир бўлар.

Тўртинчи ойдирки, меҳмондўст, тўйсевар халқимиз меҳмонга бормайди, меҳмон қақирмайди, юзлаб одамларга ош бериб, тўй қилишлар тўхтаган. Театр, концерт, кино заллари хувиллаб қолди. Буларнинг бари ноодатий ҳолат. Аввалига бундай шароитда қандай чидаймиз, кўнгикиш мумкинми, деган ҳадиқда юрдик. Синовини юборган буюк Зот сабрини ҳам берав экан. Ақл-фаросатли, ҳар бир ҳодиса, воқеага теран фикр билан ёндашадиган, мулоҳазакор халқимиз юзлаб келган ҳолатни тўғри тушуниб, сабр-қаноат билан айтилган кўрсатмалар ва белгиланган тартибларга амал қилди. Тартиб ва тавсиялар фақат элимиз саломатлигини асраш, илоҳи борица талофат кўрмасликка қаратилган эди. Шукурки, бунга эришилди. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган оқилона сиёсат ижроси ўз натижасини берди. Мамлакатимизда коронавирусдан вафот этганлар, бошқа давлатлар, жумладан, энг ривожланган, унча-мунчани менсимайдиган давлатлардаги кўрсаткичга нисбатан олганда, энг паст даражада бўлди.

Ҳа, бу йилги баҳор фасли ҳар томонлама мисли кўрилмаган синовли кечди. Мамлакатимизнинг бир қатор ҳудудларида қаттиқ шамол, кучли ёмғир, дўл аҳоли ўй-жойига, ижтимоий объектларга, экин майдонларига зиён етказди. Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд, Хоразм, Жиззах вилоятларида рўй берди бундай ҳолатлар. Сардоба сув омбори тўғнонда ўпирилиш бўлиб, минглаб хонадонлар, экин майдонлари сув тошқинидан талофат кўргани ҳаммасидан ошиб тушди.

Ушбу табиий офатлар, техноген ҳалокатлар етказган зарарлар бартараф этилмокда. Худо хоҳласа ҳаммаси жой-жойига қўйилади, изга тушади. Зотан, Ўзбекистон – инсонларвар давлат, сиёсатимиз ўзагини халқ манфаатини, розилигини таъминлашдек эзгу мақсадлар ташкил этади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида фаолиятини бошлаган илк кунлардан бу тасоиллини бош ғоя, энг асосий вазифа сифатида эълон қилди ва шунга қатъий амал қилиб келмокда. Шу маънода юртимизга келган коронавирус пандемиясидан, рўй берган табиий офатлардан, техноген ҳалокатдан зарар кўрган, азият чеккан бирон-бир оила, бирор инсон эътибордан четда қолаётгани йўқ. Боз устига халқимиз ўз раҳбарини ҳурмат қиладиган, қадрига етадиган, кўрсатмасини баҳарадиган халқ. Давлат раҳбари ҳар бир ишда, қабул қилаётган фармон ва қарорларида, ўтказаятган йилгилишларида, аҳоли билан учрашуварларида инсон манфаатини ўйлаб, одамларнинг турмуш фаровонлигини оширишни, шу орқали уларнинг розилигига эришишни бош мақсад қилиб қўяётган бўлса, катта-кичи раҳбарлардан шуни талаб қилиб, уларнинг фаолиятига айнаш шу нуктаи назардан баҳо бераётган бўлса, нега аҳоли юрт раҳбарини қўллаб-қувватламасин, нега ҳурмат қилиб, қадрига етмасин?! Акс ҳолда ношукурлик бўлади-ку!

Йўқ, ўзбеклар, Ўзбекистон халқи ношукур эмас, бориға шукур, йўғига қаноат қиладиган сабрли халқ. Энг муҳими, мамлакатимиз аҳли меҳр-оқибатли, яхши-ёмон кунларда бир-бирига суянч, мадад бўлишдек улўғ фазилатга эға. Бировнинг бошига кулфат тушса томошабин бўлиб турмайди, унга ёрдам бериш чорасини кўради. Тарихдан бунга қўллаб мисоллар келтириш мумкин. Бунинг энг ёрқин мисоли 1966 йилда Тошкентда рўй берган кучли zilзилладир. Уша йили 26 апрель тонгида саккиз баллдан зиёд zilзила бўлиб, қадим

Тошкентнинг аксарият қисми вайрон бўлган эди. Ҳар куни бир неча марта турли даражада ер қимирлаб турганига қарамай, одамлар ўзини йўқотмади, таҳликага тушмади. Бир-бирига далда бўлиб, табиий офат оқибатларини бартараф этиш чораларини қўрди ва бунга эришди. Мусибат одамларни бирлаштиради, гина-кудуратлар унутилади, деган гап нақадар тўғри экани ўшанда яққол ўз ифодасини толган, халқимиз нималарга қодирлигини намоён этган эди.

Тошкент zilзиласи ва унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича қилинган ишлар ҳақида мақола, ҳикоя, шеър, дostonлар ёзилди. Улар тўлланиб «Тошкентдаги офат ва жасорат» номи билан китоб ҳолида нашр этилди.

Бу йилги кўнгилисиз воқеалар ҳақида ҳам кўп ёзилди, яна ёзила-жак. Булар ҳам тўлланиб, китоб қилинади.

Ушбу ҳодисалар халқимиз қудратини яна бир бор синовдан ўтказди. Президентимиз мадҳиямиздаги «Улўғ халқ қудрати жўш урган замон» деган чўқур маъноли сўзларни келтириб, бундай деди: «Мана шундай мураққаб дамларда биз улўғ ва меҳнаткаш халқимизнинг қудрати, ақл-заковати ва сабр-матонати, меҳр-оқибати ва самимияти билан ушбу огир синовларни ҳам, албатта, енгиб ўтаимиз». Дарҳақиқат, синовли, мусибатли кунларда халқ қудрати юзага қалқиб чиқади. Бу қудрат мамлакат аҳолисининг – миллати, дини, этникодидан қатъий назар – аҳил-иноқлиги, ҳамжиҳатлиги самараси, унинг ифодасидир. Бундай фазилатга юксак маданиятли, маърифатли, ўқимишли халқ эға бўла олади. Биз инсонийлики, маърифатни, илмини, маданиятни, одоб-ахлоқни ҳамма нарсадан устун қўйган, жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган, бу бепоев уммонда ўз ўрнига, сўзига эға бўлган буюк алломалар ворисларимиз. Ҳар бир ҳаракатимиз, сўзимиз ўша беназир аждодларимизга муносиб бўлмоғи шарт. Шу боис юртимизда илм-маърифатга, маданиятга доимо алоҳида эътибор қаратиб келинади.

Мамлакатимизда карантин амал қилиб, табиий офатлар, ҳалокатлар захри-захмати юракларимизни эзиб турганига қарамай, 9 май куни Тошкентда халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида қўрсатган жасорати, матонати, фидойилиги, инсонпарварлиги акс эттирилган ноёб Галаба боғи, 20 май куни эса гўзал, бетакрор маънавий-маърифий маскан – Адиблар хиёбони очилгани, уларда давлатимиз раҳбари иштирок этгани, халқимизни бу қувончли воқеалар билан қўтлагани бироз чўккан, озгина ғамбода бўлган кўнгиллари кўтарди, руҳ берди, куч-қувват ато этди. Халқ дарди-ташвишини, унинг бугунини ҳам, эртасини ҳам ўйлайдиган, том маънодаги халқпарвар раҳбарнинг нечоғли донишмандлиги, узокни қўллаб сиёсат юритиши шундай огир кунларда айниқса яққол намоён бўлар экан-да. Офарин!

Мана шундай тарихий воқеалар ортидан 26 май куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Бутун дунё коронавирус пандемиясидан азият чекаётган бир вақтда Ўзбекистонда маърифат масканлари барпо этилиши, маданият ва санъат ривожига бағишланган ҳужжатлар қабул қилингани ҳар қандай шароитда илмини, маърифатни, маданиятни, маънавий бойлиқни устун қўйган буюк аждодларимиз кўрсатма ва амалларига содик эканимизнинг ёрқин ифодасидир. Мазкур фармон ва қарорда белгиланган вазифалар шу қадар кенг қўламли, салмоқли, узокни ўйлаб тузилганки, уларнинг амалга оширилиши халқимиз қадрини, нуфузини яна бир неча поғона юқорига кўтариши шубҳасиз...

Серташвиш баҳордан нисбатан сокин, босиқ ёзга кирдик. Бобо қўшининг қиздириши, далалардаги мўл ҳосил, энг асосийси, одамларнинг кайфияти барча ташвишлар ортда қолиб, Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилимизнинг кейинги ойлари осойишталик, фаровонлик, хотиржамлик билан кечиниша умид ўйғотади. Зеро, Оллоҳнинг қарами кенг, бир кўнгилисизлик орқасидан ўн қувонч келтиради.

Илоҳо, қувончли кунларимиз, барокатли ойларимиз, файзли йилларимиз кўп ва бардавом бўлсин!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ ВА ТАЪСИРИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш, янги Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш, моддий ва номоддий маданий мерос дурдоналарини сақлаш ва тарғиб этиш, халқ озаки ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини янада оммалаштириш, юртимизнинг жаҳон маданий маконига фаол интеграциялашувини таъминлаш, маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон қарори билан **Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси** (кейинги ўринларда – Концепция) ва уни амалга ошириш бўйича **«йўл харитаси»** тасдиқланди;

иккинчидан, маданият ва санъат ташкилотларининг **«дўстлар клублари»** фаолиятини йўлга қўйиш орқали уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича мутлақо янгича самарали тизим яратилди;

учинчидан, музейлар реновация дастури қабул қилинди, ўзбек халқининг кўна ва бетакорор санъати намунаси бўлган «Хоразм лагиси» ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритилди;

тўртинчидан, маданий мерос объектлари ва санъат ашёларини реставрация қилиш бўйича миллий мактаб, шунингдек, халқ чогувлари, миллий рақс, мақом йўналишларида республика кўрик-танловлари қайта тикланди;

бешинчидан, мамлакатимизда мунтазам равишда ўтказиладиган Халқаро мақом санъати анжумани, Халқаро бахшичилик санъати фестивали, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали, «Буюк ипак йўли» халқаро фольклор санъати фестивали ҳамда «Рақс сеҳри» халқаро фестивали ташкил этилиб, ўзбек мумтоз ва фольклор санъатининг ноёб намуналари ва аъёналарини ҳамда маданий мулоқотни янада ривожлантириш бўйича самарали тизим йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, Концепцияни амалга ошириш, соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, истеъдодли ёш ижодкорларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш, таълим муассасаларини мусиқа дарсликлари, ноталар тўпламлари ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминлашнинг яхлит тизими яратилмаган.

Аҳоли, айниқса, олис ҳудудларда истиқомат қиладиган фуқароларга маданий дам олиш хизматлари кўрсатиш даражасини ошириш, бунинг учун республиканинг барча ҳудудларида театр, музей, кўча цирк ва ҳайвонот боғлари фаолиятини доимий равишда йўлга қўйиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Юқоридagi вазифаларни самарали амалга ошириш, маданият ва санъат соҳасидаги ислохотларни жадал давом эттириш, маданият органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

2020–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъатни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясининг 2021–2025 йилларга мўлжалланган **максадли кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

Вазирлар Маҳкамаси Концепцияни амалга ошириш бўйича «йўл хариталари» ва чора-тадбирлар дастурларини қабул қилишда мазкур бандга мувофиқ тасдиқланаётган мақсадли кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича тадбирларни назарда тутсин.

2. Белгилансинки, **2021 йил 1 январдан бошлаб:**

концерт-томоша фаолиятини лицензиялаш, лицензиатларнинг давлат реестрини юритиш, уларнинг фаолияти ва эришган натижалари ҳақидаги ахборотларни киритиб бориш **Концерт-томоша фаолияти иштирокчиларининг ягона онлайн портали** орқали амалга оширилади;

концерт-томоша тадбирига бир марталик руҳсатнома бериш учун ундириладиган **йўғим бекор қилинади;**

давлат органлари ва ташкилотларининг асосий вазифа ва функцияларидан келиб чиқиб, уларнинг ташаббуслари билан ўтказиладиган оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирлари ҳар йили тасдиқланадиган **оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларининг календарь режалари** (кейинги ўринларда – календарь режалар) асосида ўтказилади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг календарь режаларда назарда тутилмаган давлат тадбирларини ўтказишни назарда тутувчи қарорларида ушбу тадбирларни ташкил этиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар бўйича **бююртмачилар ҳамда уларни молиялаштириш манбалари** кўрсатилади;

концерт-томоша фаолиятини амалга оширувчи шахслар томонидан давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг бююртмаларига асосан кўрсатиладиган барча хизматлар **ёзма ва ҳақ эвазига тузиладиган шартнома асосида** тақдим этилади, концерт-томоша фаолиятини амалга оширувчи давлат муассасалари ходимлари билан тузилган меҳнат шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бундан мустасно.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги (кейинги ўринларда – Маданият вазирлиги) ва бошқа давлат органлари томонидан давлат тадбирлари ва бошқа тадбирларга ижодкорлар ва ижрочиларнинг жамоатчилик асосида жалб қилинишига йўл қўйилмаслиги белгилансин.

4. Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Мактабгача таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб **ноталар тўпламлари ва махсус мусиқий адабиётлари** Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан чоп этилишини ва уларнинг таълим муассасаларига тўлиқ етказилишини таъминласин.

5. 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари тизимидаги концерт, маданият саройлари ва бошқа муассасаларда **тўлиқ жонли ижро асосида** ўтказилган концерт дастурлари учун ижара тўловидан **50 фоиз** чегирма бериш тартиби жорий этилсин.

6. Маданият ва санъат соҳаси вакилларининг **Санъаткор, ижодкор ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатасини** (кейинги ўринларда – Палата) ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлансин.

Белгилансинки, Палата мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарадиган ташкилот ҳисобланади.

Маданият вазирлиги Палата фаолиятининг дастлабки босқичларида уни қўллаб-қувватлаш учун Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамағармаси маблағлари ҳисобидан 1 миллиард сўм ажратилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари **Б.А.Мусаев**, маданий вазири **О.А.Назарбеков** Палата ҳамда мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарадиган бошқа ташкилотлар фаолиятини ташкил этишга ҳар томонлама қўмақлашсин.

7. Белгилансинки, мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар уларга бевосита ҳуқуқ эгалари ёки уларнинг меросхўрлари томонидан берилган ваколатлар доирасида даъво билан судга мурожаат қилган тақдирда давлат божини тўлаш мuddати кечиктирилиб, бу бож кейинчалик айбдор тарафдан ундириб олинади.

8. Маданият вазирлиги томонидан харид қилинган, оммавий ижрога мўлжалланган драматик, муסיқали ва муסיқали-драматик асарларни 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб **хусусий театрларда ҳам сахналаштириш ва ижро этишга** руҳсат берилсин.

Бунда, хусусий театрларда саҳналаштирилган ҳамда ижро этилган асарлар учун муаллифлик ҳақи тўлаш Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жағмагармасига ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва ушбу жағмагарманинг бошқа даромадлари доирасида амалга оширилиши белгилансин.

9. Бой тарихи, ўзбек миллий кўғирчоқ театри мактабининг шаклланиши ва ривождаги бекбўс ҳиссасини инобатга олиб, Республика кўғирчоқ театрига **Ўзбек Миллий кўғирчоқ театри** номи берилсин.

Маданият вазирлиги ва Молия вазирлиги Навоий, Наманган, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда ушбу вилоятларда **кўғирчоқ театрларини ташкил этиш** тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Қурилиш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикасининг 2021–2023 йилларга мўлжалланган иқтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларида 2021 йилда Навоий, Наманган, Сирдарё, Қашқадарё, Хоразм ва Тошкент вилоятлари кўғирчоқ театрлари биноларини қуриш, уларга ажратилган биноларни реконструкция қилиш, замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ишларини назарда тутиш;

2020 йилга мўлжалланган иқтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида мақбуллаштирилган маблағлар ҳисобидан **«Ўзбек давлат цирки»** давлат муассасасининг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, қўшимча равишда ҳайвонларни сақлаш хоналарини қуриш ҳамда замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ишларининг тўлиқ молиялаштирилишини, шунингдек, қурилиш, реконструкция ва жиҳозлаш ишларини жорий йил охирига қадар тўлиқ якунига етказиб, фойдаланишга топширилишини таъминласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Маданият вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда 2020–2021 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар бюджетлари маблағлари ҳисобидан **ҳар бир ҳудудда кўчма цирклар (шапито, дорбозлар гуруҳлари)** ҳамда **ҳайвонот боғлари ташкил этилиши** ва доимий фаолият юритишини таъминласин.

12. 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

кўчма цирклар (шапито, дорбозлар гуруҳлари) томонидан ўтказиладиган томоша тадбирларига **оммавий тадбир ўтказиш учун рухсатнома** ва рухсат бериш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни олиш талаб этилмайди, бунда тадбир ташкилотчилари уни ўтказиш жойи ва вақти тўғрисида икки ишлар органларини камида 10 кун олдин ёзма равишда хабардор қилади;

ички ишлар органлари, Миллий гвардия ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органлари кўчма цирклар (шапито, дорбозлар гуруҳлари) томонидан ўтказиладиган томоша тадбирларида **жамоат тартиби ва ёнгин хавфсизлигини тўлов ундирилмаган ҳолда** таъминлайди;

давлат органлари ва ташкилотлари тизимидаги маданият ва истироҳат боғлари, спорт иншоотлари, сайилгоҳлар ва бошқа очик ҳудудларда кўчма цирклар (шапито, дорбозлар гуруҳлари) томонидан томоша тадбирлари ўтказиш учун **ижара ва бошқа турдаги тўловлар ундирилмайди**;

номоддий маданий мерос объектларини (дорбоз, аския ва лапар) асраш ва улардан фойдаланиш фаолияти ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари бериладиган фаолият (хизматлар, ишлар) турлари рўйхатида кирди (маданият марказлари таркибида фаолият юритаётган шахслар бундан мустасно) ва уларнинг ушбу фаолиятдан олинган даромадларига жисмоний шахслардан олинмаган **даромад солиғи татбиқ этилмайди**.

13. Маданият вазирлиги тизимида:

Маданият вазирлиги марказий аппарати тузилмасида маданият муассасалари ва хаваскорлик санъатини ривожлантириш, соҳада ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва рақамлаштириш масалаларига масъул **вазир ўринбосари лавозими** жорий этилсин;

Ўзбекистон давлат консерваториясининг «Ўзбек мақом санъати факультети» ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари негизида мақом ижрочилиги, бахшичилик ва катта ашула йўналишлари бўйича кадрлар тайёрловчи таянч олий таълим муассасаси — **Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти** ташкил этилсин;

давлат муассасаси шаклидаги **Маданий мерос илмий-тадқиқот институти** ташкил этилсин;

Республика ихтисослаштирилган эстрада ва цирк мактаби **Карим Зарипов номидаги Республика эстрада ва цирк коллежи** этиб қайта ташкил этилсин;

В.Успенский ва Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа **академик лицейлари** мактаб-интернатлар учун белгиланган имтиёзлари татбиқ қилган ҳолда тегишлича В.Успенский ва Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа **мактабларига** айлантирилсин.

Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Иқтисодий болалар академик лицейи ҳамда Тошкент ихтисослаштирилган маданият мактаби негизида Маданият вазирлиги тизимида **Республика мусиқа ва санъат коллежи** ташкил этилсин;

14. 2020 йил сентябрь ойидан бошлаб давлат музейларида ҳар ойнинг биринчи яшанбаси **«очик эшиқлар куни»** деб эълон қилинсин.

Белгилансинки, «очик эшиқлар куни»да фуқаролар музей ашёлари ва музей коллекцияларини кириб кўриш учун давлат музейларига **бепул киритилади**.

15. Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2020–2025 йиллар давомида босқичма-босқич **ҳар бир туман ва шаҳарда** тарих ва маданият давлат музейларининг филиаллари шаклида **ўлкашунослик музейлари ташкил этилиши** ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган музейлар, уларнинг филиал ва бўлимлари рўйхатида киритилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон давлат санъат музейига — **санъат соҳасидаги**, Ўзбекистон тарихи давлат музейига — **маданият ва тарих соҳасидаги** барча музейлар фаолиятини илмий-тадқиқот ва методик жиҳатдан мувофиқлаштириш, уларнинг ушбу йўналишлардаги ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, кадрларнинг илмий салоҳиятини ошириш вазифаси юклансин.

Маданият вазирлиги ва Фанлар академияси 2021 йил 1 январга қадар Ўзбекистон давлат санъат музейи ва Ўзбекистон тарихи давлат музейида музейшунослик, санъатшунослик, маданиятшунослик йўналишларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда **ихтисослаштирилган илмий кенгашлар** ва илмий-методик кенгашлар ташкил этиш чораларини кўрсин.

Маданият вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда 2021 йил 1 январдан бошлаб музейларнинг илмий даражага эга бўлган ходимларининг базавий лавозим маошларини ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда етакчи ижодий ташкилотларнинг **«дўстлар клублари»**ни ташкил этиш бўйича ижобий тажрибасини музейлар соҳасига татбиқ этилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Маданият вазирлиги, «Ўзбекино» миллий агентлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда кенг жамоатчиликнинг маданият ва санъатнинг жамиятимиз иқтимоий-маънавий ҳаётида тутган ўрнини ҳисобга олиб, соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш мақсадида **15 апрель** санасини **«Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари куни»** деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Маданият вазирлиги ўн кун муддатда «Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари куни»ни белгилаш бўйича қонун лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги **«Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги ПФ–5630-сон Фармони 6-бандининг «а» кичик банди биринчи қатбошичи «давлат мулки ҳисобланган моддий маданий мероснинг хўмбас мулк объектлари бундан мустасно» сузлари билан тўлдирилсин.

20. Маданият вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори лойиҳасини;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

21. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдуваҳитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А.Мусаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 26 май



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги «**Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги ПФ-6000-сон Фармониغا мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги (кейинги ўринларда – Маданият вазирлиги) фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида:

«Ахборот ва компьютер технологиялари маркази» давлат муассасаси «**Ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва ахборот-мультимедиа маркази**» давлат муассасаси этиб қайта номлансин;

Маданият ва санъат кўргазмаси ҳамда Ёшлар маданият ва санъат маркази тугатилсин, уларнинг бюджетдан молиялаштирилаётган штар бирликлари, балансда бўлган бинолар ҳамда бошқа моддий-техника воситалари Маданият вазирлигига ўтказилсин;

Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти (кейинги ўринларда – Департамент) ва унинг барча ҳудудий бошқармалари тузилмасида тегишлича юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Бадий экспертиза бошқармаси ҳамда бадий экспертиза бўлимлари** ташкил этилсин;

Маданият вазирлиги ҳузуридаги Бадий экспертиза бошқармаси, унинг ҳудудий бўлимлари тугатилсин, уларнинг мавжуд штар бирликлари ҳамда мол-мулклари молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда тегишлича Департамент ҳамда унинг ҳудудий бошқармаларига, пул маблағлари эса – Департаментнинг бюджетдан ташқари Маданий мерос жамғармасига ўтказилсин;

Маданият вазирлиги ҳузуридаги «**Маданий мерос тиклаш-таъмирлаш**» давлат унитар корхонаси ҳамда Департамент ҳузуридаги «**Мерос чашмаси**» давлат унитар корхонаси тугатилсин, уларга хўжалик юриси, оператив бошқарув ва доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан тегишли бўлган бинолар ҳамда бошқа моддий-техника воситалари белгиланган тартибда Маданий мерос илмий-тадқиқот институтига ўтказилсин;

Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган объектларни қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш бўйича буюртмачи хизматининг номи Маданият вазирлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси этиб қайта номлансин;

«Гулистон», «Театр» ва «Мозийдан садо» журналлари тахририятлари ягона тахририятга бирлаштирилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикасининг «Маданий бойликларнинг олиб чиқиши ва олиб кирилиши тўғрисида», «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида», «Музейлар тўғрисида», «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунларида Маданият вазирлиги зиммасига юклатилган вазифа, функция ҳамда ваколатлар **Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари** томонидан амалга оширилади;

Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари фаолияти 2021 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

3. Маданият вазирлиги 2020 йил охирига қадар Департамент ва унинг ҳудудий бошқармаларига оператив бошқарув ҳуқуқи билан берилган **моддий маданий мероснинг барча кўчмас мулк объектларини** тегишли ҳудудий маданият бошқармалари ва

музей-қўриқхоналарга оператив бошқарув ҳуқуқи билан ўтказилиши таъминласин, Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари жойлаштирилган бинолар бундан мустасно.

Моддий маданий мерос объектларига эгаллик қилувчи ва улардан фойдаланувчи давлат органлари ва бошқа юридик шахслар раҳбарлари ҳамда жисмоний шахслар зиммасига моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиши таъминлаш бўйича **шахсий жавобгарлик юклансин**.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Департамент ва унинг тегишли ҳудудий бошқармалари тегишлича тугатилаётган Бадий экспертиза бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича вориси ҳисобланади;

Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари таркибидаги Бадий экспертиза бошқармаси ва бадий экспертиза бўлимлари бошлиқлари ўз лавозимига кўра тегишлича Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг ўринбосари ҳисобланади;

Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари таркибидаги Бадий экспертиза бошқармаси ва бадий экспертиза бўлимларининг штар бирликлари тугатилаётган Бадий экспертиза бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимларининг штар бирликлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилаётган қўшимча штар бирликларини ажратиш орқали шакллантирилади; маданий бойликларни бадий экспертизадан ўтказганлик учун махсус йиғимлар Департаментнинг Маданий мерос жамғармасига йўналтирилади.

5. Маданий мерос илмий-тадқиқот институтига (кейинги ўринларда – Институт) қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда, архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш, геодезия ва картография фаолияти, моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир фаолият турларини тегишли лицензияларни олмасдан амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

Белгилансинки:

Институт фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг давлат илмий-техникавий дастурларида назарда тутилган маблағлар, ўз фаолиятдан олган маблағлари, халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотларнинг грантлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Институт тугатилаётган «Маданий мерос тиклаш-таъмирлаш» ва «Мерос чашмаси» давлат унитар корхоналарининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича вориси ҳисобланади, ходимлар билан тузилган меҳнат шартномалари бўйича мажбуриятлар бундан мустасно.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази** мавжуд штар бирликлари ва моддий-техника базаси билан тўлиқ ҳажмда, молиялаштириш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда Маданият вазирлиги тизимига ўтказилсин.

Маданият вазирлиги 2020 йил 1 сентябрга қадар Маданият вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

бошқарув ходимлари чекланган сони 81 кишидан иборат Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

худудий маданият органлари ходимларининг чекланган сони 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги ходимларнинг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида худудий маданият органлари тузилмаларини тасдиқлаш, шунингдек, зарур ҳолларда, ушбу тузилмалар ҳамда вазирлик марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Мазкур бандда мувофиқ Маданият вазирлиги ва худудий маданият органлари учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан молиялаштириладиган қўшимча 51 та штат бирликлари Маданият ва санъат кўргазмасининг тугатилиши ҳамда Маданият вазирлиги тизимидаги ташкилотларнинг қайта ташкил этилиши ҳисобига бўшайдиган штат бирликлари ҳисобидан ажратилсин.

8. Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича **мувофиқлаштирувчи кенгаш** 4-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин, қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги **«Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсири янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги ПФ–6000-сон Фармонида белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ҳажмида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ–4038-сон қарори билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси** ва уни амалга ошириш бўйича **«йўл харитаси»** ҳамда мазкур қарорнинг ижросини таъминлашда масъул вазирлик ва идораларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриш;

мазкур бандда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг доимий мониторингни ва таҳлилини олиб бориш ҳамда уларнинг натижалари юзасидан ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администратсияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот ва асосланган рақамли рапортлар киритиб бориш.

9. Маданият вазирлиги:

а) икки ҳафта мuddатда:

ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси маданият вазири ўринбосарларининг улар масъул бўлган аниқ йўналиш ва вазифаларни назарда тутувчи функционал вазифаларини тасдиқласин;

худудий маданият бошқармалари тузилмаларида ходимларнинг мазкур қарор билан белгиланган чекланган сони доирасида моддий маданий мерос объектларидан оқилана фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўлимларини ташкил этсин;

б) бир ой мuddатда:

ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб, Маданият вазирлиги марказий аппарати ва янги тузилган бўлинмаларни зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилишини **юқори профессионал даражада таъминлашга қодир бўлган малакали мутахассислар билан тўлдириш** чораларини кўрсин;

Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Маданият вазирлиги тизимидаги ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган концерт-томоша хизматларининг тарифларини шакллантириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

в) икки ой мuddатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига:

Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги;

Департамент фаолиятини такомиллаштириш ва барқарор равишда молиялаштириш, ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантиришни кучайтириш, шу жумладан, уларга хизмат қилган умумий иш стажини, илмий унвон ва даражага эга бўлгани учун устамалар белгилаш, моддий-техника базасини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги;

Маданий бойликларни реализация қилиш фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишининг хабар-

дор қилиш тартиби тўғрисидаги қарор лойиҳаларини киритсин;

г) уч ой мuddатда Оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларининг календарь режаларини шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низоом ҳамда Концерт-томоша фаолиятини лицензиялаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламенти лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига маданият ва санъат муассасаларида **Билет операциялари ягона электрон тизими** ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Маданият вазирлиги:

бир ой мuddатда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда **Оммавий ташир буюриладиган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари ва музейлар рўйхатини** тасдиқласин;

2021 йил 1 июлга қадар ўз тизимидаги театрларнинг кириб-чиқиш жойларида театрларнинг ўз маблағлари ва Маданият вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда тадбиркорлик субъектларининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида жалб қилинадиган маблағлари ҳисобига электрон турникетлар ёки ташир буюрувчиларни автоматик ҳисобга олишга мўлжалланган бошқа мосламалар ўрнатилиши ва уларнинг Билет операциялари ягона электрон тизимига интеграция қилинишини таъминласин.

11. 2021 йил 1 январдан бошлаб давлат хизматчилари учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тизими жорий этилгунга қадар Маданият вазирлиги, худудий маданият бошқармалари, туман ва шаҳар маданият бўлимлари ходимлари учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ушбу харажатлар учун Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасига ажратиладиган маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантиришнинг қуйидаги турлари жорий этилсин:

кўп йиллик меҳнати учун рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошига белгиланган коэффициентларда қуйидаги ҳажмларда ҳар ойда қўшимча пул тўлаш: 2 йилдан 5 йилгача – 0,1; 5 йилдан 10 йилгача – 0,2; 10 йилдан 15 йилгача – 0,3; 15 йилдан ортқ – 0,4;

ходимлар фаолиятининг натижадорлигига кўра иш берувчининг алоҳида буйруғи билан ўрнатиладиган, лавозим маошидан (рағбатлантириш коэффициенти ҳисобга олган ҳолда) 100 фоизгача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устама;

ҳар ойлик озиқ-овқат учун харажатларни қоплаш бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорда тўловлар;

ҳар ойлик йўлқира учун харажатларни қоплаш бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорда тўловлар, хизмат автотранспорти бириктирилган ходимлардан ташқари.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2021 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида мазкур қарорда назарда тутилган харажатларни амалга ошириш учун зарур маблағларни кўзда тутсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 сентябрдаги **«Тошкент шаҳрида барпо этилган маданият ва санъат кўргазмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»**ги ПҚ–467-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Маданият вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 26 май



Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
маданият вазири

МАДАНИЯТ ВА САЊЪАТНИНГ ҲАЁТИМИЗДАГИ ЎРНИ ЯНАДА ОШАДИ

Маданият ва санъат ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир. Гўдак дунёга келар экан, санъатнинг энг оддий ва олий намунаси — она алласи билан дунёни танийди, ҳаётни идрок этади. Қувончли кунларимизда ҳам, изтироб чекканимизда ҳам куй-қўшиқ бизга ҳамроҳ бўлади. Сирасини айтганда, санъатга ошно инсондан ёмонлик чиқмайди. Мақомлар, достон-у лапарлар, спектакллар, музей экспонатлари, цирк томошалари ҳар биримизни олижаноблик, меҳр-оқибат, дўстлик, аҳиллик, ватанпарварлик, мардлик ва жасорат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Шу боис ўзини ҳурмат қилган ҳар қандай халқ ўз санъатини асради, ардоқлайди. Шу бой меросни авлодларга бус-бутун етказишга ҳаракат қилади.

Президентимизнинг «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мазмун-моҳиятида ана шундай эзгу мақсад-муддао мужассам.

Тан олишимиз керак, соҳада узоқ йиллардан бери ўз ечимини кутиб ётган масалалар талай. Муаммолардан халос бўлмасдан туриб, соҳа тараққиёти ҳақида ўйлаш ҳам мумкин эмас. Ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиниши натижасида энди ана шу долзарб масалалар ўз ечимини топади, десак муболаға бўлмайди.

Маданият ва санъат жуда кенг қамровли соҳа сифатида бир-бирини тақорламайдиган, бир-бирига ўхшамайдиган, мустакил ижодни талаб этадиган тизимларни бирлаштиради. Президентимиз Фармонида мана шу кенг кўламли соҳанинг ҳар бир ҳалқаси ҳисобга олиниб, муҳим чора-тадбирлар белгиланганки, ушбу вазифалар ижроси маданият ва санъатнинг бир занжир ўлароқ мустақкам уйғунликда ривожланишига замин яратади.

Энг катта ангилликлардан бири сифатида санъаткорларнинг интеллектуал ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги тизими жорий этилаётганини қайд қилиш жоиз. Санъаткор, ижодкор ва ижрочининг муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш палатаси ташкил этилмоқда, ушбу тизимга бир қатор ваколатлар берилмоқда. Мазкур палата, биринчи навбатда, ижодкорлар томонидан яратилаётган асарларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилади. Бу санъаткорни ўз иқтидорини намоён этишга, умрбоқий асарлар яратишга ундайди. Зеро, у яратётган ижод намунаси чинакам санъат асари даражасига кўтарилса, шу асарга бўлган талабдан бутун умр моддий рағбат топишини билади. Энг муҳими, мазкур палата соҳадаги бугунги кунда баъзи тортишувларга, қелишмовчиликларга сабаб бўлаётган кўчирмақашлик иллатига қарши курашади.

Халқимиз асл санъатни ҳамisha қадрлаган. Ушбу жиҳат фармонда ўз ифодасини топган. Давлат органлари ва ташкилотлари тизимидаги концерт, маданият саройлари ва бошқа муассасаларда тўлиқ жонли ижро асосида ўтказиладиган концерт-томоша дастур-

лари учун бундан буён ижара тўловидан 50 фоиз чегирма бериш тартиби жорий этилмоқда. Бу халқимизнинг жонли ижродан баҳрамандлик даражасини оширибгина қолмай, санъаткорларни ўз устида кўпроқ ишлаш, ихлосмандларга ҳақиқий ижод намуналарини туҳфа этишга ундайди. Бинобарин, ҳозиргача тайёр ашулага оғзини қимирлатиб, томоша кўётган ҳам, қўшиғига меҳрини, қалби кўрини қўшиб, қуйлаётган ҳам бир хил ижара ҳақи тўлаб келган. Аниқроқ айтганда, концерт бераётган санъаткорнинг чинакам меҳнат қилаётганига ҳам, соҳани бироз айланиб ўтиб, қандини уриб юрганларга ҳам бир хил муносабатда бўлинарди. Мазкур ҳужжат билан адолат тикланиши — жонли ижро соҳибига муайян имтиёзлар кўзда тутилаётгани ижодкорларда ҳақиқий санъатга қарашни ҳам ўзгаришига шубҳа йўқ. Бу соҳага энди қадам қўйган ёшларни халқ меҳрини қозониш учун осон йўлдан бормасдан, кўпроқ меҳнат қилишга чорлайди. Шу билан бирга, 50 фоизлик чегирма концерт чипта нархлари арзонлашувига ҳам хизмат қилади.

Фармон билан 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб концерт-томоша фаолиятини лицензиялаш, лицензияларнинг давлат реестрини юритиш, улар фаолияти ва эришган натижалари ҳақидаги ахборотларни киритиб бориш Концерт-томоша фаолияти иштирокчиларининг ягона онлайн портали орқали амалга оширилади. Давлат органлари ва ташкилотларининг асосий вазифа ҳамда функцияларидан келиб чиқиб, улар ташаббуси билан ташкил этиладиган оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирлари ҳар йили тасдиқланадиган календарь режа асосида ўтказилади. Бу санъаткорларнинг йил давомида қандай тадбирларда иштирок этишини аввалдан билишига, ўз иш режаларини шунга мувофиқ тузишларига имкон яратади.

Халқимиз орасида ёш истеъодлар кўп. Баъзан уларнинг ижод намуналари турли интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда тарқалиб, кенг эътироф ва оқинларга сабаб бўлади. Юқоридagi ҳужжатларда ана шундай ёш истеъодларни излаб топиш, уларнинг таълим олиши ва иқтидорини намоён этишига шароит яратиш мақсадида қатор чора-тадбирлар белгиланмоқда. Жумладан, «Ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва ахборот-мултимедиа маркази» давлат муассасаси, бошқача айтганда, продюсерлик маркази ташкил этилмоқда. Эндиликда ноталар тўпламлари ва махсус мусиқий адабиётлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан чоп этилиб, таълим муассасаларига тўлиқ етказиб берилади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон давлат консерваториясининг ўзбек мақом санъати факультети ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг тегишли таълим йўналишлари ҳамда мутахассислари негизида Юнус Ражабий номидagi Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ташкил этилаётгани ёшларимиз миллий

санъатимиздан узоқлашмоқда, деган хавотирларга бэрҳам беради. Бу аждодларимиз бебаҳо маданий меросини илмий асосда ўрганишга шароит яратибгина қолмай, ёш иқтидорларни тарбиялаш, миллий санъатимизни кенг тарғиб этиш имконини ҳам беради.

Кейинги йилларда юртимизда мақом ва бахшичилик санъатини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш лозим. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Шаҳрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжумани, Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивали анъанавий тарзда ўтказилиши йўлга қўйилганига нафақат халқимиз, балки бутун дунё аҳли юксак баҳо берди. Зотан, бугун инсоният ўта мураккаб даврни бошдан кечирмоқда. Жаҳонда сиёсий курашларда ғоя ва мафқуралар турли ахборотлардан асосий қурол сифатида фойдаланмоқда. Одамлар онгу дунёқарашини эгаллаб, халқларнинг узоқ йиллик маданиятини тубдан емиришга, шу орқали уларни маънавий қарамликка дучор этишга ҳаракат қилинмоқда.

Мустамлакачиликнинг бундай замонавий кўринишларидан ҳимояланишнинг бирдан-бир йўли халқимиз маданиятини юксалтиришдир. Давлатимиз раҳбарининг асрлар оша аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган ноёб санъат намуналарини янада чуқурроқ ўрганиш, кенг тарғиб этиш, айниқса, ёшлар қалбига уларга нисбатан ҳурмат ва садоқатни шакллантириш бўйича олиб бораётган ишларидан кўзланган мақсад ҳам шу. Мақом ижрочилиги, бахшичилик ва катта ашула йўналишлари бўйича кадрлар тайёрловчи таянч олий ўқув юртининг ташкил этилиши бу борадаги ишларга камарбаста бўлиши шубҳасиз.

Инсоннинг диди ва дунёқарашини шакллантиришда театрнинг ўрни беқиёс. Шу боис ҳужжатда театрлар фаолияти ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Ҳар бир театрнинг моддий-техник базаси замонавий андозаларга мослаштирилмоқда. Жамоаларнинг гастроллари, чет эл сафарларига зарур шарт-шароитлар яратиб берилди. Томошабинларни оммавий жалб қиладиган, санъатимиз тарихида юксак маданий воқеа бўладиган спектакллар яратилмаётганини ҳам афсус билан тан олишга мажбурмиз. Фармон билан хусусий театрлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, хусусан, Маданият вазирлиги томонидан харид қилинган, оммавий ижрога мўлжалланган драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик асарларни хусусий театрларда ҳам саҳналаштириш ҳамда ижро этишга руҳсат берилаётгани соҳада рақобатбардошликни оширишга, иждоқларнинг ўз ишига масъулиятини янада кучайтиришга туртки бўлади. Маданият масканларини ўз репертуарларини ғоявий-бадий жиҳатдан юксак, бугунги кун нафаси, одамларни ўйлантираётган, ҳаёлонга солаётган жиддий иқтимоий муаммолар ўз аксини топган спектакллар билан бойитишга ундаши тайин.

Мурғак қалбларда эзулик ва ёвузлик, яхшилик ҳамда ёмонлик ҳақидаги тасаввурлар кўғирчоқ театри саҳнасида жонланган қаҳрамонлар орқали шаклланади, десак, хато бўлмас. Шу боис ҳозиргача мавжуд бўлмаган Навоий, Наманган, Сирдарё, Тошкент вилоятларида кўғирчоқ театрлари ташкил этиш, ўз биноларига эга бўлмаган Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида кўғирчоқ театрлари биноларини қуриш ҳамда эҳозлаш белгилангани ёш авлод камоли йўлида муҳим аҳамиятга эга. Бой тарихи, ўзбек миллий кўғирчоқ театри мактабининг шаклланиши ҳамда ривожидидаги беқиёс ҳиссасини инobatга олиб, Республика кўғирчоқ театрига Ўзбек Миллий кўғирчоқ театри мақоми берилиши соҳа равнақида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳужжатга мувофиқ, цирклар ва ҳайвонот боғлари фаолиятида ҳам ижобий ўзгаришлар амалга оширилади. Масалан, 1990 йилдан буён таъмирланмаган, шароитлари бугунги замон талабларига жавоб бермайдиган «Ўзбек давлат цирки» давлат муассасаси бино ва иншоотлари тўла реконструкция қилинади, муассаса учун қўшимча равишда ҳайвонларни сақлаш хоналари қуриш ҳамда замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ишлари бажарилади.

Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида кўчма цирклар, дорбозлар гуруҳлари ҳамда ҳайвонот боғлари ташкил этилиши ва доимий фаолият юритиши белгиланмоқда.

Дорбозлик санъати қадимдан авлоддан-авлодга ўтиб келган, элимизнинг тўй-тантаналарини безаган. Ҳозирги кунда ҳам оммавий сайил деганда кўз ўнгимизда дорбозлар полвонларнинг бир-биридан қизиқарли чиқишлари жонланади. Айтиш жоиз, бутун дунёда дорбозлар 7 метр баландликда томоша кўрсатса, ўзбек санъаткорлари 12 метр юксакликда ўз ўйинларини намойиш этади. Афсуски, ушбу беназир майдон томошаси бугунги кунга келиб, йўқолиш арафасида эди. Фармон билан бу санъат тури ҳам ўз қадрини тиклайди. Давлат органлари ҳамда ташкилотлари тизимидаги маданият ва истироҳат боғлари, спорт иншоотлари, сайилгоҳлар ҳамда бошқа очиқ ҳудудларда кўчма циркларнинг томоша тadbирлари ўтказишига ижара, солиқ тўловлари бўйича турли имтиёзлар берилмоқда.

Соҳани етук билимли кадрлар билан таъминлаш мақсадида Республика ихтисослаштирилган эстрада ва цирк мактаби Республика эстрада ва цирк коллежга айлантирилиб, унга ушбу таълим муассасаси асосчиси Карим Зарипов номи берилди. Коллеж учун Ўзбек давлат цирки ҳудудида янги бино қурилади, бу билан таълим ва амалиёт уйғунлигига эришилади.

Музейлар ва маданият бойлиқларини тадқиқ этиш фаолияти самарадорлигини ошириш ҳам ҳужжатнинг асосий йўналишларидан биридир. Мисол учун, 2025 йилгача ҳар бир туман ва шаҳарда ўлкашунослик музейлари ташкил этиш, ушбу музейларнинг экспонатларини бойитиш, асраб-авайлаш ва ходимлари манфаатдорлигини ошириш, шунингдек, бу борадаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш кўзда тутилмоқда.

Давлат музейларида ҳар ойнинг биринчи яшанбаси «Очиқ эшиклар кунин» деб эълон қилиниб, фуқароларнинг ушбу масканларга бепул кириб қўришига имкон яратилаётгани ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Зеро, бу халқимизнинг шонли тарихимиз ва аждодларимизнинг бебаҳо меросига доир билимларини бойитиш, қалбларда миллий гурурни юксалтиришга ҳисса қўшади.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз бўйича 4748 археология, 2250 архитектура, 678 монументал санъат ёдгорлиги, 532 диққатга сазовор жойлар моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатига киритилган. Уларни муҳофаза қилиш ғоят муҳим масала эканини инobatга олиб, ҳужжатда Маданий мерос департаменти фаолиятини мутлақо янги тамойиллар асосида ташкил этиш назарда тутилган. Мазкур департамент ваколатлари аниқ белгиланиб, фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ташкилий масалалар ҳал этилди. Ўз навбатида, маданий мерос объектиларини асраш ишларида илмий тадқиқотларга таяниш зарурлиги инobatга олиниб, Маданият вазирлиги ҳузурида Маданий мерос илмий-тадқиқот институти ташкил этиладиган бўлди.

Маданият вазирлиги фаолияти янада такомиллаштирилмоқда. Унинг ташкилий тузилмаси белгиланиб, зиммасига аниқ вазифалар юкланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида Миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини 2025 йилга қадар амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди. Маданият ва санъат соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш мақсадида мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди.

Вазирлигимиз томонидан келгусида фаолиятимизга доир он-лайн портални ишга тушириш, маданият муассасаларининг кириш-чиқиш жойларига электрон турикетлар ўрнатиш, электрон чипталар жорий этиш ишлари олиб борилди. Бу соҳамизда очилгани ошириш, маданият муассасаларидан аҳолининг қуллаи ва осон фойдаланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

15 апрель санасининг «Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари кунин» деб эълон қилиниши соҳада фаолият юритаётган ҳар бир инсонга чексиз гуруҳ бағишлашига ишончимиз қомил. Бинобарин, бу соҳа ходимларига кўрсатилаётган эътибор ва эҳтиромнинг ҳаётдаги яна бир ифодасидир.

Хулоса қилиб айтганда, маданият ва санъатнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳамда таъсирини янада оширишга қаратилган ушбу ҳужжатлар янги Ўзбекистон тарихининг маданий-ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.



БУГУНГИ ИСЛОХОТЛАР НУРЛИ ИЗ ҚОЛДИРАДИ

Кейинги йилларда ҳар бир соҳа чуқур таҳлил этилиб, қайта кўриб чиқиши, амалга оширилаётган ислохотлар нурли из қолдиришига хизмат қилади. Хусусан, сўнги вақтларда маданият ва санъат соҳасига қаратилган улкан эътибор биз ижодкорларни тўлқинлантиради, илҳомлантиради.

Давлатимиз раҳбарининг 26 майдаги «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу савий-ҳаракатларнинг яхлит бир кўриниши, жамланмаса бўлди. Номланишининг ўзидек ҳужжатнинг аҳамиятини намоеън этади. Ҳақиқатан, маданият ва санъатнинг жамият ҳаётидаги ўрни ниҳоятда муҳим.

Фармонда театр соҳасига алоҳида эътибор берилган, чунки театр муҳим тарбия воситаси, маънавият масканидир. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 37 театр мавжуд.

Анча йиллардан буён маданият ва санъат соҳасида бир қатор муаммолар йиғилиб қолган эди. Фармонда ушбу муаммолар очик кўрсатилган ва уларнинг ечимига эътибор қаратилган. Олтмиш йилдан буён Ўзбек Миллий академик театрида ишлаб келялман. Бир қанча вақт директор бўлдим. Уша йиллари кўплаб муаммоларга дуч келганмиз. Шулардан бири меҳнатга ҳақ тўлаш тизимининг қониқарсизлиги эди. Муаллифлар асарларига жуда кам ҳақ тўланган. Натижада яхши асарлар камайиб кетган эди. Фармонда шу каби муаммолар ечими кўрсатиб ўтилган. Қувончлиси, маданият ва санъат соҳаси вакилларининг – Санъаткор, ижодкор ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатаси ташкил этилади. Ушбу Палата мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарадиган ташкилот бўлиб, унга вазирлик ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағларидан 1 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Маданият вазирлиги томонидан сотиб олинган асарларни хусусий театрларда ҳам намойиш этишга рўхсат берилди. Бу халқнинг маънавий оҳтиёжини етарли даражада қондиришга хизмат қилади. Эндиликда томошабин ўзига қўлай бўлган ҳудуддаги хусусий театрларда ҳам яхши спектакль кўриши мумкин.

Биз ижодкорларни хурсанд қилган яна бир нарса ўз байрам кунимиз белгиланишидир. Энди ҳар йили 15 апрелда соҳа ходимлари ўз касб байрамини нишонлайди. Буларнинг бари учун Президентимизга ташақкур билдириб, ушбу ғамхўрликни, ишончли оқлашимиз керак. Республика Театр арбоблари уюшмаси бу борада фаол бўлиши, барча ижод аҳлини

фаолликка чорлаши лозим. Ушбу ҳужжат, Уюшма ҳамда санъат ва маданият соҳаси ходимлари зиммасига катта масъулият қўлайди.

Театр арбоблари уюшмаси республикадаги барча театрлар учун масъул. Бугунги кунда ҳар бир театрда саҳналаштириладиган асар Уюшма бадий кенгаши муҳокамасидан ўтказилмоқда. Бу бежиз эмас. Кўпгина театрларда савз пьесалар қўйилаётган эди. Эндиликда бундай салбий ҳолатларга чек қўйилди, бадий мукаммал бўлмаган асарлар, спектакллар бекор қилинмоқда. Аввало, тақдим этилган асар халққа, ёш авлодга нима беради, деган саволга жавоб топиш зарур. Бадий кенгаш муҳокамасидан ўтган асар саҳналаштирилгач, жамоатчилик кенгаши ўша спектакль намойишини ҳам қабул қилиб олади.

Бундан ташқари, халқ билан мулоқот, юзма-юз учрашувлар ҳам Уюшма иш режасига киритилган. Кенгаш аъзолари яқинда Сирдарёда бўлди. Ҳеч бир вилоят эътибордан четда қолаётгани йўқ. Вилоят театрлари ходимлари билан учрашиб, уларнинг муаммолари ўрганилмоқда. Бундай учрашувларда бир нарса аён бўляптики, санъаткор, ижодкор қавми ўз меҳнати қадрланиши, рағбат топишини истайди, меҳнатига яраша ҳақ олгиси келади. Албатта, меҳнат ҳам шунга арзийдиган бўлиши лозим. Уйлайманки, ушбу режаларни рўёбга чиқариш имкони бор.

Фармондаги «Очик эшиклар кунини» ҳақидаги фикрлар олижаноблик, ёшлар келажаги, камоли учун хайрли ишлардан бири сифатида намоеън бўлган. Театр ёки музейларга халқ, ёшлар бориб, бепул томоша қилиши уларда ушбу даргоҳларга бўлган қизиқиш, ҳурмат-эътиборни оширади. Айни чоғда, уларнинг билими, дунёқарашини кенгайтади.

Фармон ва қарорда ўз аксини топганидек, маданият ва санъатга бўлган эътибор ёшларда бочка ёшидан шаклланиши лозим. Шу маънода кўғирчоқ театрлари фаолиятини ривожлантириш, ёшлар театрлари, студиялар ташкил этиш ўз самарасини беради, албатта.

Бир тақлиф ва астагимни айтмоқчиман. Ҳозирча уюшма фаолияти етарлича ёритилмаяпти. Республикадаги 37 театрнинг ҳар бирида йилгига камидан тўрттадан спектакль саҳналаштирилади. Шулар ҳақида халқимиз тўлиқ маълумот олиши учун «Маданият ва маърифат» каналида театрлар ва уюшма фаолиятини ёритадиган дастурлар ташкил қилинса, яхши бўларди, деб ўйлайман.

Ёқуб АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси раиси,
Ўзбекистон халқ артисти



БОЛАЛАРНИНГ СЕВИМЛИ ДАРГОҲИ

Сўнги йилларда бошқа соҳалар қатори маданият соҳасига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Соҳани ривожлантириш мақсадида Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг 20 дан ортиқ қарор, фармони қабул қилинди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 26 майдаги маданият соҳаси ва раванқига оид фармони ва қарори жамоамиз учун қувончли воқеа бўлди – театримизга Ўзбек Миллий кўғирчоқ театри мақоми берилди. Ўзбек миллий кўғирчоқ театр санъатини дунё ва жаҳон миқёсига олиб чиқиш, халқро алоқаларни йўлга қўйиш, ўзаро таъриба алмашиш сингари вазифаларни кўзда тутувчи ушбу ҳужжатлар театр ижодкорлари олдига улкан вазифалар қўйди.

Азал-азалдан саройларда, очик майдонларда «Чодир хаёл», «Чодир жамол» йўналишида кўғирчоқлар иштирокида томошалар ташкил қилиниб, халқ эътиборига ҳавола этиб келинган. Юртимизда кўғирчоқ театрининг ҳақиқий ривожига тамал тоши қўйилган 1929 йили Ёш томошабинлар театри қошида «Петрушка» кўғирчоқ театр студияси ташкил қилинади. Мазкур студия 1939 йилдан Республика кўғирчоқ театри сифатида алоҳида фаолият юрита бошлади. 1979 йилда ҳозирги театр биносига асос солинади. 1979 йил декабрь ойида юртимизда илк бор

халқро фестивал ўтказилади.

Театр биноси яқинда замон талаблари асосида мукаммал таъмирланиб, тўлиқ жиҳозланди, жажжи томошабинлар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Бу театр ижодий жамоасини руҳлантириб, мукаммал асарлар, образлар яратишга, замон талабларига мос, юқори сифатли спектакллар саҳналаштиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, жамоамизнинг ҳар бир аъзосига катта масъулият қўлайди. Билдирилган ишонччи оқлашга, яратилган шарт-шароит, берилган имкониятдан ўринли фойдаланиб, тинимсиз меҳнат қилишга ва изланишга ундайди.

Репертуарларимиздан ўзбек халқ эртаклари қатори жаҳон халқлари эртаклари асосида саҳналаштирилган спектакллар ҳам ўрин олган. Бир йилда тўрт асар томошабинлар эътиборига тақдим қилинса, иккита ўзбек халқ эртаги ва иккита хорижий асарга мурожаат қилинади. Жаҳон мумтоз асарларига ҳам қўл уришимизнинг боиси кўғирчоқ театри болаларни кичиклигиданоқ Ватанга, оилага, ота-онага, ака-укага, дўстларга, инсониятга меҳр-муҳаббат уйғотишда жуда катта ўрин тутди. Севги, садоқат, ҳалоллик, поклик, мардлик, ватанпарварлик, табиатга ғамхўрлик сингари умумбашарий қадриятлар, туйғулар борки, ана шундай гоёлар сингирилган, эзгу туйғулар тараннум этилган ўзбек ва

ЭЗГУЛИККА ЧОРЛОВЧИ ЁҒДУЛАР



Мамлакатимизда амалга оширилаётган шиддатли ислохотлар натижасида барча жаҳалларда содир бўлаётган туб бурилишлар, янгиликлар ва ўзгаришлар халқимиз тафаккури, жамият тараққиёти янги бир тарихий босқичга кўтарилганини аққол кўрсатиб турибди. Бугун халқимизнинг кўп минг йиллик маданият меросини тиклаш, маданиятнинг моддий асосларини қайтадан яратиш, санъатсевар халқимизнинг миллий кўшиқларини асраб-авайлаш ва янада ривожлантириш лозим. Ушбу маънавий бойликлардан миллиятнинг бебаҳо мулки, бой хазинаси, жамият тараққиётининг муҳим манбаи сифатида фойдаланишга кенг йўл очиб берилмоқда.

Президентимиз халқимизни, айниқса, ёшларимизни юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш мақсадида Ҳаракатлар стратегиясининг ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган йўналишидаги энг катта ва муҳим соҳалардан бири – маданият ва санъатга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, мамлакатимизда маданият ва санъат тараққий этмасе, жамият ривожланмайди. Маънавий баркамол, ахлоқий етуқ, юксак маданиятга эришиш бор жамиятнинг давлати ҳам қудратли бўлади.

2020 йил 26 май куни Президентимизнинг «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Фармон маданият соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни янада жадаллаштириш, янгилаётган Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида рўй бераётган янгиликларни, ўзгариш ва юксалиш жараёнида маданият ва санъатнинг ўрни ҳамда аҳамиятини янада оширишга қаратилган янги бир қадам бўлди. Фармонда 2020-2021 йилларда маданият ва санъатни янада ривожлантиришга доир кў-

шимча чора-тадбирлар дастури ҳамда Миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланган. Соҳа ахли меҳнатини қадрлаш, санъаткорларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш борасида кўп йиллардан бери ечими қўйилган долзарб масалалар ҳал этилган. 2021 йил 1 январдан бошлаб концерт-томоша фаолиятини лицензиялаш, лицензияларнинг давлат реестрини юритиш, уларнинг фаолияти ва эришган натижалари ҳақидаги ахборотларни киритиб бориш назарда тутилган. Булар концерт-томоша фаолияти иштирокчиларининг ягона онлайн портали орқали амалга оширилди. Бундай тадбирларга бир марталик рухсатнома бериш учун ундирилган йўл бекор қилинади. Давлат органлари ва ташкилотларнинг ташаббуслари билан ўтказиладиган оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирлари ҳар йил тасдиқланган календарь режага кўра ўтказилади. Концерт-томошаларни ташкил этишга доир барча хизматлар тўлов шартномалари асосида тақдим этилади. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва бошқа давлат органлари томонидан турли тадбирларга санъаткорларнинг жамоатчилик асосида жалб қилинишига йўл қўйилмайди. Келгусида ноталар тўпламлари ва махсус мусликий адабиётлар наشري учун давлат бюджетидан маблағлар ажратилиши кўзда тутилмоқда. 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб тўлиқ жонли ижро асосида ўтказилган концертларга ижара тўловидан 50 фоиз имтиёз бериш тартиби жорий этилиши ҳам ижодкорлар учун яхши имконият. Фармонда санъаткор, ижодкор ва ижрочиларнинг музалифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатаси ташкил этилиши ва бунинг учун Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1 миллиард сўм ажратилиши белгиланган.

Республика кўғирчоқ театрига Ўзбек Миллий кўғирчоқ театри мақоми берилди. Энди-

ликда Навоий, Наманган, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида барча қулайликларга эга бўлган кўғирчоқ театрлари ташкил этилади. Ўзбек давлат цирки биносини тўлиқ реконструкция қилиш, кўшимча равишда ҳайвонларни сақлаш хоналарини қуриш ва жиҳозлаш ишлари жорий ил охирига қадар якунига етказилади. Келгусида мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудда кўчма цирklar – шапито, дорбозлар гуруҳлари ҳамда ҳайвонот боғлари ташкил этилади. 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб улар томонидан жойларда ўтказиладиган томоша тадбирлари учун рухсатнома талаб этилмайди, ижара ҳақи бекор қилинади.

Фармонда маданият ва санъат соҳаси ходимлари кўпдан бери орзу қилиб келган тарихий воқеа – 15 апрель санаси «Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат ходимлари кўни» деб эълон қилинган.

Фармонда соҳа бўйича илмий-тадқиқот ишлари ва кадрлар тайёрлаш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилган. Маданият вазирлиги тизимида давлат муассасаси шаклидаги Маданий мерос илмий-тадқиқот институти, мақом ижрочилиги, бахшичилик ва катта ашула йўналишлари бўйича кадрлар тайёрловчи таълим олий таълим муассасаси – Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ташкил этилиши, Республика иختисослаштирилган эстрада ва цирк мактаби Қарим Зарипов номидаги Республика эстрада ва цирк коллежи, мактаб-интернатлар учун белгиланган имтиёзларни татбиқ қилган ҳолда В.Усленский ва Р.Глиэр номидаги Республика мусиқа академик лицейлари иختисослаштирилган мусиқа мактабларига айлантирилади. Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Иқтисодорли болалар академик лицейи ҳамда Тошкент иختисослаштирилган маданият мактаби негизда Республика мусиқа ва санъат коллежи ташкил этилиши ҳам кўзда тутилган.

Кўриниб турибдики, ҳар бир вазифада жуда катта эзгулик ва улғу мақсадлар мўжассам. Дунёда эзгулик деган буюк ва қудратли туйғу бор, бу ноёб туйғуни бутун вужудига, қалбига ҳо қилган инсонгина бунёдкорлик ва яратувчилик каби улғу фазилатларга эга бўлади. Алишер Навоий шундай ёзди:

Халқимизнинг маънавий-руҳий оламига куч-қувват бахш этадиган миллий маданиятни ҳамда санъатимиз тараққиётига давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор ва катта ғамхўрлик эзгуликнинг нурафшон ёғдусидир.

Азамат ҲАЙДАРОВ,
Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори, профессор.

жаҳон мумтоз асарларини саҳналаштириш ва намойиш қилиш болажонлар дунёқарашини янада кенгайтиришга хизмат қилади. Асар танлашда болалар руҳияти, психологияси ҳам инобатга олинади. Уларнинг ёшида фақат информация, маълумот қабул қилиш, кейинчалик улғайган сари ушбу олган билимлари асосида хулосалар яшаш, фикр юритиш сингари қобилиятини ҳисобга олиб, имкон қадар кенгроқ, фойдали тарбиявий маълумотларни беришга эътибор қаратилади.

Президентимиз топшириги билан амалга оширилаётган яна бир ташаббус соҳа ходимлари, ота-оналар ва фарзандларимизни жуда қувонтирганини айтиб ўтмоқчи эдим. Энди Навоий, Наманган, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида ҳам очилаётган театрларга фарзандларимиз келиб, томошалардан баҳраманд бўлишади. Ушбу намойишлар уларнинг дунёқарашини тез орада сезиларли эти қолдиради.

Болажонларимиз ва уларнинг ота-оналарига бир-бирдан қизиқарли, юксак бадиий савияли асарлар тақдим этиш олдимидаги энг муҳим вазифа бўлиб қолади. Репертуаримизни янада бойитишга, асар танлаш ва саҳналаштиришга, ижро маҳоратига катта эътибор қаратилиб, маъсулият билан ёндашишга аҳамият берилади. Бунинг учун иқтисодорли кадрларни танлаш, улар маҳоратини ошириш борасида тизимли ишларни йўлга қўйиш режалаштирилган. Зеро, мақсадимиз кўғирчоқ театрларини Ўзбекистон болаларининг энг севили масканларига айлантиришдан иборат.

Ҳотам ОХУНОВ,
Ўзбек миллий кўғирчоқ театри директори

Кўш саҳифани Х.Файзиёва, М.Қосимова тайёрлади.



АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ ЭЛИМИЗ ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШИГА ЭРИШИШДИР

Сурхондарё вилояти ҳоқими Тўра БОБОЛОВ билан суҳбат

– Тўра Абдиевич, Сурхондарё вилоятида кейинги йилларда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг вилоятга ташрифи чоғида белгилаб берилган вазифалар ижроси ва умуман вилоятда бажарилган ишлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Президентимиз 2019 йил вилоятимизга уч бор ташриф буюрди. Бу давлатимиз раҳбарининг Сурхон элига бўлган чексиз меҳри, ҳурмати туфайлидир. Президентнинг ҳар ташрифи вилоятда кўплаб замонавий лойиҳалар жорий этилишига кенг йўл очиб, воҳани иқтисодий-ижтимоий юксалтиришга қаратилган янги, истиқболли йўналишларни белгилаб беради. Вилоят аҳлининг фаровон ҳаётга, обод ва осуда турмушга интилишини кучайтириб, одамлардаги мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгариш ва янгиланишларга дахлдорлиги туйғусини янада мустаҳкамлайди.

Бугунги кунда вилоятимиз йирик қурилиш, бунёдкорлик майдонига айланган. Термиз шаҳрида иш бошлаган, 1 минг 200 дан ортик ҳодим меҳнат қилаётган «ZIF Textile» маъсулияти чекланган жамиятида 180 турдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Германия, Италия ва Туркия технологияси билан жиҳозланган мазкур корхонанинг ўз маҳсулотини сотиши учун доимий бозори – мамлакатимизнинг турли ҳудудларида 28 йирик савдо мажмуаси бор. Яқинда Термиз шаҳрида мазкур тикувчилик корхонасининг «Indepim» бренди остидаги 28-савдо мажмуаси ишга туширилиб, 300 дан ортик ёшлар доимий иш билан таъминланди. Йил охиригача савдо мажмуалари сонини яна кўпайтириш, тикувчилик мажмуасида қўшимча 500 дан зиёд хотин-қизни иш билан таъминлаш режалаштирилган.

Вилоятда 100 ўринли «Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази», 70 ўринли Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, 40 ўринли урология ва ўнта «Сунъий буйрак» аппарати мавжуд бўлган гемодиализ бўлимига эга Республика ихтисослаштирилган урология маркази Термиз филиали ташкил этилиши аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифат жиҳатдан юксак даражага олиб чиқилаётганидан далолатдир. Кўплаб тиббиёт муассасаларининг янги қиёфада фойдаланишга топширилиши ва шунга мос равишда замонавий тиббий асбоб-ускуна билан таъминланиши аҳоли саломатлигини сақлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, 3-4 йил ичида Сурхондарё таниб бўлмас даражада ўзгаради. Бутун юртимизда, жумладан, вилоятимизда ҳам сўнгги йилларда қурилиш-бунёдкорлик ишлари кўплами кенгайтириш, санаот, туризм, қишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш борасида рўёбга чиқаётган ишлар бунинг яққол далили.

Президентимизнинг 2019 йил 28 декабрдаги «Сурхондарё вилояти таркибида Бандихон тумани ҳокимлигини ташкил этиш ҳамда 2020-2022 йилларда Бандихон туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан вилоятда Бандихон тумани ташкил этилди. Бу туман ҳам тезда шаклланиб, мамлакатимиз ривожига ҳисса қўшаётган илгор ҳудудлар қаторига киришига ишонамиз.

– Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2020 йил – Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётнинг ривожлантириш йили, деб аталди. Шу маънода аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар маънавиятини ошириш масаласига эътибор қай даражада? Вилоятнинг маданий-маънавий муҳити сизни қониқтирадами? Ушбу йўналишларда яна қандай ишлар қилиш керак, деб ўйлайсиз?

– Маълумки, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий қудрати ва юксалиш даражасини шу юртдаги илм-фан ривожига, аҳолининг интеллектуал салоҳияти, таълим-тарбия самарадорлиги белгилаб беради.

2017 йилгача Сурхондарёда биргина олий таълим муассасаси бор эди. Бугунги кунга келиб, олий ўқув юрталари сони 6 тага етди. 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб Денов тадбиркорлик ва педагогика институти фаолияти йўлга қўйилиши, Термиз давлат университетига юридик факультет очилиши вилоятда ижтимоий-иқтисодий соҳалар учун юқори маънавият кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга, ёшларнинг қизиқишларини кўплаб-қувватлашга бўлган эътибор самарасидир. Давлатимиз раҳбарининг «2020 йил ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш йили бўлади», деган сўзлари жорий йилда ёшларнинг жамиятимизда тутган ўрни ва роли янада ортисини белгилаб берувчи асосдир.

Вилоятимизда «Ёшлар – келажагимиз» давлат дастурига белгиланган вазифалар, ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган 5 муҳим ташаббус ҳамда «Ўзлуksиз маънавий тарбия концепцияси»ни амалиётга жорий этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, оиланинг, оилада эса аёлнинг ўрни ва таъсири беқийс. Шу нуқтаи назардан вилоятда ташкил этиб келинаётган «Ибратли оила», «Намунали хонадон», «Намунали қайнона ва келин», «Йил аёли» каби танловлар хотин-қизлар маънавиятини ошириш, салоҳиятини юзага чиқариш, баркамол авлодни тарбиялашдаги ролини кучайтиришга, амалга оширилаётган кенг қамровли илохотларда уларнинг янада фаол иштироки таъминлашга хизмат қилади.

Сурхон замини улуг авлиёлар, алломалар юрти. Термизийлар қолдириб кетган улуг маънавият сарчашмасидан бугун нафақат юртимиз, балки бутун жумлаи жаҳон баҳраманд, десам, хато бўлмас керак. Сурхон дийри Рўзи Чориев, Шукур Холмирозев, Тоғай Мурод, Теша Сайдалиев, Нодир Норматов, Шафоат Раҳматуллаев каби ижодкорларни етиштирди. Бугунги кунда баракали ижод қилаётган Эркин Аъзам, Усмон Азим, Сирожиддин Саййид, Мирзо Кенжабек, Эшқобил Шукур ва бошқа ижодкорлар билан фахрлансак арзийди.

Манон Уйгур номидаги Сурхондарё вилояти мусикали драма театри 85 йиллик тарихга эга. Ушбу театр мамлакатимизнинг шонли йўли акс этган долзарб, тарихий асарлар, замонамиз қаҳрамонлари ҳақидаги кўплаб спектакллари нахкзимизга ҳавола этиб келмоқда. Театрнинг янги биноси 700 томошабинни қамраб олиш имконига эга, эски бино эса тубдан реконструкция қилинди. 2018 йил декабрь ойда бу ерга Сурхондарё вилояти кўғирчоқ театри кўчиб ўтди. Бинода ёшлар маънавияти, дунёқарашини янада бойитиш учун барча кулайлиқлар яратилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётини янада таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони маданият ва санъат соҳасига қаратилган юксак эътиборнинг яна бир ифодаси бўлди. Фармоннинг моҳиятини ўрганиб, уни соҳа ҳодимлари билан биргаликда амалга ошириш учун барча имкониятларни ишга солашим.

– Сурхондарё – мамлакатимизнинг қадимий, туризм ривожига учун истиқболли ҳудудларидан бири. Бу заминнинг тарихий обидалари, қадимий ёдгорликлари билан бирга табиати, иклими ҳам экотуризм учун қулай. Бугун вилоятда сайёҳликни ривожлантириш йўлида қилинаётган ишлар қай аҳволда?

– Вилоятда туризм соҳасини, йўл-транспорт инфратузилмаси-

ни ривожлантириш учун қатор вазифалар белгилаб олинган. Айна пайт вилоятимизда 384 тарихий обида мавжуд. Буларнинг ҳар бири мамлакатимиз фуқаролари ва юртимизга келаётган сайёҳлар учун қизиқарли. Ҳақим Термизий, Имом Термизий, Султон Саодат, Кокилдор ота, Қирққиз ота номлари билан аталадиган зиёратгоҳларимизга маҳаллий ва хорижий сайёҳлар оқими кўпаймоқда. Шунга яраша зиёратгоҳларимиз ҳам таъмирланган, зарур шарт-шароитлар билан таъминланган бўлиши керак. Булар Термизий боболар зиёратгоҳларига элтувчи инфратузилмада барча шаароитлар бор.

Яқинда Олтинсой туманида «Хўжайпоқ» санаторий-соғломлаштириш ва дам олиш мажмуаси фойдаланишга топширилди. Сўлим тоғ қўйнида қад ростлаган замонавий масканда даволанувчилар табиий муолажалар ёрдамида шифо топиши мумкин. Бу санаторийнинг аҳамияти яна бир томон дунёда оптингурутли шифобахш сув билан даволашга ихтисослашган бешинчи сихатгоҳ эканидир. Термиз туманидаги «Термиз Марвариди» санаторийси ҳам вилоятда табиий туризмни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Барча қўлайликларга эга бу масканда мамлакатимиз аҳолисини ташқари қўшни давлатлардан ҳам сайёҳлар келиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Учқизил сув омбори бўйида ҳам мазмунли хордик чиқариш шароитлари ҳозирланган. Бойсун туманидаги машҳур «Омонхона» шифобахш булоғи, Шеробод туманидаги туз кони табиёт туризми ривожланган масканларга айланб бормоқда. Нафақат вилоят, балки юртимиздаги энг мафтункор манзилардан бири, бетақот табият манзараларига эга Сангардак шаршараси яқинида яна бир сихатгоҳга тамал тоши қўйилди. Сарюсий туманидаги пурвиқор тоғлар қўйнида қуриладиган бу санаторийга маҳаллий ва хорижий сайёҳлар ўз саломатликларини тиклаш баробарида, гўзал табият манзараларидан ҳам баҳраманд бўлишди.

Экотуризм ҳақида сўз юратадиган бўлсак, воҳамизнинг тоғли худудларини сайёҳликни ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар бошлаб юборилган. Жумладан, Бойсун туманидаги Омонхона, Дарбанд қишлоғи ва Зовбоши тоғли худудини қамраб оладиган Бойсун тоғ туризми кластери, Сарюсий ва Узун туманларидаги Хонжиза тоғ тизмаси ён бағри ҳамда Сарюсий туманидаги Сангардак қишлоғи худудини Сарюсий тоғ туризми кластери фаолияти йўлга қўйилди. Шеробод тоғ туризми кластери таркибига Шалқон қишлоғи, Хўжайпон туз кони атрофи ва худуддаги анорзор ҳамда бошқа мевағли бог-роғлар киритилди.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 27 майда қабул қилинган «Сурхондарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори вилоятда сайёҳлик салоҳиятини янада юксалтириш, бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим вазифаларни белгилаб берди. Мазкур ҳужжат билан эндиликда Термиз – Сарюсий – Денов – Бойсун – Шеробод – Термиз йўналиши бўйлаб туристлар учун мўлжалланган автобусларнинг «City tour» тамойили асосида мунтазам катновини йўлга қўйиш орқали «Олтин учбурчак» лойиҳаси рўбга чиқарилди.

– Вилоятда аҳолининг камбағаллик даражаси қандай? Одамларни иш билан таъминлаш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Коронавирус пандемияси билан боғлиқ дунёдаги мураккаб вазият иқтисодийёта салбий таъсир кўрсатаётган айна давр вилоятда аҳоли даромадлари кескин камайиб кетишининг олдини олиш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартиришга кенчиштириб бўлмайдиган вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифалар асосида эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш ишлари аниқ режа асосида, ҳар бир оила кесимида амалга ошириляптир. Урганишлар натижасида вилоят аҳолисининг 5,2 фоизи ёки 32 минг 600 киши камбағаллик даражасида кун кечираётгани аниқланди. Бугунги синовли кунларда эзгу ниятли тadbиркорлар, деҳқон ва фермерлар, химмати банд инсонлар ташаббус кўрсатиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда.

Камбағалликни қисқартиришга қаратилган ишлар бир неча йўналишда олиб бориляпти. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги жағмараси маблаглари ҳисобидан туман бандлик бўлимлари томонидан турмуш шароити оғир оилалар томонорасига эҳтиёжига қараб енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш, уруғ ва кўчат, сугориш воситалари олиб бериш мақсадида субсидия ҳисобидан ёрдам кўрсатиляптир.

Камбағал оилаларга кооперация усулида ер ажратилмоқда. Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган 45 та кооператив ташкил этилган бўлиб, 760 гектардан зиёд ер майдони 2 минг 300 кам таъминланган ва ишсиз фуқарога бириктирилди. 1,5 мингдан

ортиқ ёшлар учун 450 гектарга яқин бўш ер майдони ажратиб берилди.

Келгусида яна 12 қишлоқ хўжалиги кооперативи ташкил этиши ҳисобига 650 фуқаронинг, бўш ер майдонлари ажратилиши эвазига 3 минг 150 ёшнинг бандлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Туманларнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, маҳаллаларда аҳоли учун доимий даромад манбаи яратиш мақсадида мева-сабзавот етиштириш, кичик иссиқхоналар ташкил қилиш, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, қуёнчилик каби йўналишларни йўлга қўйиш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди.

Сарюсий туманида кооператив асосида паррандачилик кластери ташкил этиш орқали 468 оиланинг доимий даромад манбаини яратиш кўзда тутилган. Вилоят ҳудудий инвестиция дастури асосида йил бошидан буён 223 лойиҳа амалга оширилиб, 1525 янги иш ўрни яратилди. Қисқа вақт ичида 225 лойиҳа ишга туширилиши ҳисобига яна 4 минг 550 янги иш ўрни пайдо бўлади. Вилоятда ташкил этиладиган 9 кичик саноат зонасида 130 лойиҳа амалга оширилиши ҳисобига 650 фуқаро ишли бўлади.

– 2020 йил бутун дунё, хусусан, мамлакатимиз учун ҳам оғир, синовли келди. Иқтисодий ва ижтимоий барқарорлики сақлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун вилоятда қандай имкониятлар мавжуд ва бу борадаги ҳаракатлар қандай самара бермоқда?

– Сурхондарё вилояти иқтисодий ва табиий имкониятлари юқорилиги жиҳатидан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутди. Бу ерда ер ости бойликлари жуда кўп, Менделеев даврий jadваллидаги, деярли, барча элементлар бор. Бундан оқилонга фойдаланишимиз, мавжуд имкониятларни халқимиз манфаати учун йўналтиришимиз керак.

2020-2022 йилларда 900 миллион долларга тенг тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштириши мўлжаллангиз. Масалан, Туркиянинг «Azom Enerji Mühendislik İnşaat Ticaret Limited Şirketi» компанияси 100 гектар ер майдонида лимончилик кластерини ташкил этади.

Бойсун туманидаги умумий қиймати 5,7 миллиард долларга тенг «Мустақилликнинг 25 йиллиги» газ кони базасида йилга 5 миллиард куб/метр газни қайта ишлаш қувватига эга завод қурилиши мўлжалланган. Лойиҳа амалга ошгач, бу ерда жами 2 минг 500 иш ўрни яратилади.

Вилоятда экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар ҳажми ва турини кенгайтириш, хорижий сарможаларни жалб қилиш мақсадида чарм-пойабзал ишлаб чиқаришни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун озиқ-овқат ва чарм-пойабзал маҳсулотлари хом ашё базасини мустаҳкамлаш. Денов, Ангор, Қумқўрғон, Шўрчи, Бойсун ва Жарқўрғон туманларида чорвачиликни янада ривожлантириш чоралари кўриляпти.

Бундан ташқари, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги ҳудудий маҳсулотда саноат улушини ошириш, шаҳар ва туманларнинг саноатга ихтисослашувини чуқурлаштириш мақсадида 2020-2021 йилларда умумий қиймати 4 триллион 147 миллиард сумлик 231 истиқболли лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Натижада 6 минг 800 га яқин янги иш ўрни яратилади.

– Ҳоким ва оддий фуқаро сифатида Сизни қайси соҳадаги муаммолар кўпроқ қийнайдми? Ушбу масалалар ечимини топиш учун нималарга аҳамият бериш керак, деб ҳисоблайсиз?

– Ҳаёт бор экан, инсон бор экан, муаммолар ҳам бўлиши табиий. Муаммо ва камчиликларсиз макон ҳам, соҳа ҳам йўқ.

Мен келгусида Сурхондарёни ҳар бир фуқароси реал даромадли иш жойига эга, ер ости ва ер усти бойликлари сифатли қайта ишланб, дунё бозорига рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқарадиган, хорижий сайёҳларнинг йил бўйи қадами узилмайдиган, осмонўпар иншоотларга бой осуда, обод худуд сифатида тасаввур қиламан. Бу борада ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп. Асосий эътиборни вилоят иқтисодийётини чуқур таркибий қайта ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш, аҳоли даромадларини кескин ошириш ва юқори турмуш шароитларида яшашини таъминлаш вазифаларига қаратаман.

Бир сўз билан айтганда, мард ва оқилжон, ориятли Сурхон аҳли, ҳар бир оила эртага эмас, узоқ келажақда эмас, айнан бугун тўқин, обод турмуш кечериб, ҳаётдан рози бўлиб яшати керак. Мамлакатимиз дунёга янги қиёфада юзланган бир пайтда барча саяҳат-ҳаракатларимиз ана шу мақсадга йўналтирилган.

– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

**«Гулистон» муҳбири
Манзура ШАМСИЕВА суҳбатлашди.**



Муборак рамазон ойининг охирларида мамлакатимиз маданий ҳаётида яна бир муҳим воқеа юз берди – Тошкентимизнинг нақ марказида, Алишер Навоий номидаги Миллий боққа туташ Адиблар хиёбонида жами 24 ҳайкал – монумент жойлашган сўлим бир сайлгоҳнинг очилиш тадбири бўлди. Авжи баҳорнинг хушқаво насими эсиб, дов-дароҳт узра қушлар чаҳ-чаҳи билан шабада кўнгилларга ҳузур бағишлаб турган паллада Президентимиз таширф буюриб, бир гуруҳ ижод аҳли ва ёш авлод тарбиясига масъул пойтахтдаги олий ўқув даргоҳларининг раҳбарлари билан дилкаш суҳбат қурди.

АДАБИЁТ – ХАЛҚНИНГ ЮРАГИ

Адиблар хиёбонидаги ўйлар

Суҳбатнинг бош мавзуси – Адабиёт, соҳир сўз усталари ҳаёти ва ижоди, маънавият, маърифат масалалари ҳусусида бўлди. «Қандай қилсаки, бадий адабиёт, китоб, китобхонлик бори мамлакатнинг, айниқса ёш авлоднинг ҳаёт мазмуни, зиёлилик манбаи ва омилига айланса, ўзбек йигит-қизининг юраги адабиёт билан тепса, қони бадий мутолаалардан жўш урса, Ватан туйғуси, миллат дарду ташвиши умру жонининг бир узвига, таркибига айланса, ўзининг Ўзбекистонга дахлдор эканидан қувонса, ифтихор туйса, «Ул-сам айрилмасман кучоқларингдан» дея мудом қўшиқ куйласа...» Не бахтки, давлатимиз раҳбари «Адабиёт – халқнинг юраги» деган ёмби иборани бот-бот таъкидлаб айтди.

Ҳа ижод аҳли учун, айниқса, умрини қўлида қалам тутиб, қозога мук тушганча ўтказадиган заҳмат-кашлар учун бу ибора «бахт» ҳам, «ёмби» ҳамдир.

«Бахт» экани шуки, давлат раҳбари нафақат маиший ҳаётда, балки ижтимоий, сиёсий, иқтисодий турмушнинг мужассамлиги негизда бадий адабиёт туришини, инсоннинг руҳий қудрати ва қуввати адабиёт ва санъат туфайлидан эканини шунчалик бадиият ишқибози сифатида эмас, балки айнан 34 миллионлик улкан бир мамлакатнинг сиёсий раҳнамоси сифатида эътироф этипти.

«Ёмби» эканлиги бугун бутун олам виртуал дунёнинг қўлига айланиб, тугилмоқ, улғаймоқ, севиб-севилмоқ, оила, фарзанду набира, зваралар кўриб пиру бадавлат бўлмоқ неъматларини қўйиб, кафтдек рўёга махлиё бўлиб қолаётган замонда дунёда адабиёт, санъат деган муъжиза, китоб деган мисли йўқ кашфиёт борлигини баралла айтиб, жумла жаҳонни шунга чорлаётгани, ўсиб келаётган наслларни шу хазинадан баҳраманд айлаб, маънан, фақатгина фикран эмас, айнан руҳан бойитишга интилаётганидир.

Энг муҳими, уч ярим йил росмана тўлпятки, адабиётга эътибор бир-икки марталиноят ёки недадир мутаъассирлик натижасидаги олий ҳиммат эмас, узлуқсиз халқасомон ҳаракат сифатида муттасил давом этгувчи давлат ижтимоий - маънавий сиёсати сифатида бардавом бўляпти. Буни энди жамиятшунос олимларимиз илмий - амалий негиздаги доимий ўсиб бораётган жараён ўлароқ баҳолаб, босқич ва даврларга тасниқлаб ўрганмоқлари тақозо этилмоқда. Дарҳақиқат, адабий сиёсат борасида ҳеч бир

мафкуравий мажбуриятлар юкламай, қалам аҳлига пойтахт марказида махсус бино қуриб берилиши, аввалроқ ижодкорларнинг меҳнатини, уй-жой шароитини, ижтимоий ҳимоясини, даволаниш, дам олиш ва махсус ижод билан шуғулланиш имкониятларини яратиб бериш, китобларини чоп этиш, ёш истеъодларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби қатор ишлар агар тасниқланса яхлит бир босқични ташкил этади.

Мамлакатимизнинг адабиёт сиёсатида кейинги босқич ривожланиш жараёни таъмин этилмоқдаки, бу бевосита Адиблар хиёбонининг



барпо этилиши ва унда тикланган 24 ижодкор бадий ёдгорликларининг пойтахт олий ўқув юртиларига бириктирилиб, ижтимоий эгалик муносабатлари асосида муайян адиб ҳаёти ва ижодини замонавий ёндашувлар бўйича ўрганиш, тарғиб этиш, омаллаштиришни назарда тутди.

Асли шу ёндашувининг ўзи бадий адабиёт тарғиботида муқобили кузатилмаган ўзига хос оригинал инновацион янгилик. Бу янгиликнинг жорий этилиши умуман адабиётни ҳар қандай таълим-тарбиянинг асоси сифатида мавқеини кучайтиради, турли соҳалар бўйича профессионал тайёрликни адабиёт негиздаги

маънавий тарбия, ватанпарварлик ва миллат-севарлик тушунчалари билан уйғунлаштириб, ҳиссий-ахлоқий кўникмаларни мустаҳкамлайди. Бу янгиликнинг муваффақиятли қўлланиши мамлакатнинг ҳар томонлама баркамол кадрлар потенциали шаклланишига хизмат қилади. Пировадда биз ватанпарвар шифокор, миллат-севар ҳуқуқшунос, маънавий баркамол муҳандис, ҳимматли тadbиркор, иқтисодчи, ўқитувчи, ва ҳоказо натижага эришамиз.

Нафақат муайян адиб бириктирилган олий ўқув юрти, балки мамлакатдаги барча олий таълим муассасаларига дастлабки курсларда «Ўзбек адабиёти» фанининг жорий этилиши ва бунда педагогларнинг маҳоратига кўра ўша олийгоҳ мутахассислигига мувофиқ ёки яқин адабий-бадий мазмундаги асарларнинг тизимли равишида сингдирилиши том маънодаги муваффақият гарови бўлади. Физика соҳасида Россия Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, академик Игорь Моисеев таъкидлаганидек, «ҳар қандай фундаменти илмнинг негизда бадий адабиёт фундаменти бўлмоғи керак». Бу имконият ўтмиш тажрибаларидан исботини топган тушунча. Чунки бадий асар илк бор қўлига китоб ушлаган боланинг тасавуурини шакллантиради, унда ҳаёлот ва орзуни уйғотади, ўзи белгиланган соҳада ижодкорлик кайфиятига туртки бериб. Шу тарика буюк кашфиётлар, ижодий парвозлар содир бўлади. Бу тараққийнинг, инсон камолотининг омилли, табиат ва жамиятларни ҳаракатга келтирадиган қудрат касб этишнинг йўли. Шахслар, даҳолар шу тахлит тугилади ва биз ўшалар яшаган замонда яшаганимиз ёки ўшалар мансуб миллатта мансублигимиз, ўша замонда, ўлкада таваллуд тоганимиз билан, умуман, не бир дахлдорлигимиз билан қалбда гурур ҳис этишимиз, ифтихор қиламиз.

Шу билан бирга, яна бир нарса муҳимки, адабиёт бизда нафақат бадий, балки умуман дидни тарбиялайди, ҳиссиёт оламини бойитади, муносабатлар маданиятини пайдо қилади. Гап-сўз, муомала, юриш-туриш, кийиниш, қўйинчи жамият ва табиатга қарашларни тиниқлаштиради, аниқлаштиради. Шунинг учун адабиёт фани дастлаб ўқитила бошлаганидан инсонда ҳиссиёт, туйғулар тарбиясига асосий эътиборни қаратмоқ шарт. Тўзаплик туйғуси, ўзга бировни ҳис қилиш, тушуниш, дилдошлик, самимиятни уйғотиши лозим.



мак, муҳит очиқ осмон остида давом этади. Чаппар уриб очилган гуллар, Ҳамид Олимжон куйлаганидек, кўм-кўк, кўм-кўк майсазорлар, соя-салқин йўлка ва майдончалар ижодкорлар, адабиёт муҳиблари ва шайдолари хизматига шай.

Адиблар хиёбонида меъморлик санъати имкониятлари бор бойлиги билан кўзга ташланади. Қаранг, жилд-жилд китоблар бағрига сиғмаган ўзбек адабиётининг муазам тарихи «кафт»дек майдонда мужассам. Алишер Навоидан тортиб XX аср бошларига қадар яшаб, ижод қилган шоиру адибларимиз – Бобур, Фурқат, Муқимий, Бердақ сиймосига юзма-юз келасиз. Утган аср аввалида – эндиликда биз учун мозийга айланган энг аянчли ва мудҳиш замонларда ижод

лутфдан иборат эканлиги эндиликда ҳеч бир ақли расо банда учун сир эмас. Инсонийлик аъмоли ҳам, умр мазмуни-ю гўзаллиги ҳам ушбу мўъжиза-сўзга чамбарчас боғлиқ. Ижод-чи, сўз ижоди? Қайси ижодкор салоҳиятини сўздан айро тасаввур этмишми?! Сўз – қанот, сўз – ҳикмат, сўз – эътироф, эҳтиром, эъзоз!

Сизга пешвоз чиққан ҳар бир сиймо ўша сўз орқали «етиб» келмадиларми, бу дилбар хиёбонга?! Шоирдир, адибдир, мунаққид ё мутаржим – ҳар бирлари сўз, сўз, ва яна бир қарра сўз воситаси-ла намён этмадиларми, ўзларини?!

Миллатимизнинг, халқимизнинг қисмати битилган сўз қатларида. Сўзлардан китоблар дунёга келган. Ҳазрат Навоий, Бобур, Фурқат, Муқимий, Бердақ битта-битталаб терган ҳарфлардан бунёд бўлмаганмиди ўлмас манзумалар, боқий девонлар? Қодирий, Чўлпон, Авлоний қай кунжақларда чеқдилар ижод машаққатларини? Ойбек, Зулфия, Саид Аҳмад, Ибройим Юсуф, Тўлепберген оға... Муҳаммад Юсуф китобларининг ҳар бири янги-янги китобларда давом этишга муштоқ, мунтазир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ижод аҳлини яна ва яна ижодга даъват этмоқда: Адиблар хиёбонида қад ростлаган ҳар бир ижодкорнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида ҳужжатли, бадий фильмлар яратиш мумкин!

Шаксиз, Адиблар хиёбони барча-барча ижодкорларнинг севикли масканига айланади. Шоир шеър ўқиса, адиб ўйга толади, бастакор куй басталаса, мунаввир ранг танлайди, мунаққид тадқиқ этса, кино-театр намоёндалари янгидан-янги экран ва сахна кўринишларини кашф этадилар. Бу тарз ижод қайнаган гўшани мухлисларсиз тасаввур қилиб бўлмайди! Зеро, адабиётимиз, санъатимиз, маданиятимиз мухлислари билан боғнинг файзига файз, кўркига кўрк кўшилади.

**Ҳурият – байрогимиз,
Адолат – ўртоғимиз,
Хурсанд бўлган чоғимиз
Мевалансун боғимиз!**

Юз йил муқаддам Чўлпоннинг армонига айланган тотли орзу, мана, Адиблар хиёбонида меваланиб турибди. Бу – маънавиёт, маърифат, тозаирш, ҳурият, адолат ва хурсандчилик-шодлик меваси ўлароқ, ҳосилини тақдим этмоқда, ҳаёт этмоқда!

Адиблар хиёбони бўйлаб босган қадамингизда китоб ўқиётгандек бўласиз. Ҳар қадамда ўзингиз севган роман, ўзингиз суюб ёд олган шеър сизни нафосат оламига ошно этади. Гавжум мегаполис шаҳарнинг қоқ марказидаги масъум ва осуда гўшада хотиралар тиниклашади, хотиралар уйғонида, хотиралар жунбушга киради, зеро, мутолаа шуурни уйғоқ тутди. Шавқ-завқга тўла мутолаадан қунилар ёришади, Адиблар хиёбонида бадий сўз, бадий адабиёт, одоб-ахлоқ эътироф, эъзоз, эҳтиром юксаклигига кўтарилади!

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

ЭЪТИРОФ, ЭЪЗОЗ, ЭҲТИРОМ

(Бошланиши 15-бетда)

Жамики маъно-мазмун музиқий уйғунликда мужассам топтоғи лозим. Шаҳрисабз шаҳрида Амир Темури, Тошкентнинг Алишер Навоий кўчасида Алишер Навоий, Андижон шаҳрида Заҳриддин Муҳаммад Бобур, пойтахтимизда Александр Пушкин, Жиззахда Ҳамид Олимжон, Ойбек уй-музейидаги Ойбек сиймоси тошга муҳрланган юксак дид, нафосат, назокат тимсолига айланган. Шундай кутлуг аънаана Адиблар хиёбонидаги аксарият ҳайкалларда ижодий эволюция маҳсули ўлароқ давом этган. Қисқа мuddатларда қад ростлаган ҳайкаллар қиёфаси, шакл-шамойили, ечими, миллий ҳайкалтарошлик санъатимиз «устахонаси»да ижодий изланиш қизгин давом этаётганидан, яъни ижодий жараён ҳаракатда эканидан дарак бериб турибди.

Ҳар қандай адабий ижод, ижодий муваффақият ижодий муҳитнинг фарзанди, мевасидир. Ваҳоланки, ижод, аввало, руҳий-ботиний ҳодиса, шу билан бир вақтда соғлом ташқи муҳитга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Ботиний ва зоҳирий омил бирлиги, уйғунлиги илоҳий илҳом сонияларига етаклайди ижод аҳлини! Хусусан, адабиёт дароғиҳа энди-энди одим ташлаб кириб келаятган ёш ижодкорлар учун гоътада зарур, бундай сониялар. Ана, Ватанимиз Ёзувчилар уюшмасининг мухташам биноси ёнимизда, бу ердаги чарогон хона ва заллар кўлига қалам тутган ижодкорларга мунтазир. Мушоира ўтказасизми, учрашув, давра суҳбати, тақдирот-у ҳоказо тадбирлар ташкил этасизми, марҳамат, ижодий кайфият бахш этувчи барча шарт-шароит муҳайё.

Эндиликда Уюшма саройи мантиқан Адиблар хиёбонига туташиб кетмоқда. Де-

«дастгоҳи»ни азиз билган мунаввар сиймоларимиз – Абдулла Қодирий, Беҳбудий, Чўлпон, Абдулла Авлоний, улардан кейинги авлод вакиллари – Ҳамид Олимжон, Зулфия, Ойбек, Гафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, сўнгра – Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова,



Эркин Воҳидов, Озод Шарафиддинов, Абдулла Орипов, яна бир қанотда Тўлепберган Қайилбергенов, Иброҳим Юсупов, Муҳаммад Юсуф ва Александр Файнберга қадар – адабиётимиз даргалари сиймолари бир асприк адабиётимиз солномасини ёдга солмоқдалар. Ҳар бир ёдгорлик тарихга айланган юз йилликнинг «кеча ва кундуз»лари ҳақида ҳикоя қилмоқдалар. Бадий ижод завқи, сурури ва таассуфлар бўлсинким... машаққатларидан ҳикоя қилмоқдалар, гўё!

Янги боғнинг бағри кенг, чунончи, Машраб, Мунаввар қори, Фитрат, қолаверса, Мақсуд Шайхзода сингари сиймоларимиз мунаввар сафдан муносиб ўрин олишлари боғнинг сермазмун миқёсига миқёс кўшиши табиий.

«Иқро!» каломи ила бошланган илоҳий Китобимиз. Дунёнинг аввали ва охири шу

Ойбек ижод хазиначисидан бахрамандлик

Ҳар қандай мамлакат тараққиётида илм, маърифат, адабиёт ва санъат муҳим аҳамиятга эгадир. Бунга тинимсиз ўқиш, ўрганиш, изланиш орқали эришилади. Инсон қайси соҳада фаолият олиб бормасин адабиёт, санъат ва маданият билан ошно бўлмоғи лозим. Президентимиз 2020 йилни мамлакатимизда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили, деб номлагани замирида ҳам ана шундай теран маъно-мазмун мужассамдир. Зотан, барча илмлар, кашфиётлар асоси китоб экани барчага кундай равшан. Давлатимиз раҳбари китоб тарғиботига, китоб мутолаасига, адабиёт ва санъат ривожига алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши бу борада муҳим аҳамият касб этди. Мазкур фармойишнинг ижроси халқимизнинг, хусусан, ёш авлоднинг маънавияти ва интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Интернет асрида ёшлар дунёқарашини чалғитувчи ижтимоий тармоқлар, мияни «занглатувчи», бир хил фикрлашга ундовчи сайтлардан узоқлаштириб, мулоҳаза юритишга, таҳлил қилишга, адабий дидни шакллантириш учун кўникма ҳосил қилувчи мазмунан ва бадиий юксак китобларга ошно қилиш кераклигини онгу шууримизга сингдиришда муҳим омили бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 20 май куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиббонига ташриф буюрди. Ушбу маърифат масканининг очилиш маросими бўлди. Президентимиз бир гуруҳ ижодкорлар билан дилдан суҳбатлашди. Унда миллий адабиётимизни ривожлантиришга эътибор ҳақида сўз борди. Хиббонда ҳайкали ўрнатилган адибларнинг ҳар бири юртимиздаги муайян олий ўқув юрталарига бириктирилди. Бу ишнинг замирида теран маъно мужассам.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ҳайкали бириктирилди. Адиб ижодини турли тадбирлар, тўгараклар, учрашув ва суҳбатлар қилиш орқали талабаларга таништириш ҳақида топшириқлар берилди.

Институтиимиз жамоаси бу борада қатор

режаларни белгилаб олди. Ушбу режамизга мувофиқ «Ойбек музейи» ташкил қилинади, дарслар ўша музейда ўтказилади. Бириктирилган мактаб, академик лицейларда «Ойбек синфи» бўлади. «Ойбек издошлари» тўғраги доимий фаолият юритиб, адабиётшунослар, хусусан, Ойбекшунос олимлар билан илмий-ижодий алоқа боғланади. Адибнинг ҳаёти ва ижоди акс эттирилган видеоролик ва фильм суратга олишни мўл-



жаллаганмиз.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир халқ тарихида ёрқин из қолдирган буюк ёзувчи ва шоирлар абадиятга дахлдордир. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, академик Ойбек ҳам ана шундай ўлмас адиблардан.

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек XX аср бошларида ўзига хос овози, сўзи билан адабиётга кириб келган. Унинг ижоди гўё вулқон сингари отилиб чиқанини адабиётшунослар эътироф этишган. Адибнинг насрдаги ижоди бир томон бўлса, шеърларидаги поэтик кашфиётлар Ойбекнинг сийрати ҳақида сўзлайди. Унинг асарларидаги юксак пафос, теран фалсафий фикрлар ўқувчи қалбини забт этади. Ҳар бир ибора, ҳар бир сўзда шоир маҳорати ёрқин акс этади.

Ойбек ҳаётга кўнгил кўзи билан боқиб, ундан салмоқли маъно чиқара олган ижодкор эканлигини асарлари кўрсатиб турибди.

Улғу ёзувчимиз ижоди бугунги кун ёшлари учун машъал, балки ўтмишдан ҳам сабоқ беради. Айниқса, «Навоий» романи буюк бобомиз, газал мулкнинг султони Алишер Навоий ҳазратларига бағишланганлиги билан ўқувчини ўзига тортса, ўзбек халқининг яқин ўтмиши бўлмиш, зопимларнинг зулмидан толиққан халқнинг уларга қарши кўзголони ҳақида тасаввур уйғотадиган «Кўтлуг қон» романини ўқиган киши йўллага йўлдош бўлиб, у билан биргаликда йиғласа йиғлаб, кулса кулади.

Ёзувчининг бурчи гоёвий-бадий мукамал асарлар билан ўқувчи маънавиятини юксалтиришдир. Ҳақиқатга холис ёндашиш асар муваффақиятининг кафолати ҳисобланади. Ҳар бир сўз самимиятдан йироқлашмаган ҳолда қоғозга тушса, ўлмас ижод намунаси дунёга келишини Ойбек шеърларида, насрий асарларида исботлаб берган.

Ёзувчи асарларини қайта-қайта ўқиш, таҳлил қилиш ёшлар маънавиятини оширади. Бизнинг институтиимизда ҳам адабиётга, санъатга қизиқадиган иқтидорли ёшлар кўп. Институтиимиз ўқитувчилари ва талабалари билан Ойбек ижодини ўрганиш, тарғиб қилиш бўйича режаларимизни онлайн тарзда кўриб чиқдик. Улар бу хабарни мамнуният билан кутиб олди. Зеро, Ойбек ижоди – улкан маънавий ҳазина. Бу ҳазинадан ҳали кўплаб авлодлар бахраманд бўлиши шубҳасиздир.

Бугун ёшларнинг мумтоз адибларимиз ижоди билан яқиндан таништиришга, уларнинг ижод мактабидан бахраманд бўлишига даъват қилинаётгани бежиз эмас. Бундай саъй-ҳаракатлар замирида ёш авлод ва Ватан келажаги турибди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, адабиётсиз маънавият бўлмайди. Демак, адабиёт энг муҳим озуқа. Бу озуқадан фойдаланган ёшлар эл-юрт учун фидойи инсонлар бўлиб камолга етиши шубҳасиздир.

Баҳодир ОНОРБОЕВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил
саноат институти ректори



ХАЛҚИМИЗНИНГ ИНЖА ШОИРИ

Йигирманчи аср ўзбек адабиётида, хусусан, шеърятда Ўзбекистон халқ шоири Миртемирнинг алоҳида ўрни бор. Бу ҳассос сўз санъаткорининг шеърлари, достонлари, сочмалари, таржималари миллий адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин олган.

Миртемир (Турсунов) 1910 йил 30 майда ҳозирги Қозоғистон Республикасининг Туркистон шаҳри яқинидаги Иқон қишлоғида туғилган. Ёш Миртемир аввал эски мактабда таълим олган, кейин Тошкентга келиб, 1920-23 йилларда Алмаий номидаги намуна иш мактабиди, 1925-29 йилларда ўзбек эрлар билим юртида ўқиган. 1929 йил ўша пайтда Ўзбекистон пойтахти бўлган Самарқандга боради ва Ўзбекистон Марказий Ижроия қўмитаси Олий Совет

Президенти раиси Йўлдош Охунбобоевнинг котиби бўлиб хизмат қилади. Ишлаш билан бирга Педкадемиянинг тил ва адабиёт факультетига ўқийди. Шу йиллари у «Қизил қалам» адабий ташкилотига аъзо бўлади. Ушбу ташкилот фаоллари, жумладан, Боту, Олтой каби шоирлар билан ҳамкорлик қилади. Ташкилотнинг айрим аъзолари миллатчи сифатида қамалганидан кейин улар билан алоқада бўлгани учун 1932 йилда Миртемир ҳам ҳибсга олинади ва Москва-Волга канали қурилишига юборилади. Қамокдан озод бўлгач, «Янги ҳаёт» газетасида, республика радио қўмитасида, нашриётда турли лавозимларда ишлайди.

Миртемирнинг «Шуълалар қўнида» деб номланган ilk шеърый китоби 1928 йили нашр этилади. Миллий шеърятимиз учун янги жанр бўлган сочма, яъни насрий назмлар муҳлислар ва мутахассислар эътиборини тортади. Шундан кейин шоир-

нинг «Зафар», «Қайнашларим», «Бонг» шеърый тўпламлари эълон қилинади.

Шоир ижодида дostonлар алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг турли йилларда ёзилган «Барот», «Хидир», «Дилкушо», «Сув қизи», «Ойсанамнинг тўйида», «Қузи», «Сурат» каби дostonлари XX аср ўзбек шеърятининг сара асарлари қаторидан ўрин олган. Айниқса, «Сурат» лирик кассаси 60-70 йиллар ўзбек шеърятда дoston жанрига эътибор кўчайишига, лирик дoston жанри ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатган.

**Эсингдами сўнги бўсалар,
Сенга тоқат тилаганларим,
Юз очганда аёз бир саҳар
Хайр! – деб сочинг силаганларим,
Сенга тоқат тилаганларим?**

МИРТЕМИР

Саҳар чоғи мени ёд эт

СЕН ОНА...

Розиман, ризоман, ўла-ўлгунча
Халқим деб ўлдим.
Халқим нима бўлса, мен ўша бўлдим,
Юрагим, бўғилма, ўртанма бунча!

Ўзимга хиёнат қилдим у аксар,
Халқимга хиёнат ўйлаганим йўқ.
Менинг юрагимни тешиб ўтдилар
Халқимга отилган талай-талай ўқ.

Қанча йўллар босдим, гоҳида толдим,
Лекин халқ номига юқтирмадим гард.
Фарёд солар чоғда жим бўла олдим,
Халқим дарди эди дил ўртаган дард.

Халқим этагида етдим вояга,
Халқ билан кулдим.
Бардошим сўз бермас, дейман, қояга...
Розиман, ўлгунча халқим деб ўлдим.

Алишерга алла айтиб ухлатган
Сен — она.
Оғушида Бобур камолга етган
Сен — она.
Торобийни оғир жангга жўнатган
Сен — она.
Оламни нурида мунаввар этган
Сен — она.
Йиғласа, дунёни расо титратган
Сен — она.
Кулгиси саодат парвариш этган
Сен — она.
Доҳийлар бешигин бедор тебратган
Сен — она.
Меҳри баҳорида элни яшнатган
Сен — она.
Ягона ўғлингни жўнатдинг жангга,
Бўл бардам, она!
Онадай ошққ йўқ она Ватанга,
Муҳтарам она...

БЕТОБЛИГИМДА

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Қоврилмай гашлик алангасида,
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Нафасимни ростлай кўлангасида.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Қушлар овозига қулоқ солайин.
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Хаёл оғушида ором олайин.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Шу кунгача ўзни мен чеклаб бўлдим.
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Мен учун йиғласин мен йиғлаб бўлдим.

ҲАЛИ ҲАМ

... Онам нон ёпади бўғриқиб-бўртиб,
Дам-бадам қуяди қўли енгсақда.
Чивик тойчам гижинг, йўргалаб-йўртиб,
Ҳадеб айланаман шу теварақда.

Нари кетолмайман ўчоқ бошидан,
Югурук бўлса ҳам тойчам нечоғлик.

Сурат, сурат! Нега сен тилсиз?
Сени асраб тўрт йил кўйнимда –
Топинардим, упардим... эсиз!
Э, воҳ, қандай зил юк бўйнимда,
Сени асраб тўрт йил кўйнимда?..

Салкам етмиш йил илгари ёзилган бу дoston булун ҳам муҳаббат, ҳижрон, вафо, ва жафо ҳақидаги гузал асар сифатида севиб ўқилади.

Миртемир ижодида Ватанни, онани, меҳнаткаш халқимизни улуғлаш асосий мавзу. Унинг «Онагинам», «Мен сени...», «Тошбу», «Норбуви», «Паттининг ҳасратлари» сингари шеърларида ўзбек аёлларининг ор-номус, вафо ва садоқат, меҳр-муҳаббат, сабр-қаноат, меҳнатсеварлик каби фазилатлари авж пардаларда куйланади. Академик, адабиётшунос олим Наим Каримов таъкидлаганидек, Миртемир шеърлари лавҳаларга бойлиги, тасвир этилаётган замон ва макон аниқлиги, пирик қаҳрамон руҳий оламининг ёрқинлиги ва боқиралиги билан ажралиб туради. Шоир ўз ижодида халқчиллик руҳининг юксак намуналарини намоён этади. Миртемир чинакам сўз заргари, том маънодаги халқ шоири эди. Унинг шеърлари, дostonлари, сонмалари, ҳатто таржималарини диққат билан ўқиган китобхон ўзбек тили нақадар бой, латиф ва жозибдор эканига қайта-қайта амин бўлади.

«Мен сени инжитмайман, Ва лекин тинчитмайман», деган куйма сатрларни эсга олайлик. Ёки «Мажнунтоп тағига ўтқазинг мени, Мен учун йилгасин, мен йиглаб бўлдим» деган мисраларни ўқиганда, беихтиёр, кўзингизга ёш келади.

Миртемир жаҳон адабиётидан қилган таржималари билан ҳам адабиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшган. Ш.Руставелининг «Иулбарс терисини ёпинган паҳлавон» (ҳамкорликда), А.Пушкиннинг «Руслан ва Людмила», «Ойим қиз – қишлоқ қизи», М.Лермонтовнинг «Исмоилбек», «Савдогар Калашников ҳақида қисса», Н. Некрасовнинг «Русияда ким яхши яшайди?» сингари дoston, қисса ва эртакларини, қирғизларнинг «Манас» эпосини (ҳамкорликда), Г.Гейне, А.Пушкин, М.Лермонтов, Н.Некрасов, Абай, Я.Купала, С.Вургун, С.Капутикян, Бердақ каби кўлаб шоирларнинг сара шеърларини ўзбек тилига маҳорат билан ўргитган.

Ўзбек кўшиқ санъати ривожига ҳам Миртемир ижодининг ўрни катта. Унинг шеърлари билан айтиладиган «Бир гўзал», «Қаро кўзлик», «Яли-яли», «Уйнасин», «Устина» каби ўнлаб ашулалар хонандаларимиз репертуаридан мустаҳкам ўрин олган. Уларни кўшиқ шинавалдари севиб тинглайди.

Халқимизнинг сеvimли, ардоқли шоири бўлган Миртемир домла ниҳоятда камтар,

камсуқум инсон эди. Ёш ижодкорларнинг марҳаматли, бағри кенг, меҳрибон устози бўлган Миртемир шоирларини «киприкларим», деб ардоқлар, шу номли китоб ҳам ёзганди. Ўзбек адабиётининг забардаст вақиллари бўлиб етишган кўлаб ижодкорлар Миртемир домла сабоқларидан баҳраманд бўлган.

Ўзбекистон халқ шоири Миртемир Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти билан тақдирланган.

Миртемир 1940 йилда ёзган «Ўйлар» шеърисида шундай орау қилган:

Санъаткор, ошиқи саз Ватанимда
Кошки, тилга олгулик шоир
бўлсам?!

Шоирнинг орузи амалга ошди. У элимизнинг «тилга олгулик шоири» бўлиб етишди! Унинг асарлари бугун ҳам халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавий оламини бойитишга хизмат қилмоқда. Шу боис 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Ўзбекистон халқ шоири Миртемирга «Буюк хизматлари учун» ордени берилди.

Халқимизнинг инжа шоири, суюқли фарзанди Миртемир ўзининг улмас асарлари тимсолида ҳамиша барҳаёт.

Мазалироқ баъзан қийма ошидан,
Ҳар гал битта патир менга атоғлик...

Ялпизлик, райхонлик ё жиндак жицца,
Сўлқилдоқ, юмалоқ, чўғдай ва қумоқ.
Гоҳи бўлсам ҳамки кимдандир изза,
Синиб ётса ҳатто кичик аргумоқ.

Менга ўша патир тегса бўлди, бас
Отланиб, овлоққа жўнайман дарров.
Айқими ё қоплон — менга писандмас,
Патир тўқлигида ўлжалик-да, ов.

...Дилда армон қолди, умрга татир,
Не кунлар бор экан манглайгинамда.
Қишлоқда ёдимга тунгли шу патир,
Ҳануз таъми бордай танглайгинамда.

ҚОРА КЎЗЛИ

Қора кўзли ва гул дийдор,
Баҳор чоғи мени ёд эт!
Хиёбонда кезар бўлсанг,
Наҳор чоғи мени ёд эт!
Қора кўзли, сўлим дилдор,
Сенга айтиб сириш ошкор,
Агар кечса кечанг бедор,
Саҳар чоғи мени ёд эт!
Қора кўзли, вафоли ёр,
Ажаб хилват, чаманзор бор,

Кўзинг тушса — этар хумор,
Хумор чоғи мени ёд эт!
Қора кўзли ва гул дийдор,
Бўлай жангда шижоаткор,
Агар ўлсам, сўрай такрор,
Баҳор чоғи мени ёд эт!

ЛОЛАЗОР

Наврўз. Лолазор бўз. Чечаклар кўз-кўз.
Олис адирларда, дўнғларда лола,
Ҳар лола — тупроқдан ишқий рисола,
Ҳар лола — кўшиқчи, қувноқ қиз бола,
Ҳар лола кўриқда ярқирай наврўз.
Лола очолдингми, Култепам сен ҳам?
Эй, онам, менга кўз тиккан шўрлик дўнғ,
Онамнинг толеи бўлмади ҳеч ўнғ,
Лола очилар пайт кўнгли қор ва тўнғ,
Тонг чоғи дала ҳам кўз ёшидан нам.
Елкамда фарзандлик қарзим хануз бор,
Менга олис — Бағдод, мақтовли Кобул,
Менга писанд эмас калъаи Бобил,
Мени ўйламагин унча ноқобил,
Бобо юртим Ясси, шавкатли Ўттор!
Не-не соз кўшиқда, ёд этгум ҳали,
Эй асов, бепардоз, соғ, она тилим,
Булоқдай тинигим, дурдона тилим,
Бешигим, пок дилим, жонона тилим,
Не-не соз кўшиқда шод этгум ҳали.

КИПРИКЛАРИМ

Ёш қаламкашларга атаганим
Киприкларим кўнғирмикан ё қора?
Киприкларим юзтамикан ёки минг?
Киприкларим мунча азиз ва сара,
Кўзгинамининг киприклари...
Қуюнларда қолганимда,
чанга ўралганимда,
Оҳангарон тўзонидан занжи
қоралганимда,
Ёки яхши тимсол излаб,
чангдай таралганимда,
Ёки бир шеър армонида юз бир
кўралганимда,
Ўзбекистон тонглари бедор кутган
кўзларим,
Тенгсиз тонглар фалсафасин ташна
ютган кўзларим.
Кўзларимга чегарада шай аскардай
қўриқчи,
Кўзларимга олис Бобур ғуссасидай
йўриқчи,
Эй, азиз киприкларим.
Сергакликда тирикларнинг сиз-ку энг
тириклари...
Кипригимдай азизларим, нечоғлик ҳам
суюқсиз.
Армонимдай буюқсиз!

Ўфқ шайдоси

... китобларима яна илтижо этарман.

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ

Йигирманчи аср машҳур ўзбек адибларидан бири Саид Аҳмад (Сайдахмад Хусанхўжаев) ҳаёт бўлганида шу йил июнь ойининг ўнинчисида юз ёшга тўлар эди. Унинг «Тортиқ» номли биринчи китоби йигирма ёшида, қиркинчи йилда чиққанди. Бора-бора у ўзини серқирра, серкўлам ёзувчи сифатида намоён эта бошлади. «Фарғона ҳикоялари». «Қадрдон далалар». «Хукм» қиссаларини жуда тез, шитоб билан ёзди, эл оғзига тушди. Айниқса, эллигинчи йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб адибнинг истеъдоди чакмоқдек чакнади. Бутун мамлакатда донг таратган ва ўқувчиларни том маънода ҳайратга солган «Кўклар тароналари», «Чўл ҳикоялари», «Чўл бургути» лирик ҳикоялар туркумларини кетма-кет, шиддат билан оламга ёйди. Бу асарларда ўзбек чўлқувар деҳқонларининг оригинал, ноёб, жозибador характерлари яратилди. Чўл бургути, Ўрик домла ўша давр ўзбек адабиётида чинакам кашфиёт бўлди. Улар сиқилган, эзилган, қамалган адабиётнинг биқиқ, тор йўлларида чиқиб, завқ-шавқ, ҳаётсеварлик нашидаларини намоён этди. Инсон неча замонлардан буён илк бор энгил нафас олганидек, адабиётнинг кўксига ҳам жонон ҳафиф шамоли төгди. Саид Аҳмад сиймосида анчадан бери кутилган буюк кўтарилиш даври бошланди.

1964 йил ёзила бошлаган «Ўфқ» романи ва унинг ўн йил ичида трилогияга айланиши ана шу буюк кўтарилишнинг айни бадиий тимсоли бўлди. Миннатдор ва муҳаббатли минглаб ўқувчилар романларни ҳақли суратда бадиий жиҳатдан баланд мартабали эпопея сифатида қабул қилди. Бу миллий романлар Иккинчи жаҳон уруши арафаси, уруш ва урушдан кейинги йиллардаги ўзбек халқи ҳаётининг лиро-романтик ва чин реалистик манзараларини, миллий характерларни меҳнат ва ижтимоий зиддиятлар жараёнида кенг ва ҳаққоний тасвирлаб берди. Чўл ҳикояларидан бошланган бадиий юксалиш тобора кучайиб, тобора баландлаб мўъжизакор қудратга айланди. Бундай мўъжизакор парвоз адабиётимизда илк бор Чўлпон, Фитрат ва Ойбек ижодий йўлида кўзга ташланганди. Ойбекнинг буюк бадиий темпини эсланг. «Ўфқ» эпкинлари адабиёт ва ижод дунёларида тинимсиз кезар ва ажойиб ҳаракатчанлик яратаркан, 1976 йилдан дунё сарҳадларида «Келинлар кўзғолони» бошланди. Бу ҳаммасидан антика эди. Гоголь, Мольер асарлари саҳнага чиққанда ана шундай мислсиз бадиий галаёнлар юз берган ва Шекспирдан кейин дунё театрлари шундай масарратларга шомил бўлганди. Театрлар бир туғишни бошласа, шундай гигантларни туғаркан-да ҳайратлари тошиб, ўйноқлаб. Бу асар Саид Аҳмадга мислсиз ижодий галаба келтирди. «Келинлар кўзғолони» Япониядан тортиб Америкагача дунё саҳналарини ишғол қилди. Саид Аҳмад ўз ижодида Ойбек усулини – темпи, шиддатини муваффақиятли қўллашда давом этди. Гўзал ва ёрқин «Кўёв» комедиясини яратди. Саҳналар «Тобутдан товуш»дан кейин Саид Аҳмад асарлари ўйналганда, буюк кулги гулдурсларига тўлди. Бу асарларнинг тили бениҳоя заргарона ишлангани кишини лол қилади, актёрларда мислсиз санъаткорлик кучи ва завқини уйғотади. Ўша давр одамлари бир неча замонлар Саид Аҳмад асарлари руҳи оғушида яшадилар,

ётсалар ҳам, турсалар ҳам, уларни тилдан қўймадилар: Фармон биби, унинг ўғиллари ва келинларида замон ҳодисалари ўта теран, халқ дилига яқин акс этганди. Халқ дилига яқинлик, халқни асарни худди ўзи ёзгандек қабул қилиши ва ҳаёти саҳифасига қўшиши адабиёт, ижод учун бебаҳо неъмат эканлиги яна бир қарра аён бўлди. Саид Аҳмад «Кўёв»дан кейин ҳам ижод шиддатини сира бўшаштирмади. Бири иккинчиси билан бадиий бас бойлаб, қоракўз мажнунлар, офтоб ойимлар – сиёсий тазйиқ ва даҳшатли зўравонликларнинг аччиқ аламли тасвирлари кенг ўқувчилар тасаввурини беомон эгаллади. Саид Аҳмад «Келинлар кўзғолони» билан бирга юриб, дунё саҳналарини кўрди, машҳур актёрлар, режиссёрлар билан танишди. Ёзувчининг хаёл уфқи ҳам, ижод уфқи ҳам ғоят кенгайди, таассуротлари беҳад бойиди. У ёшлигидан доим нимадир яратиш иштиёқида ёниб, алангаи оташ бўлиб яшарди. Энди илҳом ва яратиш алангаси шуълалари кенг уфққа гўзал шуълаларини тинмай сочди. Саид Аҳмад 1988 йилда замонга ва ўша пайтдаги изланиш кайфиятига ўта ҳамоҳанг «Жимжитлик» деган қизиқарли романини ёзди. Бир қанча киносценарийлар, саҳна асарлари яратди. Бири-бирдан тиғи ўткир ҳажвий ҳикоялари пайдар-пай дунёга келди. Бир қанча кўп жилдлик сайланма китоблари давр ўқувчиларига сеvimли тўхта бўлди. Бу улкан ижодий яратувчилик беиз кетмади. Саид Аҳмад ёши улгайганда буюк эъзоз-иқром кўрди. Халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони олий унвонлари билан тақдирланди. «Буюк хизматлари учун» ордени соҳибдори бўлди. Чеккан мислсиз машаққатлари эвазига эъзоз кўрди ва охири нафасигача қўлидан қалам тушмади. Ҳаммаданам унинг давр манзаралари ўта нозик ва ҳассослик билан чизилган хотира асарлари – ҳикоялари, қиссалари ўқувчиларнинг теран меҳр-муҳаббатини қозонди.

Унинг устозлари, яқин раҳнамолари Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, адабий сафдошлари Шухрат, Асқад Мухтор, Саида Зуннунова, Озод Шарафидинов, Туроб Тўла, Ҳамид Фулом, Рамз Бобожон, Шукрулло, Раҳмат Файзий, садоқатли шоғирдлари Ўлмас Умарбеков, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Носир Фозилов, Незмат Аминов, Мақсуд Қориев, Худойберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон, Муродбек Низонов, Тоғай Мурод, Турсунай Содиқова, Маҳмуд Тойир, Тўлан Низом, Ҳабиб Саздулла, Йўлдош Сулаймон ҳақидаги хотира сўзлари, хотира асарлари адабиёт, ижодкорлик, ижодкорнинг давр ва халқ ҳаётидаги ўрни, муҳит, шароит, адабий-бадиий услуб ҳақидаги қарашлари ва кузатишлари теран, ранг-баранг, бой бўлгани билан ажралаиб туради. Саид Аҳмад хотира асар яратишининг ажиб жонли қирралари ва хусусиятларини майдонга чиқарди. Адабиётимизда эссе ва бадиё деб аталган бу жанр кейин Шукур Холмирзаев, Эркин Аъзам, Дадахон Нурий, Тоҳир Малик, Назар Эшонкул каби истеъдодли адиблар ижодида ҳам салмоқли ўрин эгаллади. Саид Аҳмад шоғирдларини ғоятда сева, қадрлар, уларни эътиборидан заррача ҳам қочирмас, таллабчанлик ва меҳрибонлик билан тарбия, йўл-йўриқ кўрсатар,

уларнинг ҳаммасига ўз фарзандайда меҳр билан муносабатда бўлар, асарларини назардан қочирмай, ўқиб борар, жон-дилдан суҳбатлашарди. Ҳатто, уларга ҳамоҳанг руҳда асарлар яратишга интиларди. Устоз-шогирдлар асарларида, мисол учун Шукур Холмирзаевнинг «Қил кўприк» романи ва бадиалари, Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар» романлари, қисса ва хикояларида шундай мотивлар ҳамоҳанглиги, мотивларни ижодий давом эттириш, уларга янги оғмос қирралар бағишлаш ижодий ҳолатлари яққол сезилади. Адиб, ҳатто, Ўлмас Умарбеков ва яна бир неча шогирдлари ҳақида, уларнинг асло унутилмас қиёфаси, ички дунёсига назар ташланган ниҳоятда мароқли «Қилриқда қолган тонг» деган ажойиб-ғаройиб бадиий қисса яратди. Ёзувчи деган ажиб ноёб бир шахснинг такрорланмас ички ва ташқи қирраларига ўткир нигоҳ ташлади. Ҳаёт ва адабиёт, халқ қанчалар бир-биридан ажралмайдиган чамбарчас, доим бир-бирига таянадиган таянч маънавий-рухий, тарихий, маданий ҳодисалар эканлигини жозибадор, ишонarli лавҳаларда ифодалаб берди.

Унинг устозлари ва шогирдарига нисбатан қаррашларида адабиётга муносабатнинг юксак мезони зуҳур этди. Бу жонли, ғоятда қизиқарли қарашлар, такрорланмас кузатишлар «Уфқ», «Жимжитлик», «Келинлар кўзголни»даги қарашлар ва кузатишларни бошқа адабий ижод лабораторияси томондан беҳад бойитди, тўлдириди ва уларни бир-бирларига чамбарчас яхлит адабий-бадиий юксак бир ҳодисага айлантди. Ўз ижодида лиро-эпик нафаснинг қўямалиги, табиийлигини, ҳаётбахш кучга эгаллигини кўрсата олган Саид Аҳмад устозлари Ойбек, Ғафур Ғулوم, Абдулла Қаҳҳор билан маънан-руҳан ёмби олтиндай ягона, ақдил эди. Умир бўйи уларга сизиниш даражасида эргашди, йўлларидан борди. У Абдулла Қаҳҳор ҳақида, чунончи, шундай ёзганди: «Абдулла Қаҳҳор инсонни бевурд қиладиган, обрўсини тўкадиган, кадр-қимматини ерга урадиган жамики нарсалардан ҳазар қиларди». Саид Аҳмад устозининг ўзи жуда чуқур тушунган мана шу инсоний хусусиятига бир умр ижодида ҳам, ҳаётида ҳам, оиласида ҳам риоя қилди. Инсонга жуда баян мезон билан боқди, уни улуғлади. Ўз мураккаб зиддияти ҳаёти билан ибрат бўлди. Саид Аҳмаднинг ёзишчи, Абдулла Қаҳҳор: «Эзмалик адабиётнинг офати» деб айтarkan, ўзи асарларини ўн қайталаб, юз қайталаб шу нуктага назардан ишларкан, Саид Аҳмад устознинг бу улуғ ўгитини узок ижоди давомида бир дам ҳам эсидан чиқармади. «Тортиқ»дан «Уфқ»қача домланинг этагидан ушлаб бордим», деб ёзди Саид Аҳмад Абдулла Қаҳҳор ўзи ижодида қандай ўрин эгаллагани ҳақида. Бу қарашни ижоднинг гўзаллик ақидасига айлантди ва оғишмай амал қилди. Зеро унинг асарлари тили равонлиги, жозибадорлиги билан ўкувчини ром қилади. Ҳикоялари ва романлари, қиссаларида Саид Аҳмад лирик тили, деган хос баҳо ва ибора шунга боғланади. Саид Аҳмад ҳажва, лиро-романтик мусаффо тил муҳити яратишда Ойбек, Ғафур Ғулум, Абдулла Қаҳҳорга буюк шогирд каби доим эргашди. Бу эргашиш идеал ижодкорлик руҳида борган эди ва унинг оқибати ўлароқ, мустақил, ўз хос томонларига эга бўлган бадиий тил услуби тўла шаклланиб этди. Ойбек, Ғафур Ғулум, Абдулла Қаҳҳор ўз асарларида яратган ўзбек адабий-бадиий тили лиро-образли миқёсда Саид Аҳмад асарларида яратилган лиро-эпик образли адабий-бадиий тилга айланди. Унинг иқтидорли шогирдлари (чунончи, Худойберди Тўхтабоев, Неймат Аминов, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Учқун Назаров,



Эркин Аъзам) бу тилни давом эттириб, унга янги ифодавийлик бағишладилар. Қодирий, Чўлпон, Фитрат тили ёнида янги замонавийлашган қудратли адабий-бадиий қатлам баҳо бўлди Унинг комедиялари тили лўндалиги ва доим нақ нишонга уриши билан машҳур бўлди. Саид Аҳмад: «Тортиқ»дан «Уфқ»қача домланинг этагидан ушлаб бордим» деб тан олиб ёзганида юз бора ҳақ ва ўз оғишмас ижод ҳақиқатини ифодалаганди. Саид Аҳмаднинг устоз-шогирд муносабатлари бениҳоя теран маънавий-ахлоқий илдишларга эга. Бу муносабатлар Саид Аҳмад қалбини олижаноб қирралари туғма бўлганлигига ҳам жуда кўп ишора қилади. Унинг дили ва юрагида доим отаси Ҳусанхўжа ва катта босибоси Дадамўхаммад дума тахт куриб ўтирди. Саид Аҳмад халққа уларнинг айтолмаган сўзларини айтди, Уларнинг адо этолмаган халқчил ишларини адо этди. У бир бадиасида: «Қани Абдулла Қаҳҳор?» деб нидо қилади. Бу қани Бехбудий, қани Дадамўхаммад дума, менинг маърифатли бобом, деб сўроқлаши эди ва уларнинг ўрнини босишига, янги замонда давом эттиришга аҳди паймони эди. Саид Аҳмад тўлалигича мана шу асрий нидода намоён-дир. Нидо бутун ҳаёти, ижодиёти баробарида акс садо беради.

Хамон Саид Аҳмаднинг халқимизга буюк унутилмас ҳизматлар қилиб, ҳазратларимиз орасида юриб, уларнинг чироқларини машъаладай ёқиб юз йиллиги ҳақида хикоя қилаётган эканмиз, энди уни дунёга келтирган, тарбиялаган, вояга етказган ва айни замонда бошига ҳаддан ортиқ кўп кўргиликлар солган ҳаёт ва ижод манбалари тўғрисида эслаб ўтишга

уринаётимиз.

Саид Аҳмад XX асрнинг 20 йили айни жавзода, жавпазак ўриқлар шира тортиб пишганда Тошкентнинг Самарқанд дарвоза маҳалласида эл-юртга танилган обрўли хонадонда туғилди. Муаллифнинг ўзи бир қатор таржимаи ҳолига доир лавҳаларда ёзишчи ва аллақандай тадқиқотчилар (чунончи, адабиётшунос Шерали Турдиев)нинг таъкидлашича, Тошкентнинг катта савдогарларидан бўлган отаси ўлкада миллий маърифатчилик ҳаракатида фаол қатнашган. Унинг исми Ҳусанхўжа бўлиб, Саид Аҳмаднинг ота томондан катта босибоси юртда Дадахўжа дума (яъни, депутат маъносиди) номи билан жуда машҳур бўлган. У Тошкентда ўз ҳисобидан катта обдончилик ва маданият ишлари олиб борган. Тошкент ҳақидаги тарихий китобларда Дадахўжа думанинг номига тез-тез дуч келамиз, Тошкент шаҳри думасига аъзо қилиб сайланган Дадахўжа дума илгор жаҳид маърифатпарварлар билан яқин алоқада бўлган ва улар билан ҳамкорлик қилган. Угли Ҳусанхўжа дадасининг бу ишларини кенгайтириб давом эттирган, таржимонлик қилган, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Саъдулла Турсунхўжаев, Лазиз Азиззода каби миллатпарвар маърифатчилар билан бирига халқимизга йўл-йўриқ кўрсатган ва доим оддий авомнинг ахлоқини иложи борича енгиллаштиришга ҳаракат қилган. Зулм ва тўхмат балоси авж олган йилларда советнинг таъқиб ва таъзиқига учраган ва сургун қилинган. Унинг Мухторхон, Имомхон, Зухурхон исмли пешқадам энгил ўғиллари бўлиб, Саид Аҳмад уларнинг кенжаси эди. Ҳусанхўжа Дадахўжаев репрессия азобини тортиб, қамоқда қийноқларга чидолмай, ўлди. Саид Аҳмад айни ўсмир чоғида хонадонда аҳвол шундай таҳликали эди. Энди унинг таваллуд давридаги Туркистонда мавжуд сиёсий, тарихий воқеаликка бир назар ташласак.

(Давоми 30-бетда)

Сиз истаган фаслман...

Кўзёш каби ёмғир тинмаса,
Шивирласа намиққан барглар.
Кўзгуларда аксим синмаса,
Ёдга тушса ёқимли дардлар.
Мени эсланг, мени унутманг...

Турна мисол учса хаёллар,
Ҳисларингиз баҳордан тонса.
Йўлингизни тўсса шамоллар,
Лабингизга томчилар томса.
Мени эсланг, мени унутманг...

Хазон каби сочилса кунлар,
Анордайн эзилса юрак.
Кунглингиз тарк этмаса кинлар,
Билмасангиз сизга ким керак.
Мени эсланг, мени унутманг...

Чирпираган баргдек учаман,
На сохтаман ва на аслман.
Сизни савдойидек қучаман,
Ахир, сиз истаган фаслман.
Мени эсланг, мени унутманг...

Азизам, қаршингда турибман, мана,
Истасанг пойингда чўкажакман тиз.
Юракда бир оғриқ қилур тантана –
Ўлимдан кучлиман, севгидан ожиз.

Азизам, турибман, мана қаршингда,
Сендан бир имоми, имдодми кутиб.
Жонимга жабр бор ҳар қарашингда,
Турибман кўзларинг ёшини ютиб.

Қаршингда турибман, мана, азизам,
Нафасинг кўксимни нурга тўлдирар.
Нега индамайсан – нигоҳларинг нам?
Соғинчни кўзёшмас, жимлик ўлдирар.

Азизам, қаршингда, мана турибман,
Орамизга тушган фақат бир қадам.
Теграмга тил билмас девор қурибман,
Турибман термулиб – журъатсиз одам.

Худойим, тушимда ўқидим сано,
Кўзёшга юз чайиб, қилдим таҳорат.
Бир қавм эъзозлади – раҳмати фано,
Мендайин осийга бу не саховат?!

Бу туш таъбирида не ҳикмат, Эгам,
Ахир, қалбим моғор, ақлим хароб-ку?
Сенинг йўригинга бошимни эгмам,
Нозанинлар ҳамдам, дўстим шароб-ку?!

Ахир, бир махлуқман худбин, худпараст,
Ҳавойи ҳаётим бошин силайман.
Бир бор чўзмай туриб ўзгаларга даст,
Ўзгадан садоқат, севги тилайман.

Улоқиб юрибман – оёқларим кир,
Баъзан ёмон, баъзан хўброқман, Тангрим.
Гуноҳкор бандангман кечиргин, кечир,
Пойингда бир чимдим тупроқман, Тангрим!

Кетишим келганим каби аёндир,
Уйғониб, йиғладим ортимга қараб.
Ишқинг оловида азобла – ёндир,
Сени севмай туриб ўлдирма, Ёраб!

Ҳамма ўзи билан ўзи оввора,
Биров билан бировнинг иши йўқ.
Гўёки бутун бошли сайёрада
Ҳолинг не, деб сўрайдиган киши йўқ.

Автолар ўтади шошиб, туттакиб,
Оломон йўлларда селдайин оқар.
Ҳансирар вақт – нафас олар ютакиб,
Дақиқа сония ортидан боқар.

Шаҳарга зеб берган кечаги ёмғир,
Оламни тўлдирган илохий ифोर.
Одамлар мурчадек югурар зир-зир,
Қалбларни тарк этган ҳайрат, эътибор.

Қиёфалар жиддий, чимрилган қошлар,
Тиллар тугилгандек одимлашар жим.
Кексайиб қолгандек, гўёки, ёшлар,
Фақат рекламалар қилар табассум.

Метрода шарақлар фақат пўлат из,
Секин шивирлашар фойдадан, нафдан.
Ҳар битта бекатда жонсарақ бир қиз
Огоҳлантиради қандайдир хавфдан.

Хавфки, ёғ босади кўзимизни нақ,
Хавфки, тоза туйғуларга солар чанг.
Севги эвазига сўрайдилар ҳақ,
Хавфки, қалбимизни боса бошлар занг.



Мен кимман, маломат қилгани асли?!
Биттасиман ўша миллионнинг – бири.
Ёлгон гапирмоқлик, хушомад – касбим,
Кўксимда кўлчийди юрагим кири.

Шошаман, кимдандир керак ўзишим,
Баъзан югурганим бесамар кетмас.
Баъзида қалбимга қамоқ ўз ишим,
Атрофга боқишга ҳафсалам етмас.

Ўша оломоннинг бир заррасиман,
Бироқ умидим бор илоҳий афвдан.
Қалбда ёруғлик бор бир заррасимон –
Огоҳлантиргувчи қандайдир хафдан.

Юзларимни ялар
Тонги изғирин,

Кетяпман хаёлдан
Хаёлга довур.

Азизам, азизам,
Куласан ширин,

Кулсанг кўтарилар
Кўксимдан ховур.

Менга ёқмайди ҳеч
Сенга боққанлар,

Ёқмайди бир боқиб,
Сувдай оққанлар.

Гулим, иккимизни
Ўтларга ташлаб,

Томоша қилишар
Олов ёққанлар.

Умидим Худодан,
Бир гумроҳ кулман –

Адашиб улоққан,
Хатодир роҳим.

Вале қора зогмас,
Тутқун булбулман,

Тилагим –
умидим булгин илоҳим!

Яна кузак каби
Маъюс, тушқунсан.

Яна йўқ жойлардан
Излайсан муаммо.

Ўлиш қийин эмас ахир,
Тушун, сан.

Яшамоқ жуда ҳам
Мушқулдир, аммо.

Ахир, сиз биласиз,
Бу куз ўтқинчи.

Эрта кўклам келар –
Қор, муз ўтқинчи.

Магарки, фониймиз
Даъвоимиз мўл,

Сиз абадий яшанг,
Лек биз ўтқинчи.



Наҳот тўхтатмаса сизни ўнгу сўл,
Қайтинг, сўнги пушмон бошингиз ёрар.
Ахир, жуда-жуда хатарли бу йўл –
Тўппа-тўғри менинг кўнглимга борар.

Кўнглим – нураётган кўҳна обида,
Зарданг кошинларим тўқади осон.
Бироқ табиатинг нафрат бобида
Об-ҳаво ҳақдаги хабардек ёлгон.

РАЙҲОН

Сен мени унутдинг – чиқардинг эсдан,
Қайрилиб боқмадинг ёнингга борсам.
Атрофингда елдек эсгани-эсган,
Райҳон, наҳот энди кузакка ёрсан?

Сен мени, баҳорни унутдинг, райҳон.
Кўнглимга эркалаб эккандим сени,
Кўкламда – эрталаб эккандим сени.
Сен ўша наҳорни унутдинг, райҳон.

Унутдинг кафтда сув ичирганимни.
Офтобнинг ишқиди куйиб, сўлгандинг,
Уни деб мендан воз кечмоқ бўлгандинг.
Унутдинг мен сени кечирганимни.

Ёз бўйи ёнингдан жилмадим, райҳон.
Бўйингдан айланди бошим – маст эдим,
Сен ял-ял ёнардинг, мен бир хас эдим –
Сочингдан бир тола юлмадим, райҳон.

Сени деб, суймадим бирор чечакни.
Бироқ ҳеч қўймадинг кўнглим тирнашни,
Хўшбўй баданингга нега чирмашди?!
Сени деб ўлдирдим сариқ печакни.

Ишқингда, рашқингда қоврилдим, райҳон.
Сен хандон отардинг, учиб сар-сари,
Кўксимга тиг урди бир асалари.
Сунбула селида соврилдим, райҳон.

Пойингда синдирдим бўзаларимни.
Фақат лабингдаги шабнамни ичдим,
Фақат сени дедим, ўзимдан кечдим.
Сен-чи, сен унутдинг бўсаларимни.

Куз бир тузоқ эди, тўр эди, райҳон.
Барглариинги бир-бир юлди-ку, ахир,
Азизам, устингдан қулди-ку ахир.
Наҳотки шунчалар кўр эдинг, райҳон.

Унутгим келмайди унутганинги.
Аммо ифоринги соғиндим, райҳон,
Нозли изҳорингни соғиндим, райҳон –
Бағримга босганча ҳиссиз танингни.

Сен мени унутдинг – чиқардинг эсдан...

Кўзларинг ёшланган – бу не ҳасби-ҳол,
Дилинг тугунларин ечоласанми?
Ўзингами ўзинг келмоқда малол,
Наҳотки, ўзингдан кечоласанми?

Азим дарёларга ургандек бандни,
Тишларингни териб, тўгон тиклайсан.
Киприқларинг билан аямдай чандиб –
Ёш тўла кўзларинг тиккайсан.

Куласан – ҳавони тутар мунг иси,
Қақроқ лабларингда титрар табассум.
Қошларинг – бир-бирин қучган тун қизи,
Қўлларинг қўлингга боғланган – маҳқум.

Қаердан бошланиб, қайда тугар вақт,
Чегараси қайда тун билан тонгинг?
Қаердадир дайдиб юрганига бахт,
Дейсан, келади ишонгим.

Телефон хотиридан ўчирган мисол,
Қанча кўнларимни ўчирдим, дейсан.
Йўлимга сочилган жами – мисли ол –
Арзон орзуларни кечирдим, дейсан.

Ҳиссиз одамларнинг исзис ҳаёти,
Дейсан шунча ёлгон, шунча хатоми?
Ўқсиниб йиғлайсан, тугар саботинг:
Биз унутиб қўйдик Худони!



ҒАЛАБА ВА ХОТИРАНИНГ ТАСВИРИЙ СИМФОНИЯСИ

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Буюк ғалабанинг 75 йиллиги Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг алоҳида эътибор ва ғамхўрлик мужассамлашган Фармониغا асосан, халқимиз томонидан кўтаринки руҳда нишонланди. Фармондаги «Аждодларимиз жасорати ва матонати – фидойиллик, қаҳрамонлик намунаси» деган широк ҳаммамизга забардастлик, ғолибона кайфият берди. Қалбларда ғалати ҳолат – севинч ва мунг. Шу икки туйғу таъсирида серкўёш, хур ўлкамиздаги бугунги тинч, осуда ҳаётимизга шукрона келтирамиз.

Иккинчи жаҳон урушида халқ бўлган боболаримиз руҳи шод бўлди. Улар шарафига ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан Тошкентда серфайз ва муҳташам боғ бунёд этилди. Номи ҳам тиник, ифтихорли – Ғалаба боғи.

9 май хотирамизда мангу қоладиган сана. Берилган жонлар, тўқилган қонлар унутилмайди. Улар мангу эъозланади. Шунинг учун Ғалаба боғининг ҳар бир экспонати кўнглингизга хотира ва кадрлаш руҳини солиб, сизни кузатади гўё. Боғ кезиб, бу кўтлуг санани муносиб кўтиб олиш ва юқори савияда ўтказишга қаратилган тайёргарлик ишлари қанчалик пухта ўйлангани, пишиқ амалга оширилгани, жиддий назоратда олиб борилганини ҳар қадамда сезасиз.

Ғалаба боғи ҳар биримизни боболар жасоратидан ҳайратга, зиёратга чорлапти. Кўтапти. Бежиз ҳайратга, демасдик, чунки боғда Иккинчи жаҳон уруши давридаги блиндаж ва окопнинг табиий кўриниши, урушга оид ер ости қисми осори-атикалари – ҳарбийларнинг хат, идиш, кийим, ҳужжатлари, шахсий буюм, фотосуратлари намойиш этилган. Радиоканал орқали берилмаган уруш даври мусиқаси, хабарлари асосида тарихий муҳит яратилган.

Боққа кириб, нимага, қайси манзара, экспонатга қарашни билмай, бир зум тўхтаб қоласиз. Замон алмашади. 1941-1945 йилларга тушиб қолгандек бўласиз. Тошкент вокзалининг 1945 йилдаги ҳолатига кириб, ўша тахликали кунларда халқимиз ўзи емай, ичмай, «Ҳамма нарса фронтга», деб йиғиб юбораётган «маҳсулотларни» ушлаб кўрасиз.

Иккинчи жаҳон уруши даври манзаралари, инсталляциялар, ҳарбий техника, тарихий экспонатлар, фронт, окоп, концлагер, мажакланган немис танклари, блиндажлар... Темир йўл, эшелонлар, Амерсфортда асирга тушган 101 ўзбек чекаётган азоб, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган самолёт, снарядлар, жангчилар, ўша кунлардаги жанговар ҳаёт саси, овозлар...

Танкларга «Берлин сари олға!», «Ўзбекистон меҳнаткашларидан!», «Қасос учун!», «Биз ғалаба қиламиз!», «Ўзбекистон - фронтга!», деб ёзилган. Буларнинг бари қўшилиб, ғалабанинг меҳри, тасвирий симфониясига айланади. Сиз, беихтиёр, аввал воқеа томошабинига, кейин

иштирокчисига айланасиз.

Бу боғ Ватан ҳимоясининг 1418 кунлик ҳаёт-мамат жанги манзаралари орқали ҳар биримизга жасур боболаримизга муносиб фарзанд бўлишимиз, бирлашиб, жонажон Ўзбекистонимизнинг миллий юксалиши учун ўзимизни аямаслигимиз кераклигини тушунтираётир.

Ғалаба боғида Зулфия Зокирова ва унинг фронтдан қайтмаган беш ўғли, садақатли келинлари хотирасига бағишлаб «Матонат мадҳияси» монументи барпо этилган. Ғалаба боғи бир узук бўлса, «Матонат мадҳияси» монументи унинг кўзи бўлиб турибди.

Монумент олдида тўхтасангиз, сизга қараб турган муниса, лекин иродаси чўяндан-да қаттиқ, қаҳрамон ўзбек аёллари сиймосини кўрасиз. Бу қиёфалар тўқима образлар эмас. Ижодкор илҳоми, фантазияси эмас.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барпо бўлган «Матонат мадҳияси» ҳаёт, адолат, ҳақиқат тимсоли. Монумент атрофини қуршаган беш устун, устунлар устида Зулфия ая ўғилларига тишлатиб қолган бешта нон шундан сўзлайди. Бу манзарани кўрган одамнинг юраги ҳаққириб, титраб кетади.

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшаган Зулфия ая эридан қолган белбоғни белига тангиб боғлаб, кундузи мардона меҳнат қилди. Бошқалар кўрмасин, деб уларнинг фироғида тунла-

ри дарё бўйида йиғлаб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 9 май кундаги байрам табригида айтилганидек, Зулфия аяда ўзбек аёлига хос асл фазилатлар мужассам эди. Унинг бева қолган келинлари садақату матонати ҳам Зулфия аяниқидан қолишмайди. Уруш даврида шундай оилалар, одамлар, оналаримиз кўп эди. Фақат уларни яхши билмасдик. Номалум аскарнинг номаълум қиёфасига кўниқиб келаётган эдик. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан халқимиз ўз қаҳрамонларининг ўзларини, ҳа, тимсолларини эмас, ўзларини, кўзларини кўрди.

«Матонат мадҳияси» монументи ўзбекнинг барча матонатли, садақатли аёлларини шарафлаган абадий ҳайкал бўлиб қолади. Унга қараб ҳайратга тушасиз, миннатдор бўласиз, уйга толасиз. Монументга термулиб, Президентимизнинг «Юртимизда ҳар бир хонадон бу мудҳиш урушнинг жабрини ўз бошидан ўтказган» деган сўзларини эслайсиз. Кўзларингизга мунг ва севинч ёшлари келади.

«Шон-шарф» музейи. Бу музей боғнинг адоғида, афсонавий тепалик остига жойлаштирилган. Тепалик устида қаҳрамон жангчиларимиз генерал Собир Раҳимов раҳнамолигида мағрур туришибди. Музейдаги далилий ашё, ҳужжатларда Ўзбекистон халқининг буюк ғалабага қўшган муносиб ҳиссаси тўлиқ, ҳаётий, тўхис акс этган.

Айлана шаклидаги музейни 1941-1945 йиллар ораллиғида - даврлар оша кезиб чиқасиз. Жанговар қурол-аслаҳа, техникани, ўша даврдаги ватанларварларнинг ҳам душманларнинг ҳам сиймоларини, Иккинчи жаҳон уруши арафасидаги тинч, кадрдон, ўзбекона ҳаёт манзараларини



1945
2020

кўрасиз. Бироз юриб, уруш эълон қилинганини эшитиб, ҳис қиласиз. Ҳаяжонингиз оша боради.

Музейда фашизмнинг биринчи зарбасига кўксини қалқон қилган Брест қалъаси тасвирланган. Қалъада душманга қарата ўт очётган ўзбек йигитларини кўрасиз. Фашистларга қарши биринчи ўқларни ўзбекистонликлар отганидан гурурингиз тошади. Баҳодир боболаримиз жасоратига, шиддату матонатига ихлосингиз янада ошади. Ишонинг. бу музейга қирган ҳар бир киши қалбида ватанпарварлик туйғуси янада жўшади.

Фалаба боғи ёшларимизни, айниқса, бўлажак ҳарбийларимизни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда амалий аҳамият касб этадиган ибрат масканидир. Бу ерда бўлган, ҳарбий либос кийган фарзандларимиз фахр билан «Агар шу тўп ортида турганимда, мана шу самолёт штурвалида ё мана бу танк рулида ўтирганимда, ҳеч иккиланмасдан, Ватаним учун бундан 75 йил олдинги ота-боболарим жасоратини такрорлар эдим», дейиши аниқ.

«Кўз ёш» монументи. Кўз шаклида яратилган. Улкан кўз гавҳариди юзлаб қабртошлар. Улар турли миллат ва динга мансуб кишилар. Бу уруш дин, миллат танламаслигининг рамзи. Демак, ҳар қандай ёвуз ғояларга бутун инсоният бирлашиб курашиши зарурлиги ўқтирилмоқда.

Фалаба боғида ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш мақсади мужассам. Шунинг учун Президентимизнинг табрик сўзларида у «ноёб маънавий, меъморий ва тарихий обида», дея тавсифланди. Бу бежиз эмас. Зеро, бу боғ Иккинчи жаҳон урушининг аянчли асоратларини унутмасликка, доимо огоҳ бўлишга чорлайди. Шунинг билан бир қаторда аҳолининг мазмунли дам олиши, кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун керакли шарт-шароит яратиш, маданий-оммавий, маънавий-маърифий тадбирлар, ижодий, адабий учрашувлар маскани бўлиб хизмат қилади.

Ёш авлод онгига Ватанга садоқат, юрт тақдири учун дахлдорлик туйғусини сингдириб, ўғил-қизларимиз онгидаги ёт ғоя ва қарашларнинг салбий таъсирига қарши мафқуравий иммунитетни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу топ кўнгиллардан бир савол кечади: оталаримиз фронтда, момоларимиз меҳнатда бизнинг бугунги бахтиёр кўнларимиз учун ўзларини фидо қилишган. Биз-чи? Биз нима қиляпмиз? Лоақал ўзимиз, оиламиз фаровонлиги учун фидойи бўла оляпмизми?

Ғалабанинг 75 йиллиги ҳар биримизни Ватан олдидаги фарзандлик бурчимизни қайтадан англаб олишга чорлайди. Миллий юксалишимиз учун ўзимизни аямасдан, бугун кечагидан, эртага бугунгидан самаралироқ хизмат қилиш билан давлатимиз куч-қудратини, заминимиз тинчлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшишга даъват этади.

Бу боғ гўзал пойтахтимизнинг энг гавжум, энг гўзал маънавият ва маърифат гўшаларидан бири бўлиб қолади. Халқимизнинг жасоратли тарихидан ёш авлодларга абадий сўзлайди.

Бу боғ тинч хотиржам ҳаётнинг бебаҳолигини қадрлашга, огоҳликка даъват боғи бўлиб қолади.

Халқимизга шундай бебаҳо маънавий тўхфа – тасвирий симфония муборак бўлсин!

Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази
раҳбарининг биринчи ўринбосари, педагогика
фанлари доктори, профессор



ОЛИСДАГИ ЯҚИНИМСАН,

Эссе



— Яхши. Антология яратамиз.
— Беларусь томондан ўзингиз бош-қош бўлмасангиз, бу иш осон кечмайди, — дейман гапининг лўндасини айтиб.

Ахборот вазири Алесь Карлюкевич «Менга ишонмаясанми», дегандай қарайди:

— Яхши, бу ишни зиммамга оламан. Ўзбек шоир ва ёзувчилари асарларини йиғиб бера оласизми?

— Бўлмаса-чи! Хоҳласангиз, ҳозирок Тошкентга, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййидга телефон қиламиз.

Вазир жиддий тартади:

— Биласизми, мен бу ишни шунчаки ҳисобот-писобот учун қилмоқчи эмасман.

— Икки халқнинг адабий яқинлигини яна-ям яхшилаш учун-да! — дейман унга далда бериб.

— Эҳтимол, гапингиз тўғридир, лекин бу ерда бошқа сабаб ҳам бор. Агар сизлар беларусларнинг, биз эса ўзбекларнинг сара асарларини ҳар жиҳатдан пухта-пишиқ, кўзга кўринарли китоб қилиб чоп этсак, адабиётимизнинг катта авлодлари руҳини шод қилган, улар олдидаги қарзимизни узган бўлаемиз. Мен билан сиз ҳозир шу юк, ижодкор оталаримиз олдидаги қарз юкини кўтариб юрибмиз.

— Александр Николаевич, ниманидир тушунгандай бўляпман. Фақат «елкадаги юк» деганингиз нимаси?

— Бу адабий юк. Ҳа, адабий юк. Бизнинг Якуб Колас ва Янка Купаламиз, сизларнинг Ҳамид Олимжону Зулфия, Гафур Гуломларингиз, қанчалаб уруш даври шоирлари руҳи олдидаги қарздорлик ҳисси. Биласиз-ку, улар бир-бири билан жуда яқин ва қадрдон бўлишган. Шундай улкан ижодкорлар, бир-бирига қора кунларда таянч ва суянч бўлган инсонларнинг бир-биридан олислашиши асло мумкин эмас. Улуғ устозларимиз руҳи олдидаги қарз деганда, мен шунга назарда тутдим.

— Майлими, сизни «ака», деб қақирсам?

— Албатта, ўзбекчасига жуда ажойиб жан-ранглайди — «Ака!».

— Ташаккур, Алесь ака! Олдинги гал келганимда айтган бир гапингиз ҳамон юрагимнинг туб-тубига лаззат бағишлаб, кўксимни нурлантириб турибди.

— Қайси бири?

— Ўзбеклар Шарқнинг беларуслари, беларуслар эса Европанинг ўзбекларидир, дегандигини.

— Ҳалиям шундай фикрдаман. Мен бу гапни доим қайтараман. Ахир, биз энг оғир дамда бир-биримизни синанган халқимиз, тан-тилик, мардлик, оқибат бобда бир-биримизга жуда ўхшаймиз-ку...

— Энг оғир дам — уруш йилларида Якуб Колас Тошкентда бўлган пайт унинг кишлоғини фашистлар ёқиб, култепага айлантирган экан-а? Мен шу кишлоқни бориб кўрмоқчиман.

Алесь ака менга янада илиқ бир самимият билан боқди, сўнгра қиёфасига изтироб кўланкаси из ташлайди:

— Березанка кишлоғини айтаяпсизми? Якуб Колас туғилиб ўсган кишлоқ аслида бошқа. Березанкани у жуда яхши кўрган, ўрмон ўртаси, дарё соҳилидаги бу кишлоқда шоир 1933 йилдан то уруш бошлангунга қадар ҳар йили оиласи билан келиб дам олган, балиқ овлаб, кўзиқорин териб, ҳордик чиқарган. Березанкани Беларусунинг энг гўзал ва кўркам, оромбахш ери деб билган Якуб Колас шу жойдан ўзига ер сотиб олган. Энди уй тиклайман, деб турган пайти уруш бошланган.

— Шоир ўзи жуда яхши кўрган кишлоқ ўт ичида қолганини эшитиб нима аҳволга тушди экан?

— Колас бу пайтда ўзингиз айтганингиздай, Тошкентда бўлган, айтишларича, оғир изтироб исқанжасида қолган. Унга Тошкентдаги дўстлари Ҳамид Олимжон, Зулфия ва бир қанча ўзбек шоирлари далда беришган, кўнглини кўтаришган, энг оғир, қайғули чоғда улуғ шоиримизнинг дардига шерик бўлишган.

нинг. Музейларимизга боринг. Индинга меҳмонхонага машина юбораман. Сизни Марьяна Горкага олиб боришади. У ерда кутиб олишади, сўнгра ўша ёқдаги кишлоқларни, Березанкани ҳам кўрасиз. Мабодо бирор асар ёзсангиз, албатта, Беларусда чоп этамиз. Ўзим ёрдам бераман.

Вазир хузуридан хурсанд бўлиб қикдим. Кутмагандим. Антология яратиш масаласи ҳам зўр гап бўлди. Нима ёзсанг, менга жўнат, чоп этаман, деб турибди. Нашр иши ўзининг қўлида: кимсан, ахборот вазири! Бошқа асарларингни ҳам жўнат, икки-уч ойда китоб қиламан, деб турса, қайси ижодкор хурсанд бўлмайди, дейсиз?!
— Аломат одам-да, шу ўртоғингиз, — дейман ҳамроҳим — элчионамиз маспахатчиси, сиёсатчи, арбоб ва олим Дониёр ака Обидовага.

— Э-э-эй, бу инсон билан тил топишсангиз, адабий ва маънавий алоқалар соҳасида катта ишлар қилсак бўлади. Энг муҳими, у Ўзбекистонни, ўзбекларни жуда ишончли, ҳалол ҳамкор, деб билади. Буларнинг Президентида шундай тушунча бор: ўзбекларми, бемалол, улар билан ҳамкорлик қилиш мумкин. Ўзбеклар ҳеч кимни алдамайди, танти халқ, — деркан Беларус раҳбари. Шунинг учун бу ўлканинг катта-кичик раҳбарлари юртимиз аҳлига ишонч билан бағир очишади.

— Э-э-эй, бу инсон билан тил топишсангиз, адабий ва маънавий алоқалар соҳасида катта ишлар қилсак бўлади. Энг муҳими, у Ўзбекистонни, ўзбекларни жуда ишончли, ҳалол ҳамкор, деб билади. Буларнинг Президентида шундай тушунча бор: ўзбекларми, бемалол, улар билан ҳамкорлик қилиш мумкин. Ўзбеклар ҳеч кимни алдамайди, танти халқ, — деркан Беларус раҳбари. Шунинг учун бу ўлканинг катта-кичик раҳбарлари юртимиз аҳлига ишонч билан бағир очишади.



Улар Якуб Коласни ёлғизлатиб қўйишмаган. Умуман, уруш беларусь халқига келтирган офатнинг тенг ярмини ўзбеклар кўтарган. Зеро, бу вақтда саноксиз «қора хатлар» ўзбекнинг ҳам уйини қуйдираётганди. Ўзбеклар бир бурда нони, бир парча ери ва бошда осмони билан беларусларга бошпана бўлгани чин. Биз бу яхшилиқни сира-сира унутмаймиз. Якуб Колас ҳам умрининг охиригача бағрикенг ва беғубор ўзбеклардан миннатдор бўлиб яшади.

— Ўша Березанка томонларга боришни хоҳляпман.

— Албатта, барча шарт-шароитни ўзим қилиб бераман. Бугун-эрта Минскни айла-

Индинига айтилган вақтда меҳмонхонага машина келди. Ҳайдовчи Анатолий Николаевич мени йўл-йўлакай туман ва кишлоқлар, дарёлар билан таништириб борди. Марьяна Горка деган шаҳарчада бизни шу ердаги ўлкашунослик музейи раҳбари Александр Александрович кутиб олди. Озгин ва қотма бу қария ўз юрти тарихини миридан-сиригача биладиган, шу кичик жуссасида Беларусунинг дард-ҳасрати, шодлик-қувончини кўтариб юрганига амин бўлдим. Чолнинг билмаган нарсаси йўқ, ҳар қандай саволга жавоб тайёр. Ҳайдовчимиз ҳам зиёли одам экан. Кўп йиллар нуфузли газетада фотомухбир бўлиб ишлаган. Улар йўл-йўлакай сиёсатдан ҳам

БЕЛАРУСЬ!

сухбатлашиб қолишади, гоҳида беларусларнинг ўзидан кўпаймаётгани, туғилиш озлигидан нолишади, ёш-ялангларнинг бари қишлоқдан қочиб, ўзини шаҳарга ураётганидан хафа бўлишади... Ҳамма жойининг ҳам ўзига яраша тарозига қўйгулик муаммо-ю мадораси бор-да...

Машина бепоеён сулизорни қоқ бўлиб ўтган йўл танобини тортиб, ўрмон ичига киради. Дилимини бироз ҳадик чўлгайди. Ўрмон... Ўрмон... Ўрмон. Осмонга санчилган арча, қарагай, кедр ва турли дов-дарактлар худди фалакни тутиб турганга ўхшайди.

Хаёлимдан «Осмонни дарактлар ушлаб туради, агар дарактлар бўлмаса, осмон ерга қапишиб қоларди...», деган ўй кечади. Қи-



зиқ, шунча, ҳисоб-китоби йўқ бепоеён ўрмони бўла туриб, яна айтаман, қизиқ, беларуслар йўл четига ҳам қарагай эгаркан. Мен буни Минскдан Брестъ қалъасига бораётганда кўрдим. Ишонасизми, ёмғирда ивиб, ўрмонни қоқ ёриб ўтган катта магистрал четига қарагай ниҳолларини қадашаётганини кўриб, ханг-манг бўлганман. Ҳатто Минскда ҳам ўнлаб «ўрмон-хиёбон»лар бор. Улар шаҳар ўртасидаги ўрмонни йўқотмаслик учун атрофини ураб «ўрмон-хиёбон» барпо қилишган.

Шаҳарни кезиб, сайр қилиб юрсангиз, қаршингиз ёки ёнингизда «ўрмон-хиёбон» пайдо бўлади. Ҳа, шаҳар ичида ўрмон. Шундай пайт хаёлингизни бир ўкинчли ўй тирнайди: «Булар шунча ўрмони бўлса ҳам даракт экиш билан жони ҳалак, биз эса тўртта дарахтимиз борми-йўқми, шуни ҳам кезиб-қуриштиш пайидамиз...».

Йўлнинг сўл қисмида ўрмон бироз сийраклашиб, қишлоқ кўзга чалинади. Жуда чиройли кўринишда тикланган ёғоч уйлар саф тортган овулга қизиқсиниб қарайман. Чиндан ҳам баҳаво, суви сероб маскан экан.

— Березанка шуми? — сўрайман.
— Йўқ. Бу Затитова Слобода. Алесь Кар-

люкевичнинг қишлоғи бу. Алесь шу ерда туғилиб ўсган. Березанкага ҳали бироз бор,— дейди Александр Александрович.

Яна ўрмон бошланади. Йўл торайиб боради.

— Бу ерлар фашистларнинг додини берган партизанлар уяси бўлган. Ҳозир Березанкага чиқамиз, ўрмон сийраклашади. Дарвоқе, партизанлар орасида сенинг ўзбек боболаринг ҳам кўп бўлган. Фашистлар Минскни босиб олгач, ҳарбий қисмлардаги жангчилар ўрмонга кириб, беркиниб жанг қилган.

Ўрмон сийраклашиб, атроф кенгайди. Машина кенг-мўл яссиликда тўхтади.

— Етиб келдик.

— Қишлоқ қани? Текислик-ку, бу! Березанкага бормоқчи эдик-ку!

— Мана шу Березанка, — дейди Алек-



сандр Александрович. — Березанка шу ерда бўлган, ана дарё, ана ўрмон. Фашистлар бутун бошли қишлоқни ёқиб юборишган. Қара, анавингга қара, шу ерда отхона бўлган, газандалар одамларни тўплаб, қамаб, отхонани ёқиб юборган.

Мен қаршимдаги теп-текис жойда атрофи панжара билан ўралган қора мрамар лавҳа қарайман. Лавҳа ўртасида тириклайин ёқиб юборилган одамларнинг исм-фамилиясини ўқиб бошлайман. Кўз олдим хиралашди, кўнглим беҳузур бўлади, вужудим музлаб, ич-ичимини қалтироқ тутуди: гуриллаб ёнаётган отхона ичидаги одамларнинг дод-войи қулоқларимни коматга келтиради. Ҳолсизланиб, панжарага суянаман. Фашистлар икки, уч, тўрт, беш ёшли норасидалар, олти, етти, саккиз, ўн, ўн икки, ўн тўрт ёшли болакайлари ҳам катталарга қўшиб ёқиб юборган. Шерикларимнинг ҳам нигоҳида ёш қалқийди.

1943 йилнинг 6 сентябрь кунини фашистларнинг жазо отряди қишлоққа кириб келади. Бир кун олдин шу қишлоқдаги кимнингдир хонадонидан партизанларга тегишли бир донга ўқ ва момик пахта топилади. Бундан газабланган фашистлар шу кичик қишлоқ аҳлига қасд қилади. Одамларни йигилиш ўтказамиз, деб отхонага ҳайдаб келади. Уларнинг нияти аҳолига маълум эди. Сўймоқ йўл орқали ўрмонга қочиб қирганлар жонини сақлаб қолади, қолганларни эса шу ерга қамаб, эшикларга қулф уришади. Кимлардир жон ҳолатда отхонанинг том қисми ёки деразадан чиқиб, қочишни удадлайди. Афсуски, кўпчилик ўт ичида қолади, эшик ёниб сингач, ўзини ташқарига урганлар эса ўққа учади, отиб ташланаверади. Эртасига... Эртасига... Ўрмонга қочиб, жонини асраганлар бутун қи-

шлоқ қулга айланиб, сонсиз жасадлар жизганак бўлиб ётганини кўради.

— Уруш халқингизнинг кўкайини қуришиб, кўк томирини чиритган экан, бунчалар ҳам шўрпешона халқ бўладими-а? — дейман ихраб.

— Нимасини айтасан, ҳар уч Беларусдан бири шу уруш қурбони бўлган, — дейди Александр Александрович.

...Ўрмон ичидаги, дарё соҳилидаги қишлоқ кўз ўнгимда гавдаланади. Айни тонг чоғи ёғоч уйлардан фашистлар енгил-епли кийимдаги одамларни қувиб чиқариб, олдига солиб, худди пода каби отхона томон ҳайдаб келаверишади. Гўдақлар, бўйи етган қизлар, ёш болалар, кўксига чакалогини босган жувонлар, қари-қартанглар тўдасини кўраман. Болалар ҳеч нарсадан бехабар, атрофга олазарак боқишиб, оналари этагига ёпишади, айримлари ўз жигарбанларидан паноҳ истаб, момик қўлчалари билан уларнинг қалтироқ ва тер босган қафтларини қисадилар. «Она, бизни қаёққа олиб кетишяпти? ..»

Бошимда чақмоқ чақиб, миям тирқираб кетади. Кўзларимни чирт юмаман. Чекаларим лўқиллаб оғрийди.

— Кета қолайлик, — дейман шерикларимга.

Улар аҳволимни тушунишади. Лабидан сут сизиб турган икки-уч яшар гўдақлар сутидан ўт қўйишга юраги дош берган лаънати фашистнинг инсон эканлигини тасаввуримга сиғдирма олмайман. Вужудимга оғриқ чўқади, забонимга сўз келмайди, тилим айланмайди.

— Фашистлар тўрт юздан кўп шундай қишлоқларни ёқиб, қулини кўкка совурган. Оловда ёниб-қуйган одам гўшти ҳидига чидай олмай, ҳатто отлар ҳам ақлдан озар даражага келиб, қутураман, — дейди қария ўзига ўзи надомат қилгандай. — Пуховичида бир жой бор. Сахар пайти газандалар минглаб одамларни қатор қилиб отиб ташлаган, ўлик ва ярадорларни бирга кўмиб юборган. Ўша жойда бир ҳафта ер ҳансирашиб нафас олаётган каби кўтарилиб тушиб, тупроқ остидан одамларнинг ихрагани эшитилиб турган. Ҳанузгача Беларуснинг ҳар бир қарачи ери шу лаънати уруш туфайли фарёд чекади. Оҳ-нола авжига чиққан ана шундай жойларда қайтадан ўй қуриб, қишлоқ барпо этишга эса одамларнинг юраги дош бермаган... Березанка қишлоғи ва березанкаликларнинг ёзигида ҳам шундай битик муҳрланган эди.

Машина орқа ўриндиғида ўз ўйига гарқ Александр Александровичнинг кўзларига термуламан, кўз киргоғида қайноқ ёш айланади. Мен унинг қоқсуяк қўлига қафт босаман, томирида уруш иштироки оқаётган озгин бармоқларида титроқ туяман.

— Раҳмат сенга, биродар. Ҳаммаси учун раҳмат, — дейди у.

Нега, нима учун чол менга раҳмат айтётганини унчалик англамайман. Фақат олдисдаги ақилларимни топганимни, бу дунёда ҳамма бир-бирига биродар эканини ҳис қиламан... шундай бўлишини жуда-жуда истайман. Машина ўрмонни қоқ ёриб, шифоб билан олға интилади.

Баҳоуддин Нақшбанд ва кўнгили зиёратгоҳи

Биз шарқликлар буюк боболаримизнинг наинки хотираларини, хоки туброқларини ҳам бош узра табаррук тутамиз. Кўкда ойнинг белгилаб қўйилган манзиллари бўлгани каби, Ерда бизлар учун ҳам кўнгилининг манзиллари бор.

Булар Муборак масканлардир. Шулардан бири, Абдул-халиқ Ғийдувоний асос солган Хожгон тариқатида ориф мақомига етган ва бу таълимотни мукамал даражага етказган Баҳоуддин Нақшбанд қадамжоси.

Зиёратчилар бу ерда Шарқнинг азалий фалсафаси бўлмиш Инсон ва Олам, Ҳаёт ва Тириклик ҳақида уйлайдилар. Шарқ алломалари ва уламолари дунёнинг буюк файласуфлари ўта мураккаб санаган ҳаёт фалсафасини жуда оддий талқин қиладилар: бу нафс тарбияси билан боғлиқ. Айнан шунинг учун ҳам кўлаб ғарб файласуфлари умрлари давомида излаган ҳаёт моҳиятини мана шу зиёратгоҳдан топа бўлади.

Муболагасиз айтиш мумкинки, тарбия ва тафаккур ўчоғи бўлган бундай зиёратгоҳлар дунёда кўп эмас. Аслини олганда, Ғарбнинг ҳақиқатга яқинлашган файласуфлари Шарқ сўфийларининг руҳоний тилда айтиб қолдирган гўзал маслакларини ўша руҳоний тилдан она тилларига таъдил қилишади. Ёки биз билган ягона йўлни бошқа томондан кўрсатадилар.

Бу ўзликка қайтиш йўлидир.

Ҳатто зиёратгоҳдаги қабрлар ҳам асл манзилнинг биргина қадам

оралиғида эканлигини, инсон учун унинг ўзигагина хос бўлган мақом – қалбга қайтишдан бошқа йўл йўқлигини аниқлаб туради. Сарҳовуз, унинг бўйидаги тоза ичимлик суви сақланадиган чортоқ шаклли сақохонна, айвон, айвон устунлари, ҳовлидаги дарахтлардан тортиб, масжиднинг гумбазидоғи бежирим нақшларга қадар – барча-барчасида ана шу илоҳий маслак зухур топган.

Маълумотларга кўра, Баҳоуддин Нақшбанд туғилган пайтда мана шу ердаги қишлоқни Қасри Ҳиндувон деб аташган экан. Кейинчалик, онасининг исми Орифа бўлгани учун ва Баҳоуддин халққа илм-маърифат улашгани боис унинг ва онасининг шарафига қишлоққа Қасри Орифон деб ном берган эканлар. Бу ёрлар шу тариқа «Қасри Орифон», «Қасри Орифон» деган номлар билан машҳур бўлган.

Орифа онанинг равзаси ва ундан ярим ҷағирим берида бўлган Нақшбанд хилхонаси атрофида XVI-XVIII асрлар оралиғида меъморий иншоотлар барпо этилган. Дунё ва охиратдан сабоқ берувчи бу моддий асарлар қаровсизлик боис ўтган асрда харобага айланди. Мажмуанинг қайта бунёд бўлишини бутун инсониятни тарбиялашга қодир маънавий меросимиз қайта тикланиши билан изоҳласак хато бўлмайди. Зеро, бу мажмуани улкан маънавий меросимизнинг қалб ва руҳ тарбиясига оид бир боби дейиш мумкин.

Зиёратгоҳнинг қайси бурчагида бўлманг, кун ўзоғи қайсидир нуқтасидан кўёш жилва қилаётганига гувоҳ бўласиз. Унинг осмондаги булутлар бирда сокин, бирда жунунваш. Шарқ меъморчилигининг гўзал рамзи бўлмиш осмон дарвозалари эса кўркам ва улғувор. Барчаси ҳассос, гўзал,

Сен менинг...



Сизни кузатиш учун йиғилдилар. Чораси йўқ, ахир кузатмаслиқнинг. Қўлларида кўтариб олиб бордилар, қизганибгина тупроққа бердилар ва қалбларига жойлаб, олиб қайтдилар...

Тармоқларга шёърларингизни қўймоқдалар. Қуймоқдалар.

*Пайғомлар йўлладим, уйғон, ҳилолим,
Жунун оқшомлари очди жамолин,
Поялар урибман домингга сенинг,
Сен менинг,
Сен менинг,
Сен менинг,
Сен менинг.*

Сен менинг! Ўзимники қилиб олганман бу шёърларни ва шоирни. Сизни дея қайғуга ботаётган одамлардан, қандайдир мамнун бўламан, қандайдир қизганман. Шёърларингиз меники бўлгани каби Сиз билан боғлиқ айрилиқ ғами ҳам фақат меникидай гўё.

Дугонам Дилрабо Сизни бир пайтлар менадан шундай қизганган эди. Мендан аввалроқ унинг кашфиёти эдингиз. У қаердандир топиб келган муқовасиз, титилиб кетган китобчани мен ўзлаштириб олдим ва Сизни ўзимники қилиб юрдим. Ахир, менинг ичимдаги қўшиқлар бор эди унда. Мен тўлғана-тўлғана кўтариб юрган, сўзга кучиришга кучим етмаган қўшиқлар. Улар тонг ҳавоси янглиғи, гўдакнинг қиқридайми, олов атрофида сакраб рақсга тушайтган дарвешнинг жазаваси кабили, юрагиди йиғисидан бўлак ҳеч нимиси йўқ фақирнинг қаҳқаҳаси мисолими, ё

шамолдай увиллаб ҳар эшикка бош сўқиб ўзини излаб юрган менинг ўзим сингарими жаранглаб турарди китоб ичида, менинг ичимда...

Биз СамДУда ўқирдик ўшанда. Мен биринчи курс, дугонам тайёрлов курсида. Маъмуриятдан Сиз билан ижодий учрашув уюштирилгани талаб қилдик. Эшитдикки, фалон куни келар эмишсиз. Менинг шоирим келармиш! Намойишкорона мактадим, намойишкорона кўтдим. Оралиқдаги кунларни яшамадим, ҳатлаб ўтиб, қутилган онга етдим! Сиз эса келмадингиз...

Эртасига иситмалаб ётиб қолдим. Дарсга бора олмадим. Кечқурун эшитдимки, келибсиз! Менсиз кунда университетга келиб, тебрана-тебрана, тўлғона-тўлғона шёърлар ўқибсиз. Чидаб бўлмас қадар бебаҳралик эди бу мен учун. Йиғладим. Кўзлари ёши ҳозирғидай санчилиб тўкилди.

*Тўйра гирёнларда отлик дард ҳоким,
Ки зулфи оташи аждарлар балким,
Боримни бахш этдим ромингга сенинг,
Сен менинг,
Сен менинг,
Сен менинг.*

Кетдингиз, устозим. Кетдингиз, шоирим. Ўшанда ҳам кетган эдингиз. Фақри шундаки, ўшанда Сизни кузата олмаган бўлсам-да, излаб боришим мумкин эди. Бордим ҳам. Мен Сизни излаб ҳаётимда илк бор Тошкентга йўл олдим. Оёқларим ерга теғмади, учдим, йўллар қанот қоқди мен билан бирга. Шундан буён қачонки Самарқандга борсам ва қайтиб Тошкентга йўл олам, йўллар Сизни эслаб қанот қоқди. Тошкент энди она шахримдай бўлиб кетган эса-да, бунда мен излаб борувчи ва мени излаб келгувчи қадрдонларим кўп эса-да, йўллар ҳамон Сизни эслаб қанот қоқди.

Учаётган бир мен ва йўллар эмасди. Дилрабо бор эди ёнимда. Тиниб-тинчимас ўқитувчимиз Ойгул Маматова ҳам бор эди. Юрагимда бори ҳам биргина чексиз ҳаълон ва сизга талпиниш ҳисси эмасди. Амакингиз, гўзал Инсон – ўша пайтлар СамДУ проректори бўлган Муслиҳиддин

Шоир Абдували Қутбиддин ҳаёт бўлагинида шу кунларда 60 ёшини нишонларди. У 1960 йил 20 июнь кунини туғилган. А. Қутбиддиннинг илк китоби «Найсон» 1988 йилда чоп этилган. Шундан сўнг унинг «Ҳумо», «Бахтли йўл», «Ҳаёл кечаси», «Сен ва сен учун», «Узоқдан олिसа» сингари шёърий тўпламлари нашр этилган. Шоирнинг юксак диди, содда ва раво ифодалари, ҳалол туйғулари ўзига хос шёърият шаклланишига асос бўлди. Абдували Қутбиддин «Дўстлик» ордени, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист унвони билан тақдирланган.



илохий. Булар Шарқона ҳаётнинг азалий кўшиғини ёдга солади. Юқоридagi фикрлар бори ҳақиқат эканини улғу сўфийнинг ҳаёт йўлига шунчаки назар ташлаш билан англаш мумкин. Баҳоуддин Нақшбанд ўн тўртчинг асрнинг биринчи чорагида, аниқроғи, 1318 йилда туғилган. Етмиш бир йил ҳаёт кечирган.

Ешлик йилларида Шайх Хожа Муҳаммад Самосий, Саййид Амир Кулол сингари йирик сўфийлардан таълим олган Баҳоуддин Нақшбанд ўзи тўлиқ шакллантирган Хожажон-Нақшбандия тариқатини оламшумул маслакка айлантirdи. Нақшбандия тариқати бугунги кунда ҳам ўзининг содда ва халқчиллиги билан ислом оламида беназир таълимот саналади.

Қўлинг ишда, дилинг Худода бўлсин, деган бу донишманд умри бўйи қалб ва руҳ тарбияси билан шуғулланди. Ҳазратнинг аини ҳикмати ботининг Ҳақ билан, зоҳиринг халқ билан бўлсин, деган шаклда ҳам машхур.

Хожа Баҳоуддин Мовароуннаҳрининг кўллаб шахру қишлоқларида бўлиб, диний-маърифий суҳбатлар уюштирган. Унинг йўли суҳбат йўли эди. Бу йўл Оллоҳ йўлидаги муҳаббат эди. «Бизнинг йўлимиз суҳбатдир. Хилватда шуҳрат, шуҳратда эса офат бордир. Хайр жамоат биландир» дейди буюк сўфий.

Хожажон-Нақшбандия тариқатида ўн битта дастур мавжуд. Булар: Хуш дар дам, Назар бар қадам, Сафар дар ватан, Хилват дар анжуман, Ёдқард, Бозгашт, Нигоҳдошт, Ёдошт, Вуқуфи замоний, Вуқуфи ададий, Вуқуфи қалбий деб аталади. Яъни, бу маслак толиби ҳар бир нафасига оғоҳ бўлиши, ҳар бир қадамига назорат қилиши, Худо томонга йўл тутиши, халқ ичида Ҳақ билан ёлғиз қолиши, нафасини ютиб, қалби ва тили билан тавҳид зикрини жамлаб айтиши, Оллоҳ ризосини англаши, қалбини хавотирдан сақлаши, ҳар нафасда Худони ёд этиши, ҳар нафасини ҳисоб-китоб қилиши ва қадрлаши, зикрда санокқа риоя қилиши ҳамда қалбини Оллоҳнинг зикри, фикри ва амри билан банд қилиши лозим. Шунга қўра, Шайх мудом одамларни ботиний ибодатга даъват этар, му-

ридларини ҳужакўрсинга ибодат қилишдан, яъни риёдан қайтарар эди.

Ҳазрат ҳаёти давомида икки марта хаж зиёратини адо этган. Ривоят қилишларича, Шайх Ҳажга борганида Маккада бир кишининг зиёрат қилаётиб Оллоҳдан дунё сўраётганини, бошқа бир кишининг эса Мино бозорида неча минг тиллолик савдо қилгани ҳолда қалби Оллоҳ зикри билан банд эканлигини мушоҳада қилади. Бу воқеада таъсирланган сўфий «қалбим қонади» деган экан. Сўфийнинг изтиробидан англашиладики, Ҳақ йўлидаги ибодат риёбиз бўлмағи керак.

Шайх яна шундай дейди: «Сулук йўлига эндигина қадам қўйганимда, одамларнинг сўзига қулоқ солдим. Агар Оллоҳдан тагираётган бўлсам, бутун вужудим билан тинглар эдим, аксинча бўлса, ғам ва қадарга ботиб, одамлардан узоклашар эдим».

Тариқат йўлида менга фақирлик катта ёрдам қилди. Бизни фақирлигимиз тўғрисида бу эшикдан ичкарига олдилар. Нимага эришган бўлсам, шу сифатим билан эришдим, дейди сўфий. Қуйидаги сўфиёна байт Ҳазратга нисбат берилди:

**Бизда ҳеч нарса йўқ, ҳеч камимиз йўқ.
Уша «ҳеч нарса» деб, ҳеч ғамимиз йўқ.**

Шайх, бу ҳикмат орқали инсоннинг ботинига, яъни қалбига назар ташлаб, асл жавҳар вужуд эмас, балки кўнгилдир, демоқчи бўлади.

Айнан шунинг учун ҳам Баҳоуддин Нақшбанд зиёратохини кўнгил зиёратоғи, дейиш мумкин. Шарқ шеърлятида эса кўнгил зиёратини Каъба зиёрати билан тенглайдилар.

Нурулла НАРЗУЛЛАЕВ

ЁДНОМА

Мухиддиновга миннатдорлик ҳисси ҳам бор эди. Нима қилган, нима қўйган билмайман, мендай йилгоқи талабасини Сиз билан таништириш учун бизнинг Тошкентга сафаримиз харажатларини университет ҳисобидан тўлаб берганди.

Телевиденияда ишлардингиз ўшанда. Ўқитувчим ички телефондан кўнрок қилиб ҳақирди Сизни. Тушиб келдингиз. Шеърга, Сўзга, Сизга ихлосманд ўн саккиз яшар икки қизнинг ёнига баландлардан пастлаб, тушиб келдингиз.

Мен шоир Абдували Қўтбиддинни кўрмоқчи эдим. Қай алфозда кўрмоқчи эдим? Билмадим, эҳтимол, сиз ёзган шеърларни қороздан ташқарида, тирик одам қиёфасида кўрмоқчи бўлгандирман. Негадир, тасаввур қилишга ҳам журъatism етмаган. Қаршимдаги Инсонни агар тасаввур қилганимда, танишгани юрагим дов бермасиди?... Ростини, ўша илк суҳбатимизни эслашга ҳарчанд уринмай, кучим етмайпти ҳозир. Эсимда қолгани – фақат кўрқув ҳисси. Бошини бир томонга оғдириб, гўё суяш учун тутган каби бир елкасини пастлатиб, қандайдир содда, қандайдир мураккаб, жунунавш қиёфада кутилган ва кутилмаган бир ҳодиса тушиб келган эди ёнимизга. Бу ҳодиса, бу ифода нимаси билан юрагимга ваҳима солган эди, ифодалаб беролмайман.

Уша учрашувдан кейин Сизни қайтиб кўргим келмай қолди. Нега? Сиз билан кўришгани, суҳбатлашгани маънан тайёр эмасдим ҳали. Ҳа, сабабини белгилашда адашмаяман, деб ўйлайман, шундай, тайёр эмасдим. Ахир, кўп катта шоирларга тақдир қилардим. Ҳаваслана-ҳаваслана, тақдир қила-қила моҳиятига ета бошлагандим кўпчилигининг. Танганинг орқа ва ён томонларига назар сола бошлагандим. Ҳатто, улардан ўтказиб ёзишга ҳам уриниб юрардим. Сизга эса... тақдир қилишга-да нафасим етмади. Етмади!

Тармоқларга шеърларингизни қўймоқдалар. Куймоқдалар.

**Там-там малакисоймо чачеонин ташлар,
Ягмо шамларига ибодат бошлар,**

Ризвон олмасида имонинг сенинг,

**Сен менинг,
Сен менинг,
Сен менинг.**

«Сиз омманинг шоири эмассиз, хослар шоирисиз, – деб юрардим. – Бу қадар қуёқ ранглар, ўзига хос қўйма оҳанглар, дарवेशона руҳ, жунунавш ақл – ҳаммасини бир манзилда туташтира олган ҳеч кимга ўхшамас йўлни омма юрагига юқтиролмайдими», деб ўйлардим. Қаранг, хослар кўп экан. Қаранг, Сизни севгучилар кўп экан. Гарчи Ватанга меҳрингиз борасида бироз гумон қилишган эса-да, «Озодлик» дostonингизни мукофот илинжида ёзди, маддоҳлик қилмоқчи бўлди, дейишган эса-да, севишаркан! Сўралмасдан берилиши лозим бўлган ҳақингизни Сизга берилари келмаган бўлса-да, севишаркан! Қаранг, Румий ҳазратлари айтгани каби «Дарахт билмас экан ўз вужудида яшаганда япроқ қийматини, Тўкиларкан, англаримиш нақадар севганини».

Барибир, Сизни мендай севолмайдилар, бироқ... мендан кўра кўпроқ қадрлаган бўлишлари мумкин...

Илк учрашувдан сўнг йиллар ўтиб биз тасодифга кўра бирга ишлагандим. Ҳатто, бир хонада ўтирдик! Ҳатто, иккинчи китобим «Номсизга» масъул муҳаррир бўлдингиз! Ҳатто, янги ёзган шеърларимнинг илк тингловчисига айландингиз! Шеърларингизнинг илк тингловчисини бўлдим! Танангизга сизга ҳам руҳингизни кўрдим, даҳлизларда: «Охо-ҳой, мен шеър ёздим!» дея ҳайқириб юрганларингизни кўрдим! Ҳатто, баъзи масалаларда раҳбар билан мен учун тортишиб-талашдингиз.

Кейин йўлларимиз айро тушди. Ойлаб, йиллаб дийдорлашмадик, айро, ишонинг, Сиз ҳамisha мен билан бирга эдингиз. Масофа ва вақт аҳамиятсиз эди.

Ёруғлик шуки, Сиз онда-сонда аралашиб қолганидан тадбирларда кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашганимизда чин юракдан қўвониб кетардингиз:

«О-о-о, онагинам!», «Бу менинг битта-ю битта ҳақиқий шоғирдам бўлади», «Сизларнинг энг яхши ишларинг – шу қизни уюшмага аъзо қилганларинг бўлибди»...

Сизни кўриб бир қувонсам, қувонганингизни кўриб икки қувонардим. Эҳ, Сизга ва ўзимга бундай қувончларни жуда кўп тўхфа еттишим мумкин эди. «Севганларингизни ҳеч қачон кетмайдиганди севарсан, кетгандан сўнг келадиган каби илҳақ кутарсан» (Жалолиддин Румий).

**Ризвон чалпасида оҳунинг рози,
Жамбол хоҳишига монанд овози.
Дўззахий бўлса ҳам каломинг сенинг,
Сен менинг,
Сен менинг,
Сен менинг.**

Сизни кузатиш учун йигилдилар. Чораси йўқ, ахир кузатмасликнинг. Қўлларидида кўтариб олиб бордилар, қизганибгина тупроққа бердилар ва... қалбларига жойлаб, олиб қайтдилар...

Мен эса «Бор»ни қўлимага олдим. Етиб келдингиз. Исо (а.с.)нинг нафаси янглир тирилтирдингиз орғиб ўлаётган қалбимни. Ва англаб қолдимки, Сиз ўлмагансиз. Ўлганлар тирилтириш биларми қалбни? Сиз шунчаки, асли ерлик эмасдингиз, мусофирликдан овоз бўлдингиз, ҳолос. Учиб кетдингиз ва қадр топдингиз ўз маконингизда!

Йўқ, кўз ёшимга қулоқ солманг. Улар ҳайқираверадилар. Мен яна англаб етдимки, Сиз тўғрингизда ўтган замонда гапириб бўлмайди! Ахир, ҳаммаси фақат ўтмишда қолган эмас, ҳамани титратган бугунингиз бор, севилиб яшашда давом этгучи эртангиз ҳали олдинда. Ҳа, ўлган одамларнинг фақат ўтмиши бор, ТИРИК ШОИРларнинг эса эртаси олдинда...

**Сен менинг,
Сен менинг,
Сен менинг!!!**

ОЙДИННИСО



УМРИ ХИЖМАТГА ТУЛА

Доно халқимиз бисотида жуда кўп ҳикматли сўзлар, мақоллар бор. Уларда инсон ҳаётининг барча босқичларидаги вазифалар оидин очиб берилган. Бундай пурҳикмат, маъноли иборалар буюк донишмандлар, адиблар, шоирларнинг ўлмас бисотида ўчмас сатрларга муҳрланган. Алишер Навоий «Ёшлиқда илм хазинасин йиғил, қарилқик ҳарж қилгил они» дея беҳиз таъкидлаган. Инсон ёшлигидан илм олиши, хунар ўрганиши зарур. Шу илм-хунар инсонни боқади, орзу ҳавасига етиштиради, роҳатга етаклайди ва икки дунё саодатига эриштиради.

Заҳматкаш олим, зукко педагог, меҳрибон устоз, тарих фанлари доктори, профессор Аҳаджон Ҳасанов муборақ 80 ёшни қаршилади.

Олимнинг камтарин ҳаёт йўлига назар солсангиз, нақадар саодатманд, шу билан бирга, машаққатли эканини кўрасиз. Аҳаджон аканинг болалиги оғир уруш йилларига тўғри келди. У киши 1940 йил 29 март кунги Тошкент вилояти Пискент туманида дунёга келган. Ҳаёт кечирди оғир, қийинчилик, етишмовчилик бисёр бўлса-да, ота-она фарзандлари билим олишига алоҳида эътибор беришди. Фарзандлар мактабда тиришиб, яхши баҳоларга ўқиди.

Аҳаджон ака мактаб даврини, синфдош дўстларини, уларга таълим берган ўқитувчиларини яхши эслайди ва суҳбатларда тез-тез ёдлаб туради.

Мактабни аъло баҳолар билан битирган Аҳаджон ака пойтахтга келиб, Тошкент давлат университети шарқ факультетига ҳужжат топширади ва кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, талаба бўлади. 1958 йилги

бу воқеа – оиладаги 7 фарзанднинг тўнғичи Аҳаджон олий ўқув юртига ўқишга киргани Аҳмаджон ота ва Зебихон аяни жуда қувонтиради.

Ота-онанинг соғ-саломат, узоқ умр кўриши, аввало, Яратганга, қолаверса, фарзандларга ҳам боғлиқ. 1964 йили Аҳаджон университетни тугатгандан сўнг ота-онанинг яна бир қувончига сабабчи бўлди. Аҳаджон ака нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиёдаги энг нуфузли олий ўқув юртининг шарқ факультетига ўқитувчилик қила бошлади. Ёш мутахассис кўп ўтмай Миср Араб Республикасига хизмат сафарига кетди. Бу воқеалар аҳамиятини теран انگлаш учун ўша давр мезони билан ўлчаш зарур.

Аҳаджон аканинг мустақил ҳаётдаги дастлабки давр таржимонлик ва араб мамлакатларига хизмат сафарлари билан боғлиқ. Устоз дунёнинг жуда кўп давлатларида, хусусан, Миср, Ливия, Сурия, Саудия Арабистонига ишлаган.

Аҳаджон Ҳасанов дарс бериш баробарида илмий тадқиқот билан ҳам шуғулланган. Кўп йиллик тинимсиз меҳнат натижасида 1975 йил «Миср мамлуқларининг ижтимоий-сиёсий тизими» мавзусида номзодлик, 1994 йилда «Қадимги Арабистон тарихи ва уни ўрганиш муаммолари» мавзусида докторлик диссертацияларини қўйди.

цияларини ҳимоя қилди, фан доктори илмий даражаси, профессор унвонига сазовор бўлди. Устоз 20 дан ортққ илмий монография, рисола, дарслик ва ўқув кўпнасмалари, 200 га яқин мақола муаллифидир.

Аҳаджон ака нафақат олим, балки меҳрибон устоз ҳам. Унинг раҳбарлигида 4 номзодлик, 1 докторлик диссертацияси ҳимоя қилинган. Кўплаб шогирдлари таниқли давлат ва жамоат арбоблари бўлиб етишган.

Аҳаджон Ҳасанов 13 йилдан ортққ Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида дин ишлари бўйича консультант, етакчи ва бош консультант вазифаларида ишлади.

Ҳозир устоз Ўзбекистон халқаро ислом академияси «Ислом тарихи ва маънашунослиги IRCICA» кафедраси профессори лавозимида фаолият юритмоқда.

Аҳаджон домла Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Москва, Қозон, Қоҳира, Бухарест, Париж, Южин (АҚШ)да ўтказилган халқаро илмий анжуманларда рус, араб, инглиз тилларида турли долзарб мавзуларда маърузалар ўқган.

Устоз кенг қаровли жамоат ишлари билан ҳам банд. Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши аъзоси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси кенгаши аъзоси ва исломшунослик фанлари бўйича илмий кенгаш раисининг ўринбосари сифатида фаолият олиб бормоқда.

У киши ҳар бир шогирди, мурожаат этган ҳар қандай инсон билан эринмай ишлайди, сўзларини охиригача эшитиб, муаммонинг ечилиши йўлларини курсатишга ҳаракат қилади.

Биз, шогирдлар, ҳамкасблар, илм аҳли ибратли ҳаёт йўлини шараф билан босиб ўтаётган устоз Аҳаджон Ҳасановни улуғ ёш билан муборақбод этиб, долманинг мудом соғ-саломат бўлишини тилаймиз.

Зоҳиджон ИСЛОМОВ,
тарих фанлари доктори

Узр шайдоғиси

(Бошланиши 20-бетда)

Бу Саид Аҳмад ҳақидаги тасаввурларимизнинг ҳаққоний бўлиши учун жуда керак. XX аср 20-йилларининг айлн шу жавзо кунларида айни Бухоро, Хива, Хоразмда ўз эркини хоҳлаган миллий озодлик кучлари ялпи қиргин остида қолган, курашаётган халқнинг қони дарё бўлиб тўкилаётган эди. Бундан кейин ҳаёт тўхтайдиган, қиёмат қоним кўпгандай эди. Ҳозир тарих саҳифаларини ўқиганда, одамнинг юраги дош беролмай зириллайди. Ваҳший босқинчилар омонсиз мангу лаънатга қолди. Яна халқ ночорликда юртимизни қонга ботириб, ваҳшийликлар қилганлар билан муроасага борди. Ва яна XX аср 50-йиллари бошида Саид Аҳмад билан унинг акаси олим Имомхон ғирт тухмат билан қамоққа олинди. Саид Аҳмад шунда ўттиз ёшида ёш иқтидорли шоира Саида Зуннунова билан турмуш қурганига опти ойгина булган эди. Саид Аҳмад Жезқозгонга сургун қилиниб, ўта захарли мис губорлари тўзониде ишлади. Шу тариқа элпигинчи йиллар бошида бир қанча китоблари нашр қилинган, умидли адиб сифатида ном қозониб келаётган ёш ёзувчи учун барча йўллар тўсилиб, орзулар чил-чил сингандай бўлганда.

Шундай шароитда Саид Аҳмад ҳам Саида Зуннунова ҳам ҳар қанча ва ҳар қандай қийинчиликни матонат билан енгишга аҳд қилдилар. Советнинг бераҳм зуравонлик машинасидан устун чиқиб ва ҳаммша баланд туршига бел боғладилар. Улар ҳаётининг кейинги ҳар сонияси, ҳар дами шу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилди. Саид Аҳмад ва Саида Зуннунованинг қизи Нодира бугунги дорипломон кунларимизда падари бузруквори ва мушфиқ меҳрибон онасининг уша машъум сургун вақтларида бир-бирларига ёзган хатларини эътибор ва мухаббат билан нашрга тайёрлаб эълон қилди. Киши бу хатларни ўқиган ва қандай шароитда ёзилганини тасаввурга келтирганда, ирода ҳамда матонатнинг қандай маънавий чўққига кўтарилди олиши мумкин-

лигини англаб етади. Бу мактублар айни ижодкор онгининг қудратини кўрсатади. Ҳар қандай шароитда ҳам одамнинг одам бўлиб қолишида табиатдан ато этилган буюк ҳикмат зухурланганини ўқайди. О, одамнинг одамга далдаси ва яна севгили яқин кишининг далдаси мислсиз жасоратга ундаркан! Одам боласи ўз аҳдида Айюб саббор даражасига кўтариларкан. Биз бу хатлар ва уларнинг сатрларида машъум замонлар қоронғулигини меҳр нури ёриб ўтгани ва ёритганини кўрдик. Ёзувчининг бир тимсоли номус ва яна бир тимсоли жасорат! Номус ва жасорат ёзувчининг ёзувчи қилади. Бу туйғуллар эл-юрт муҳаббати билан чирмашиб, чамбарчас боғланиб кетади.

Мен устози кабир ҳақидаги хотира мақола сарлавҳаси тагига мумтоз пир кубаро Маҳмудхўжа Бехбудийнинг бир экзистенсиалча гўзал сўзини эпиграф қилиб қўйгим келди. Зеро, Саид Аҳмадининг жадидларга ўта хайрихоҳ катта бобоси Маҳмудхўжа Бехбудийга жуда ўхшашиб кетарди. Дадаҳўжа дума ҳам иккита замонавий миллий мактаб очган эди. Мен «тузем» деган сўзини ишлатгим келмаяпти. Уша пайтда бундай замонавий мактаблар «рус-тузем мактаби» деб юритиларди. «Тузем» сўзида камситиш сезилади. Форобий, Беруний, Амир Темур, Навоий, Бобур наслларини «тузем» деб бўладими?! Душман мудом камситиш ҳастайди, бироқ тарих саҳифаларидаги бундай камситишларга асло эргашмаслик керак. Дадаҳўжа дума бу замонавий мактабларни ҳар томонлама таъминлар, уларга равнақ беради. Отаси таъзиққа учраганда Саид Аҳмад Катта Фаргона канали қурилишига муҳбир бўлиб ишга кетди. Кейинчилик Саид Аҳмад «Ўзбекистонда қанча канал қазилган бўлса, ҳаммасига бордим», деб ёзди. Сурақашликда у машҳур Пенсонга шогирд тушганди. Уша пайтларнинг газета-журналларида Саид Аҳмад олган суратлар тез-тез кўзга ташланарди. Сурач олиш иштиёқи адибни охириги дамигача тарк этгани йўқ... Саид Аҳмад худди яхлит чўяндан қуюлгандай беҳад матонатли одам эди. Кўпларнинг ёдида у жуда ҳазилқаш, қувноқ, шўх инсон каби қолган. Унинг латифалари, аскиялари туганмас эди. Халойиқ унинг суҳбатларини мириқиб эшитарди. Саид Аҳмадин кўрган заҳоти киши юзига табассум ёйларди. Уша Аҳмадининг юрак торлари ҳаммша таранг тортилганди. Унга баногоҳ ел тегиб ўтса ҳам жаранглаб кетарди. Саид Аҳмад халқи учун умидбахш, ҳаётбахш ёзувчи эди.

Иброҳим ҒАФУРОВ

ҚАДИМИЙ ФАЗИЛАТЛАРИМИЗНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИФОДАСИ

Хаётнинг бугунги шиддати кўп нарсаларни ўзгартириб юборди. Қўтғалар, давлатларга, бой ва камбағалларга, ирқий ва диний мансубликка бўлинган дунё эндиликда наинки иқтисодий, айни чоғда ижтимоий, маънавий-маърифий жиҳатдан ҳам бирлашиш эҳтиёжи билан яшамоқда. «Ўзим тинч бўлсам етади, биров билан нима ишим бор?», деб яшайдиган замонлар ўтди. Бир куни қўтилмаган офат бостириб келганда, ёлғизланиш, фақат ўзини

қўғирчоқларини тенгдошларига совға қилишди. Хоразмлик усталар келиб, янги Сардоба қурилишини бошлаб юборишди, уларга бошқа вилоятлар ҳам қўшилди. Барча ҳудудлардан, пойтахтимиздан келган қурувчилар, усталар сардобаликлар учун янги уй-жойлар, ижтимоий объектлар бунёд этилаётди.

Бу саховатни қайта-қайта эслатиш ўринли эмас. Аммо айтиш зарурки, бу тошқин халқимиз томирларида улғў аждодларимизга хос юксак инсоний фазилатлар сақланиб қолганидан далолат берди. Зарур пайтда бир дона майизни бўлиб еган, меҳмон келса, тунда туриб нон ёпадиган халқмиз. Ота-боболаримиз ҳовлидаги ўчоқда таом пиширганда, қўшнига насиба узатишни қанда қилишмаган. Қўшнининг қўшнида ҳақи бор дейишган. Асрлар давомида бунга амал қилиб келганмиз.

Сирдарёлик нуруний отахон Ўтбосар Абдиев билан анчадан бери танишман. Кўпни кўрган, қўлида қалами бор оқсоқоллардан бири. Шу кишининг сўзларини эшитдим: «Фалокат тўсатдан келди. Юз берган тошқин халқимизнинг қанчалар матонатли эканлигини кўрсатди. Президентимиз офат рўй берган манзилга етиб келиб, одамларнинг руҳини кўтарди. Шу қадар самимий, оталарча ғамхўрлик билан гапирдики, бало-қазони енгишга бўлган ишончимиз ортди», деди.

Шоир Муҳаммад Исмоилга «Саховатли инсонлар ҳақида дoston ёзинг, ҳаюмрларингиз матонати, сабр-қаноатини қўшиққа солинг, Сардоба қўшиққа айлансин», дедим.

Сардоба... Бепоен чўл бағрида ҳамон қолдиқлари сақланиб турган, ота-боболаримизнинг ақл-идроки билан бунёд этилган, сир-асрори ҳалигача тўла очилмаган бу ноёб иншоот ҳақида ўйлайман. Ривоятлардан бирида Соҳибқирон Амир Темурнинг буйруғи билан қурилган сардобанинг гишлларини одамлар қўлма-қўл қилиб, Самарқанддан ташиб келишгани, ҳовуз Сирдарёдан сув олувчи Ўринбой ариқ ташламаси ёрдамида тўлдирилгани айtilади. Бугун Сардоба туманида бунёдкорлик ишлари жадал суръатларда олиб борилаётган экан, янгидан қад ростлайдиган иморатлар Сардоба каби узоқ умр кўришини хоҳлайман.



ўйлаш нима эканлигини ҳамма билиб олади, аммо кеч бўлади.

Улғў аждодларимиз ҳаётнинг бу оддий ҳақиқатини англаб, қадим замонлардаёқ бир-бирларига елкадош, суянчиқ бўлиб яшашни ихтиёр этганлар. Шу тариқа жамиятнинг буюк ихтироси – маҳалла институти пайдо бўлган. Яхши-ёмон кунларни ҳамма биргаликда ўтказган. Сув балоси, ўт балоси, турли таҳликалардан шу йўл билан омон чиққан. Қулфатлар одамларни бирлаштирган, ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатган.

Сардоба туманида юз берган тошқин шундай ҳаёт тарзи нақадар тўғрилигини яна бир бор кўрсатди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев зудлик билан воқеа жойига етиб борди, вазиятни назоратга олди, одамлар билан юзма-юз суҳбат қилиб, кўнгилларини кўтарди. Табиий офат етказган талофатларни бартараф этиш, жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ишлари бошланди. Айни шу ҳолат одамлар орасида ваҳима, таҳлика юзага келишининг олдини олди. Сирдарёликлар Президент, давлатимиз, тегишли ташкилотлар бирор кишини ҳам эътиборсиз қолдирмаслигига амин бўлдилар. Барча вилоятларда жамоатчилик асосида Сирдарёга кўмаклашувчи кўнгилли гуруҳлар тузилди, уй-жойини сув босган, мол-мулкдан ажраган оилаларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш маркази иш бошлади. Вазирлик ва идоралар, олий ўқув юртлири, илмий, ижодий, маънавий-маърифий, қурилиш, ёшлар, хотин-қизлар ташкилотларида ёрдам акциялари йўлга қўйилди. Бу ишдан халқ депутатлари, ижодкорлар, маданият ва санъат аҳли ҳам четда қолмади. Кўплаб оилалар ҳали тўтилмаган уй-рўзгор буюмлари, кийим-кечак, кўрпа-тўшак ва бошқа зарур нарсаларни сардобаликларга жўнатди. Болажонлар энг яхши

Улуғ ёзувчи Чингиз Айтматовнинг машҳур «Пахтанинг ойдин йўли» мақоласида ўзбек пахтакорлари Мирзачўл далаларидаги заҳматли меҳнати билан етиштирган пахтани кеча-кундуз тиним билмай хирмонларга ташибётган турнақатор трактор карвонлари тасвирланади. Бугун биз саховат карвонлари вилоятлардан Сардоба сари йўл олаётганидан илҳомланиб, сув босган Сардобанинг ярасига малҳам боғлаймиз. Бу жойларда янги замонавий маҳаллалар, турар-жой бинолари, маиший хизмат шохобчалари, болалар боғчалари, маданият саройлари, истироҳат боғлари қад ростлайди. Ўшанда «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатига озми-кўпми ҳисса қўшганларнинг кўнглида бу улғў саховатга дахлдорлик туйғуси пайдо бўлади. Жуда мунаввар бўлади бу туйғу.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Шойим БЎТАЕВ

Ўша тепаликдаги ўша ўйда

Бўлган, эҳтимол бўлмаган эртакнамо ўша ҳикоя

Ўша куни эрталаб ўша тепалик ён бағридаги тўққиз тўсинли ўша ўйда ўша қишлоқнинг ўша каттақонлари жамулжам бўлишди.

— Хо-ош! — деган ўша сўлғин хитоб ўша хўрсиниқ аралаш ўша қулоқларга урилди.

Тўй-маърака — ўша-ўша, аза-мотам — ўша-ўша. Бу нима? Бу — рўзгор ажратиш.

Афсуски, рўзгори ажраладиган тўнғичининг ўзи йўқ, ўлик-тириги номаълум — ўша-ўша улоқиб кетгани эди.

Муаллақа келиннинг отаси ҳам шу ерда — ўша одам! Ўша-ўша — барваста гавдаси кўзгалмас қоядек бўлиб, ўтирибди. Ичдаги, итдан тарқаган, туғдиришни биларкансан, эплаб ол эди-да, деган ўша аламангиз фикр-ўй қиёфасида пинҳона-ошкор намоён бўлиб турибди.

Унинг нигоҳи зимдан сирғалиб бориб, эшик кесақисига ўша-ўша хомушланиб суянган қизидан тўхтади-ю, мусичаи бегуноҳ духтари зебонинг пешма-пеш туққани боис урғочи шердек шиддаткорлиги кўз ўнгида намоён бўлароқ, хаёлидан номусли бир фикр кечди. Ёноқлари ич-ичига ботиб кетган қизи гингшиб турган гўдагини ўнг қўлида кўтариб олган, этагига ёпишган уч нафар паст-баланд болалар ҳадеб унинг пинжиги тикилишарди.

Ота чуқур хўрсиниб, чопони этакларини ғайри ихтиёрий равишда тортиб-тортиб қўяркан, ўзини андармон этмоққа уринди.

Қурама тўшамалар устидан уриниб қолган ўша чит кўрпачалар девор остидан яққават ташланган эди.

Мелисадан нафақага чиқиб оқсоқоллик рутбасига етган ўша оқсоқол — хўш нима дейсан, гапир гапинг бўлса, деган қарашда тўрда чордона қуриб, чап қўл тирсаги билан чап тиззасининг кўзига таянганча, ўнг қўлининг кўрсаткич ва бош бармоқларини бирлаштириб, айиқ-полвон каби тишлаб ўтирарди.

Ёнидан маҳалла нозири жой олган. У сумкасини титкилаб, дафтар-ручка чиқарди. Теварак-атрофга аланглаб, бу яйдоқ ўйда стол-стул нари турсин, ақалли, бир донна курси ҳам топилмаслигига ишонч ҳосил қилгач, ўнг оёғини чордонадан чиқазиб, четга ёйиб юборди ва болдири устига аввал сумка, унинг устидан дафтар қўйди.

Энкайиб олгани сабабли чордона қурганини ҳам, тизза жуфтлаганини ҳам билиб бўлмайдиган уй эгаси оқсоқолнинг чап томонида ўзининг киндигига син солаётгандек бош эгиб ўтирарди.

Пойғаҳда хотин-халаж, катта ва кичик келиннинг туққан-туғишгани, узоқ-ёвуғи — курама тўда жам бўлган.

Муаллақа келиннинг отаси ёнида ўша мулла мук тушган. Унинг эғнида ўша-ўша узун қалами яқтак, бошида ўша-ўша кигиз дўппи, қирра бурни ости ва ингичка иягида сийрак унган соқол-мўйловини озгин қўлининг узун-узун бармоқлари билан аҳён-аҳёнда тутамлаганича воқеалар ривожига ўзига тааллуқли вазифа чиқиб қолишини кутаётгандек ўйга толар, сўнгра оқсоқол ва нозир томонга илкис назар



ташлаб кўйиб, ўша-ўша some қиёфага кирарди.

Ҳозир унинг хаёлини, қоядан тош қулаб тушгандек, ёнидаги одамнинг гўлдирраган овози бузди.

— Эрларнинг аҳволи бу, — алами босилмаган бодроқ кўз куда пешма-пеш тўрт болани қаторлаштириб кетган билан қаторлаштириб кўйгани таққосламаса ёрилиб кетадигандек мулла томон энкайди. — Аялларнинг ўйин ўйнагиси келмаса экан.

Ёнидаги қоятошдан чиқиб, бошқаларга эшитилмай, фақат ўзининг қулогига етиб келган бундай бамаъни гап мулланинг оғзи танобини қочирди.

— Ҳа-а, — билинар-билинмас бош ирғаганича ўз навбатида у ҳам қоятош томон талпинаётгандек шипшиди. — Ҳали тили чиқмай, ўйин ўйнаб, ашула айтади.

Қоятош ўзи учун тушунарсиз бўлган бу гапни эшитиб, ичида, мен нима дейман-у, бу тентак эчки нимани ўйлайди, дея мулладан ёзирган эса-да, залворли бошини оҳиста қимирлатиб кўйгач, уларнинг пинҳоний сўхбати рўзгор ажратиш маросими жамоасига одоб юзасидан шу ерда тўхтади.

Очиқ эшик остонасини ошхона томондан қалин девордек тўсиб туришган ўша-ўша хотин-халаж, қиз-жувон тўсатдан икки ёққа бўлиниб, ўзлари маҳтал бўлишган, кимнингдир оёғи остига пояндоз тўшаётгандек қўрғатдан йўл очишди.

Уй ичидагилар ҳам беихтиёр ўша томонга қараб қолишди.

Куёвтуранинг ўзи келиб қолдимикан, дея ўйлай бошлаган бодроқ кўз қуданинг нигоҳи бир қўлида каттакон тунука чойнак, иккинчисида ичма-ич тахланган қурама пиёлалар кўтарган куда холага тушди-ю, бу хонадонда ширин хаёллар ҳамиша ширин хаёллигича қолиши кераклиги ҳақидаги ҳукми мутлақни эслаб, яна бош эгди.

Бошида жун рўмол, қора сатин нимчаси яғирлигидан ялтирай бошлаб ажабтовур кўз қамаштирадиган даражага етган паст бўйли, катта-катта кўзлари устидаги қошлари туташиб кетган ўша куда хола ҳаллослаганча кириб келаркан, анжуман аҳлини нима учун маҳтал куттириб кўйгани сабабини изҳори дил қила кетди.

— Во-ой айланайлар, бир кеб қопсизлар, деб ўчоққа ўт қалаб, чой қайнатдим, — у чойнакни тап этказиб ёстикдошининг қаршисига кўйди. — Ҳўжайин, чойни қайтариб беринг меҳмонларга.

«Меҳмонлар»нинг тунд башараси бироз ёришгандек бўлган эди, бу ҳолат негадир ҳўжайинга ёқинқирамай, хотинига ер остидан ёвқараш қилиб кўйди.

— Оёқларинг остига ҳўкиз суйсам арзир эди, — аёл қаёқлардаги амалга ошмас меҳмоннавозлик ҳақида орзу қилаётгандек оғиз кўпиртирди. — Ҳеч бўлмаса чой қўяй, десам, аксига олгандай ўтин ҳўл экан, ҳаяллаб қолдим-да...

У бирон нима топиб келиш илинжида яна ташқарига йўналмоқчи бўлаётгани, оқсоқол айик полвон каби тишлаб ўтирган ўнг қўлини оғзидан олиб, лайлак учираётган каби унинг ортидан силкитди.

— Ҳо-ой янга, тўхтанг! — лайлак ортидан йўгон овозда оғохлантирувчи сўзларни ҳам ҳаволади. — Биз сиздан чой-нон сўраб келганимиз йўқ, ишимизни битирамизу кетамиз.

Шу сўзга маҳталдек аёл дарҳол тўхтаб, орта бурилди:

— Қанақа ишни айтасиз, оқсоқол ака?

«Оқсоқол ака» теварак-атрофга аланглаган эди, барча бош эгиб олди.

— Ўзларинг катта келиннинг рўзгорини алоҳида қилиб берамиз, дебсизлар-ку? — деди оқсоқол қандайдир мажхул оҳангда.

— Ҳа-а! — аёл энди пойгақдан ўз жойини топиб ўтираракан, бир думалаб ялмоғизга айланган пари каби оқсоқолга важоҳат билан чақчайди. — Катта келиннинг рўзгорини алоҳида қилиб ажратиб бермоқчимисизлар?

Оқсоқолнинг қиёфасидаги, хўш, нима дейсан, гапир гапир бўлса, деган қарашнинг ўрнига даҳанидан, ие, ие, деган ажабсиниш хитоби учди.

— Ҳа-а, нега «ие, ие»лаб қолдингиз оқсоқол ака?! — аёл кўйлагининг кенг этагини негадир елпиб қўяркан, хўш, нима дейсан, гапир гапир бўлса, деган унинг қиёфасидаги қарашни ўзининг қиёфасига кўндирди.

— Ахир, — чайналди оқсоқол. — Ўзларинг...

— Ҳа-а, — аёл бодроқ кўз томон қараб кўйди. — Неваралар бир бизники эмас, ўлар жойда эмаски, қараб туришса.

Сиз боринг, у аждаҳоларга сиз бас келмасангиз, мен нима ҳам дейман, дея бу машваратга уни рўпара қилган хотинини ичида яниётган боёқиш қоятош ғижирлаётгандек қимирлаб кўйди.

— Унда муаммо нимада? — оғзидан чиқиб кетди оқсоқолнинг.

— Буни сиз айтинг, — кажбахслик қилди аёл.

— Мен нимани айтаман?

— Шодмонқулимнинг қачон келишини айтинг, — икки йил бурун Тамбов қайдасан, дея уйдан чиқиб кетиб, шу-шу дом-дараксиз йўқолган ўғлини эслаб аёлнинг кўкси баланд кўтарилиб тушди. — Ана-а, Ҳакимжоним «тата, тата» дейдиган бўлди-ю, лекин дадаси ҳали уни кўрмади, — аёл ўпкаси тўлганча ҳиққиллаб, муаллақа келин томон қараб кўйди.

Ўз номини эшитиб гўдак типирчилай бошлаган эди, онаси унинг елкасига ура-ура овутган бўлди, ўнг қўлидан чапига олди.

— Ие-е! — гоҳ қайнона, гоҳ келин томонга қараганча боши қотган оқсоқол, беихтиёр, «ух» тортиб юборгандек хитоб қилди. — Уни биз жўнатмовдик, шекилли.

— Нега сизлар жўнатмаган экансизлар? — аёл ҳайрон қолгандек икки қўлини икки томонга ёйди. — Шу жойда каттамисиз? Оқсоқол индамади.

— Ҳа-а, каттасиз! — сайлов натижаларини эълон қилаётгандек тантанаворлик билан хитоб қилди аёл. — Ана-а, ёнингизда мелансиз ҳам ўтирипти.

— Хў-ўш, нима бўпти шунга? — оқсоқол дўқ аралаш, аммо ҳадиксиргани билангича аёлга чақчайди.

— Шодмонқулимнинг ўзи бўлмаса буларнинг рўзгорини қанақа қилиб алоҳида ажратиб берамиз?

— Буни ўзларинг биласизлар.

— Силар-чи?! — аёл оқсоқолу нозир томон энди еб кўйгудек уқрайди. — Нима иш қилади, ишлайдими—ишламайдими; нима ейди, ейдими—емайдими — буни силар билмайсизларми?

— Мурожаат қилинмаса, биз қаёқдан биламиз?

— Мана, мен мурожаат қиляпман.

Оқсоқол томоқ қириб, нимадир демоқчи бўлаётгани, кутилмаганда аллақандай портлаш юз бергандек ўзини орта ташлаб юборди.

— Э, овозингни ўчир!

Кутилмаган ҳайқирқ ортидан шу чоқда тахлами бузилмаган пиёлалардан биттаси ҳаволаб, бошини энкайтириб қолган аёлнинг устидан учиб ўтди ва пахса деворга тарақлаб текканича, чил-чил синди.

(Давоми 34-бетда)

Ўша теналикдан ўша ўйда

(Бошланиши 32-бетда)

— Бор, чиқ! — чап қўлини белига тираганча ўрнидан коптокдек ирғиб турган хонадон соҳиби ўнг қўли кўрсаткич бармоғини хотин-халаж тўсиб олган эшикка йўналтирди. — Нима қиласан бекорчи гижиги-гижини?! Учир, овозингни!

Завжаи ҳалолнинг хурмати учун ўрнидан силжиб, итоат билан ташқарига чиқмоқлики мўлжаллар экан, аёл эрининг феъллини билгани учун унинг ўрнига оқсоқолга чақчайганича чийиллади:

— Нега ўчирар эканман? Бир нима демасдан, ўчирдан бошлайсизлар!

Кифт қисганча теварак-атрофга олазарак назар ташлаётган оқсоқол, негадир, ёқаси ичига туф-туфлаб кўярди.

— Чиқсанг чиқ, йўқса жонингдан умидингни уз! — уй эгаси порлоқ келажак томон интилаётгандек қўлини эшик томон дохиёна чўзиб, хотини олдига ҳаёт-мамот масаласини кундаланг қўйди.

— Ё, товба-ей?!

Очиқ эшик остонасини тўсиб турганлар унга йўл очишди.

Нозир ўрнидан сакраб турди ва оху қувиб тутолмаган бўридек ҳамон ҳарсиллаб тик турган уй эгасининг орт томонидан келиб маҳкам қучоқлаб олди. У хизмат вазифасига киришган чоқдан энди бунақа жиддийроқ вазиятга дуч келиши эди. Қучоғидагининг типирчилашлари, оғзидан боди кириб, шоди чиқишларига парвосиз ҳолда, бунни нима қилай, деган маънода ўқтин-ўқтин оқсоқол томон қараб кўярди.

— Э, қўйвор!

Девдек бақувват нозирнинг оч биқинига ўнг қўлининг тарашадек қотиб кетган тирсаги билан зарба беришга имкон толган уй эгаси бу қилиги жавобгарлиги масъулиятини хаспўшлашга уринаётгандек жонҳолатда қичқириб юборди.

— Қўйвор, дедим!

Назариде бир қучоқ ўтин каби ожиз ва кучсиз кўринган жайдари қора фуқаронинг қўл суяги тошдек қотиб кетганидан ҳайрон ўлароқ, унинг зарбидан нафаси ичига тушиб кетаёзган нозир, беихтиёр, уни қўйиб юборди.

— Протокол тузамиз!

Ўз жойига қайтиб ўтираркан, биқинидан очилаёзган дарча аламидан нозир жонҳолатда сумкасига ёпишди.

— Тузасанми-бузасанми, сени ишинг, — усти бошини чанг юктирган каби негадир қайта-қайта қоқиб-суқаётган уй эгаси пишқирди. — Билганингни қил!

— Бас! — нозирнинг билагидан қўявер, дегандек тутган оқсоқол ўшқирди. — Ким айтади сизларни онги ўзгарган кап-катта одамлар деб?! Гангиб-гангиб, келадил-да бир кун!

— Шунинг анани ахмақ тушунмайди-да, — ҳамон газаби босилмаган уй эгаси қўли билан хотини кетган томонга ишора қилган эди, оқсоқол унинг ҳам сўзини чўрт кесди.

— Чеча аял киши, сиз-чи?! Уят, яна ўша қилиқларингизни бошламоқчи бўласиз!

— Бошни қотириб юборгандан кейин...

— Жи-им! — ўз пўписасининг зўрлигидан оқсоқол, ҳатто ўрнидан туриб кетаёзди. — Шодмонқул кетган бўлса, Давронбек шу ерда-ку!

Шу лаҳзада айтилган исм эгасини кўриб қолмоқчи бўлаётгандек йиғилганлар теварак-атрофга сарософ назар ташлашди.

— Мани қизимнинг рўзгорини алоҳида қилиб чиқаришсинми? Шу чоққача нигоҳи билан ер чизиб ўтирган бир аёл тумшугини кўтарди.

— Ҳа-а, ёмонми? — оқсоқол ўзини унга яхши кўрсатгиси келди.

— Уям акасининг олдига кетмоқчи экан, — аёл шулқ этиб бурнини тортиб қўйди. — Ялаб-юлқаб ўстирган қизимни хор қилиб кўяманми? Олиб кетаман!

Шу чоқда ташқаридан уйлиётгандек уввос овози эшитилганди, ўрнидан энди кўзгалаётган қайнона яна жойида ўтириб қолди.

— Увв, шўрим қўрсин, шўргинам қўрсин! — йиғи аралаш нола барчани сергаклантириб, қулоқларни динг қилди. — Мани боламнинг акаси олдига кетмоқчилигини таъна қилишмасин, у иккита болани туғдириб қўйибди. Битта попич олиб берган бўлсаки, таъна қилса. Увв, шўрим қўрсин, шўргинам қўрсин!

Оқсоқол мамнун кўринди.

Эркак қудаси томонидан аёл қудаси ҳайдаб чиқариб юборилгач, қайнона билиб-билмай, арпа дўғи уриб ўзини кўрсатиб қўймоқчи бўлган эди. Аслида беш қиз ўстириб, ўғил кўришмаганидан эри олдида аллақандай тили қисқ бўлгани боисидан, қувв ҳам ўғилдай гап-да, дея бот-бот такрорлаганича у ўз кемтикчилигини тўлдирини қанда қилмас, ҳамиша ҳадиқ олиб юрадигани ҳам шу — қизларидан бирортасининг уйга қайтиб келиши эди. Эрининг, агар шунақа бўладиган бўлса, ўша қайтган қизингга қўшилиб ўзинг ҳам қўшмозор бўлавер, деган ҳикматомуз гапи қулоғи остидан ҳеч вақт нари кетмасди. Мана энди, ҳозир нима ҳам бўлди-ю...

Қайнона энди боши устидан тегирмон тоши юргизишсаям ўрнидан қимирламай ўтираверишга ичиде қарор қилди. Ўнг томонда, мулланинг ёнидаги қоятош қандайдир таҳқиромуз кулимсираганча ўзи томон нигоҳ ташлаб қўйганини пайқагач, билиб-билмай катта кетишнинг оқибати нечоғли ҳалокатли ва фалокатли бўлиши мумкинлигини ҳис этиб, унинг қарори қатъий аҳди паймонга айланди.

Остона ортидагининг алами чандон ортаётганидан увлаши ҳам кучайиб борарди.

Шу чоқ гўдак ҳам чириллаб йиғлай бошлади. Уни у қўлидан бунисига, бунисидан унисига олаётган муаллақа келин одамлар ҳузурда эмизишга ийманиб, чиқиб кетишни ҳам, кетмасликни ҳам билолмай гарансиз турарди. Чиқай деса, унинг рўзгори масаласида ҳали бир тўхтамақ келишгани йўқ, чиқмай деса бу...

Ногаҳон ташқаридаги нола овози таққа тўхтади.

— Ҳо-ой, болагинамни хун қилиб юбординг-ку!

Очиқ эшикни ошхона томондан қалин девордек тўсиб турган ўша-ўша хотин-халаж, қиз-жувон, тўсатдан, дарҳол икки ёққа бўлиниб, ўзларини маҳтал қилган кимнингдир оёғи остига пояндоз тўшаётгандек, қоқ ўртадан йўл очди.

Барчанинг нигоҳи ўша ёққа қадалди.

Қандай шитоб кириб келган бўлса, болани келиннинг қўлидан юлқиётгандек тортиб олган аёл йиғилганларни пайқамагандек, келган изига яна шунча тез қайтди.

— Айланиб кетай ўзимнинг данагимнинг мағзидан, ана-а тата келди, ана-а татажониси келди, полвончамга гув-гув учадиган ўйинчоқлар олиб келди татажониси.

Шу сўзларни айтаётиб, унинг ўқсиб-ўқсиб йиғлаётгани, боланинг эса қиқирлагани қулоққа чалинарди.

— Юраккинамнинг дурини, кўзгинамнинг нурини бағримдан қўйворарканманми? — аёл товушида меҳр-муҳаббат камалакдек товланарди. — Жа-а анойиларини топишибди-да... Ана-а, ана-а, қара, ким келди? Ана-а, татажониси...

Муаллақа келин этагига ёпишган болаларни ортидан эргаштириб, ташқари йўналди. Ортидан нигоҳлари орқали кузатиб қолганлар бирпас ағрайиб туришди-да, сўнгра муллага қарашди.

У хонадон ҳақиқа дуо ўқий бошлади.

Мунчаким ҳар дам етар...

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ «ОҚҚҮЙУНЛИ МУХЛИСЛАР ДЕВОНИ»ГА КИРИТИЛГАН
ВА БОШҚА ДЕВОНЛАРИДА УЧРАМАЙДИГАН ҒАЗАЛИ ШАРҲИ

Мунчаким ҳар дам етар жисмуа ҳажрингдин ғаме,
Рӯзи ўлмасун манго сенсиз нишот этмак даме.

Захким қилди хадангинг, рашку ғайратдин даме,
Биллаҳ, ар ўлсам, диламазманки дигар марҳаме.

Ёринг, эй гул, гар сабодур, нола булбулдин не айб,
Тоқатим йўқдурки, ўла маҳраминг номаҳраме.

Войким, ўлар мени мажнун сени кўран замон
Оламе ҳайрон манга, манда худ ўзга оламе.

Меҳрингиз кўз пардаси узра Навоий нақш эдар,
Ҳар нечаким ёзса, ўлмаз хат, варақ допгач наме.

Алишер Навоийнинг «Оққўйунли мухлислар девони»дан жой олган мазкур ғазали туркона деб тилга олинандиган рамал баҳрининг рамали мусаммани маҳзуф вазида битилган. Мазмунига кўра ишқий ғазалдир. Байтларда айрим сўзлар ўғуз лаҳжасига хос тарзда (фонетик ўзгачалик: диламазман – тиламасман, кўран – кўрган, эдар – этар, ўлмаз – бўлмас, ўлмас, допгач – толгач; лексик ўзгачалик: дигар – ўзга, бошқа, ўла – бўлади) берилган.

Асар беш байтдан иборат ва матлаъдан кейинги байтнинг ўзаро қофиялангани инobatга олинса, хусни матлаъ (зеби матлаъ)ли ғазал, дейиш мумкин.

Ғазалда тазод (ҳар дам – даме, ғам – нишот, захм – марҳам, маҳрам – номаҳрам...), таносуб (гул, сабо, булбул), хусни таълил (Ёринг, эй гул, гар сабодур, нола булбулдин не айб), ишқиқоқ (маҳрам, номаҳрам), радд ул-ибтидо илалзарб (Оламе ҳайрон манга, манда худ ўзга

оламе), тамсил (...ёзса, ўлмаз хат, варақ допгач наме) каби қатор поэтик санъатлардан унумли ва ўринли фойдаланилган.

Ғазалнинг биринчи байтидаёқ, гарчи севикли ёри ҳижронидан тинимсиз ғам етиб турса-да, лирик қаҳрамоннинг бундан шикоят қилмаслиги ва ёрсиз бир лаҳза ҳам хурсандчилик насиб этмаслигини сўраб илтижо қилиши ўқувчи кўз ўнгида фидойи ошиқни, Навоийнинг ўз таъбири билан айтганда, толиби содиқни гавдалантиради.

Иккинчи байтда ёрнинг ўқлари (киприги) ошиқни жароҳатлагани, аммо шу жароҳат агар унинг ўлимига сабаб бўлса ҳам, айнаи ўша ўқлардан ўзга малҳам истамаслигини айтиб онт ичиши, ёри томонидан пайдо қилинган ярани, ҳатто малҳамдан қизганиши ўқувчи қалбини ҳаяжонга солади.

Учинчи байтга келиб лирик қаҳрамон андак шикоят қилишга ботинади ва ёрининг ёнида ғайрнинг ҳозирлигига тоқат қилолмаслигини изҳор қиларкан, гулга сабо ёр бўлса, булбулнинг нола қилиши айб эмас, дея ўзининг руҳий ҳолати ва саъй-ҳаракатини чиройли далиллайди.

Тўртинчи байтда ошиқнинг ҳадди аълосига етган изтироб ва унинг жамият кишилари билан орасидаги фарқи яққол кўзга ташланади. Лирик қаҳрамоннинг жунунвор ишқи, соғинчи шу даражага етганки, у ногаҳон маъшуқасини кўриб қолса, висол шиддатига тоб келтиролмай, ўлиб қолади. Унинг ҳолатини кўрган олам аҳли ҳайрон қолади, чунки ошиқнинг кўнглида ўзга дунё – олам аҳли билмаган, ҳис қилмаган бир олам мавжуд. Лирик қаҳрамоннинг ҳолатига тушмаган, у бошдан кечирган ҳижрон, рашк азобларини бевосита ўз бошидан ўтказмаган, ёри висолига бу қадар зор бўлмаган киши бу оламни идрок қилолмаслиги тайин.

Асар қаҳрамони севикли ёрига нисбатан туйган меҳру муҳаббатини кўз пардасига (зеро, кўз пардасидан кўра софроқ, азиз ва сифатлироқ лавҳ мавжуд эмас!) чиройли, нақшинкор қилиб битмоқчи бўлади. Афсуски, унинг фироқда мудом ёш тўкиб, намлаиб турган кўзи пардасида туйғуларини тўла-тўқис акс эттириб бўлмайди. Демакки, мусаффо ҳислари, кечинмалари кўнгли тубида қолиб кетаверади, чунки чиндан нам тортган вараққа ёзиб бўлмайди.

Мазкур ишқий ғазалда ошиқнинг ҳасби ҳоли, кечинмалари, маъшуқига самимий, оташин муҳаббати ўзига хос жозиба тасвирлар, дилошуб лавҳалар воситасида ифодаланган. Синчиклаб назар ташласак, ғазалдаги ҳар бир образ, ҳар бир сўз Навоийнинг бадиий мақсадига бекаму кўст хизмат қилганини кўраимиз.

Алишер САБРИЙ,
СамДУ магистранти






Мусаевир Дилором Мамедова 1974 йил Тошкентда тугилган. Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтини тугатган. Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси. Мамлакатимиз бўйлаб ўндан орттиқ шахсий кўргазмалари ташкил қилинган. Хитой, Бельгия, Россия сингари давлатларнинг кўпгина шаҳарларида кўргазмаларини намойиш этган, маҳорат дарслари ўтган. Ўзбекистон давлат санъат музейида, шунингдек, Россия, Туркия, Германия, АҚШ, Швейцария, Англия, Япония, Ҳиндистон, Австралия, Исроил, Қувайт сингари давлатлардаги шахсий коллекционерларда ишлари сақланади. Рассом Д.Мамедова 2017 йилда «Шухрат» медали билан тақдирланган.

– Дилоромхон, ҳар бир инсон ўзига хос қобилиятга эга. Шу иқтидорни шакллантириш, юзага чиқариш эса осон эмас. Сизда бу жараён қандай кечган?

– Биласизми, бизнинг авлодда бошқа рассом йўқ. Бу саволга доим бир хил жавоб бераман: онамнинг айтишича, энди юришни бошлаган лайтимдаёқ кўлимга қалам олиб, деворга чизишни бошлаган эканман. Эсимда, илк бор боғчага чиққанимда онам «Разукрашка клонов» номли альбом совға қилган. Шунда клонларни кўчириб чизганман. 3-4 яшар қизча шу расмларни чизганига ҳеч ким ишонмаган. Мен бундан жуда хафа бўлганман. Кўпчилиكنинг кўз ўнгига чизиб берганимдан сўнг ишонишган. Боғчада ҳамма тушлик қилса, мен ёстигим тагидан қалам олиб, расм чизиб ўтирарканман.

Дилором МАМЕДОВА:

ТАБИАТ – ЭНГ БУЮҚ МУРАББИЙ



Онам аввалига ўзбек қизларидан рассом чиқмаган, улгайгач, бошқа соҳага қизиқиб кетади, деб ўйлаган. Йўқ, вақт ўтиб ҳам мендаги қизиқиш, тасвирий санъатга нисбатан меҳр сўнмади, аксинча, шаклланиб борди. Мени доим рағбатлантириб, руҳлантириб туришгани ҳам йўлимни топишимда муҳим омил бўлгандир, балки...

– Мусаввирлардан бири «Биз ўқишга кирган вақтимизда ўқитувчимиз камбағалликка тайёрми-сан, деб савол берган», деган эди. Сиз бу саволга дуч келганмисиз, барча машаққатларини била туриб кириб келиш...

– Рассомнинг нони жуда қаттиқ, меҳнати оғир, шунга чидаш керак. Мусаввир ҳамма қатори пул топиб, оиласини боқмайди. Ҳақиқий рассом, ижодкор ҳаёт билан яшаши, бутун ҳаётини шу соҳага бағишлаши керак. Шундагина мевасини олиши мумкин. Бўлажак рассом фақат ўқитувчи бўлиб қоламан, мактабда ишлайман, дейиши ҳам мумкин. Ижодкор рассом эса кўргазмалар ташкил этиб, жуда кўп меҳнат қилиб, кейин, албатта, самарасини кўради. Кўпчиликиннг онгида рассомлик ҳам касбми, деган нотўғри фикр ўрнашиб қолган. Аслида, рассомлик улуг касб, мусаввир дунё кўради. Ўзимдан мисол, бутун дунё бўйлаб кўргазмалар қиляпман, севган касбимда ишляпман. Ҳаммасига меҳнат, ҳаракат ва ўз устимда ишлаш орқали эришдим. Устозлар айтган йўқчилик кўчаларидан ҳам ўтдим.

– Ҳозирги пайтда ижодкорнинг ҳомийси бўлмаса, жоғазо чиқа олмайди, деган гап юради. Бунга қандай қарайсиз?

– Кимга қандай, билмадим. Мени бу борада ота-онам қўллаган. Бўёқ, холст, йўлқира ва бошқа ҳамма харажатлар учун... 18 ёшга тўлганимдан сўнг ота-онамдан пул сўрамасдан, ўзим мустақил пойтахт хиёбонида расм чизиб, пул топа бошлаганман. Ўша ерда секин-аста портретлар чизиб, асарларимни сотувга қўя бошладим. Хиёбон шундай жойки, кишини пул топиш билан андармон қилиб қўяди. Ижодкор ўз устида ишлаш олмайди, кўргазма қила олмайди. Бу ижод эмас. Хуллас, ўзимни моддий томондан эглаб олгач, эркин ижод қилишга ўтдим. Ниятим тўғри бўлган экан, адашмадим. Аллоҳга шукр, барчасига эришдим. Демак, ҳомий излаш, кимдандир мадад қўтиш шарҳ эмас. Ижодкор олдига қўйган максасидига етиш учун ўзи кураша олиши керак.



– Баъзилар моддий манфаат учун бутун умр буюртма асосида чизиш билан ўтиб кетади...

– Афсуски, ҳозир шундай фикрда санъат йўлини танлаётган ёшлар ҳам бор ва улар хато қилишади. Улар меҳнат қилгиси келмайди-да, абстракция йўналишига ўтиб кетади. Бунақа рассомнинг фаолияти қисқа. Ҳар хил жанрда чизиб юриб, ўзини топа олмайди. Биласизми, томошабинни алдаб бўлмайди. Баъзи ёшлар тез-тез шошиб, кўчирма ижод қилишади. Баъзиларнинг «асар»ларига тушуниб бўлмайди.

Нима чизганини сўрасангиз, замонавийлиқни рўқач қилишади. Аслида у суратда ҳеч нарса йўқ.

– Ижод қизиқ жараён. Ёзувчиларда асарнинг аслияти сақланиб туради. Уни кўчириб китоб қилишади, чоп этишади. Рассомларда аксинча, аслият сотилиб кетади. Сизнинг асарларингизни ҳам бир неча давлатларга олиб кетишган. Уларнинг нархини қандай белгилaysиз?

– Меҳнатимнинг ижодий баҳосини ўзим биламан. Сабаби, асарни яратиш учун кетган бўёқ арзон эмас. Бундан ташқари, меҳнати ҳам бор. Оилани кўндириб, қозон-товоқни тиндириб, табиат қўйнига чиқиб кетишининг ўзи бўлмайди. Фасллар инжиқлиғига чидаб, узоқ вақт асбоб-ускунаинни кўтариб юришинг керак. Чиройли манзара, қўлай фурсат топиш лозим. Энг муҳими, бизда чиройли жойлар кўп. Тўрт фаслда ҳам яйраб ижод қилиш мумкин. Табиат – энг буюқ мураббий. У ҳар куни, ҳар соатда сабоқ бериб туради. Мен этюд излаб, баъзида қаерга кетаётганимни ҳам аниқ билмайман. Паркент, Заркент, Сўқоқ, Бурчмулла, Чимён каби жуда кўп жойларга бораман. Табиат ўз гузаллиғи билан ижодкорга илҳом беради. Мавзу тоғдим, деганча, тўхтаб иш қуролларимни машинадан тушириб, ижодни бошлайман.



Kavsar TURDIYEVA

Bolalikning dunyosi

BOLALIKNING HAR FURSATI MO'JIZA

1.

Quyosh bizga nurin cho'zib jilmaygancha boqadi,
Oyijonim qo'llaridek, erkalatsa yoqadi.
Ustozlarning nigohidek dilga mehr soladi
Bolalikning nurli izi qalbimizda qoladi.

Kapalakdek parvoz qilib,
Ulg'ayamiz har lahza,
Bolalikning har fursati mo'jiza.

Orzularning qanotida
Uchmoqlik qanday maza?!
Bolalikning har fursati mo'jiza.

2.

G'ayrat qilib o'rganamiz
Yetish uchun kamolga.
Bu yo'llarda duch kelamiz
Katta-kichik savolga.
Savollar ham asta-sekin
Javobini topadi.
Bolalikning nurli yo'li
Ortimizda chopadi.

Olam go'zal bizlar bilan
Yaqindami, uzoqdami,
zaminda yo osmonda?
O'tmishdami, hozirdami
Qoyada yo ummonda?
Ajodlardan avlodlarga
O'git o'tar hamisha.
Bu olamning armug'oni
Intilishga yarasha.

Bu olam go'zal bizlar bilan,
Biz qoldirgan yorug' izlar bilan.
Olam charog'on,
Hayot farovon,
Yorug' hayotimizdan bu nishon.

Olqishlaydi bizni olam,
Sirlarini ochadi, boshimizda nurli quyosh
Yog'dusini sochadi.
Zakovatu bilimlar ham
Bizni yuksak eltadi,
Kim nimani niyat qilsa,
Orzusiga yetadi.

BOLA QALBI DUNYONI USHLAR

Bolalik olami beg'ubor,
Undagi mo'jiza betakror.

Bolalar kulgusi qaldirg'och,
Ularning qo'shig'i eng yangroq.
Ajoyib olamga marhamat,
Bolalik davri qanday rohat?!
Sizga shoshar barcha o'yinchoq,
Olisga uchirar arg'imchoq.

Bolalar dunyosi
Shodliklar navosi,
Bolalar dunyosi
Ezgulik sadosi

II

Sho'x bolalik ketmasin, aslo,
Shunda hayot bo'ladi a'lo.
Aylanaru ezgu tilaklar
Va uchqunday qolar yurakda.
Bola qalbi dunyoni ushlar
U olamga yorug'lik qo'shar.
Bolalikka o'xshagan osmon
Sayyoramiz saqlasin omon!

MULOYIMLIK KO'CHASI

1.

Muloyimlik ko'chamiz,
Yomon so'zdan kechamiz,
Bizda tuzilgan lug'at
Eng yaxshi so'zdan faqat.

Keling, hormang, marhamat
Salomat bo'ling, rahmat!
Kechirasiz, marhabo,
Bor bo'lingu, tasanno!

2.

Bizning o'zbek millatda
Katta-kichik hurmatda.
Salom bersangiz shu tob
Jaranglar alik javob.
«Vaalaykum assalom»,
«Xayrli kun va oqshom»,
«Ofarin, qoyil, yasha»,
«Bor bo'ling, yana, yana uzoq yashang!»

3.

Ko'chamiz yana o'ssin,
Yomonlik yo'lin to'ssin.
Bo'lsin so'zlar muloyim,
«Assalom» denglar doim.

«Assalomu alaykum»,
«Xayrli tun, hamda kun».
Barcha bo'lsin baquvvatu-salomat,
Hamma baxtiyor bo'lsin, kulsin omad.

BOLALIKNING DUNYOSI

1

Bolalikning, aslida, yo'qdir qiyosi,
Eng beg'ubor, eng zavqli uning dunyosi.
O'talar va onalar, aslo sir emas
Ich-ichidan bizlarga qiladi havas.

O'ynaymiz, eh, maza!
Quvnamiz, eh, maza!
Agar o'ylab qaransa,
Bolalik, bu mo'jiza!

2

Bu g'aroyib dunyoda paydo bo'lganda,
Hatto, quyosh, yulduz ham qiladi xanda.
Qo'g'irchoq'u, o'yinchoq – hammasi birga
So'zlashay, deb biz bilan kiradi tilga.

3

O'ynab, o'ylab, o'rganib o'sishimiz rost,
Ketib qolma, bolalik, faqat iltimos.
Sening har bir daqiqang maroqli o'tar,
Har kun bizni yangilik, kashfiyot kutar.

BOLALARNING KULGUSI

– Bu dunyoda eng zo'r boylik
Nima bolalar?
– Albatta sog'lik!
– Shuni biling, sog'ligingiz
Bu bizning boylik.
Yurtning farzandlari,
Omon bo'linglar!
Hamisha, har doim
Sog'lom bo'linglar!
Topilganidek, go'yo,
So'zga mos navo,
Dardlarga hamisha
Topilsin shifo.

– Bolalarning kulgusi –
Salomatlik belgisi.
Aqlingizga lol qolay,
O'zingizdan aylanay!
Balli, deng aqlingizga,
Lol qoling o'zingizga.

Kelgan og'riqqa bo'sh kelming, aslo,
Yengishga qodirsiz uni doimo.
Astoydil harakat qiling, sog' bo'ling,
Shu aziz yurtimiz uchun baland tog' bo'ling!



Инсон маънавий камолотида китобнинг ўрни беқиёс. Шу боис, китоб – билим булоғи, дейишади. Бу чашмадан баҳра олмаган инсон жоҳилликка юз тутлади. У ҳар қандай тубанликка қўл уриши, инсонийликни, виждонини арзимаган нарсага сотиб юбориши мумкин. Китобхонлик кенг омалашган жамиятда зиёли аҳли бисёр бўлади, умуминсоний қадриятлар барқарор турмуш тарзига айланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиши ва тарқатиши тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори шу маънода катта аҳамиятга эга. Мазкур қарор асосида юртимизда ёшлар ўртасида китоб-

лашади ва ўқиган асарлари ҳақида баҳс-мунозаралар ўтказиб туришади. Бўлимда бочка ёшидаги болаларни китобга жалб этиш мақсадида ташкил қилинган ўзига хос мультимедиа бурчагида кичкинтойларга миллий эртақларимиз асосида ишланган мультфильмлар намойиш этилиши баробарида, интерфаол ўйинлар ҳам уюштирилади.

Юқори синф ўқувчиларига таълим ресурслари бўйича ахборот хизмати кўрсатиш бўлимида очiq китоб фонди ташкил этилган. Шунингдек, алифбо ва тизимли каталоглардан фойдаланган ҳолда бюрутма бериш имконияти ҳам мавжуд. Ўқув залидаги махсус жавонларда кутубхонанинг энг ноқир китоблари, бадий адабиётлар, энциклопедиялар, лугатлар, дарсликлар, газета ва журналлар тахтамлари жамланган.




Кутубхонанинг маънавият, маърифат ва санъат йўналишидаги медиа ресурс бўлими мусиқа, рақс, кино, театр, тасвирий санъатга оид 4 минг

чекланган болалар ва ўсмирларга ҳам хизмат кўрсатиш имконини бермоқда.

Бўлимнинг барча компьютерлари интернет тармоғига ulangan. Ўқув зали видеопроектор, DVD, видеомагнитофон, аудиокучайтиргич ва микрофонлар билан таъминланган. Ушбу бўлимда болалар компьютердан фойдаланиш қоидаларини тўлиқ ўрганишлари учун ташкил қилинган «Компьютер кутубхонаси» бурчагида ахборот технологиялари, компьютер саводхонлиги оид илмий-оммабоп нашрлар, дарсликлар ва қўлланмалар жамланган.

Интернет тармоғида кутубхонанинг ўзбек ва рус тилларидаги «Kitob.uz» ва «Taqqim.uz» сайтлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу сайтларнинг маълумот базаси мунтазам бойитиб борилади. Бугун сайтда китобхонлар учун

БОЛАЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ



нусадаги адабиётлардан иборат. Нотали китоблар ҳам алоҳида жавонларда жойлашган.

Эътиборлиси, бўлим ходимлари томонидан таниқли санъат усталари, кино актёрлари, шоирлар ва композиторлар билан мунтазам ижодий учрашувлар, очiq мулоқотлар ўтказиб турилади. Бу мактаб ўқувчилари ва ўқувчиларини кутубхонага жалб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Энг кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун «Муסיқий меҳмонхона» бурчаги ташкил этилган. Бу ерда болакайлар ўзбек ва жаҳон мумтоз мусиқаларини тинглаш, кўргазмага қўйилган мусиқа асбоблари билан танишиш имконига эга.

хонликни тарғиб этишга устувор аҳамият қаратилмоқда. «Ёш китобхон» танловлари ўтказилаётгани, ғолибларга «Президент совғаси» — автомобиль ва бошқа қимматбаҳо совғалар тақдим этилаётгани мамлакатимиз ёшларига китобхонликка интилиш тўлқинини юзага келтирди, десам муболага бўлмайди. Буни Халқ таълими вазирилик тасарруфидаги Республика Болалар кутубхонасига келаётган ёшлар сони кундан-кун ошиб бораётганида ҳам кўриш мумкин.

Мазкур кутубхона 13 мингдан ортиқ китобхонга хизмат кўрсатади. Зиё масканининг умумий фонди 220 мингдан зиёд китоб ва 6 минг 500 га яқин электрон адабиётдан иборат. Фойдаланувчиларнинг аксарияти мактабга таълим муассасалари тарбияланувчилари, умумтаълим мактаблари, лицейлар ўқувчиларидир.

Кутубхонанинг мактаб ёшигача ва бошланғич синф ўқувчиларига хизмат кўрсатиш шўъбаси доимо ёш китобхонлар билан гавжум. Улар кутубхоначи опалари кўмагида китоб тан-

«Ўзбек адабиёти», «Электрон адабиётлар», «Жаҳон адабиёти», «Ривоятлар», «Эртақлар», «Биласизми?» каби қизиқарли саҳифалар хизмат кўрсатмоқда. Кўчириб олиш учун электрон китобларнинг рўйхатлари ҳам илова қилинган, албатта, ўқувчилар учун фойдалидир. Эндиликда ҳар бир китобхон ўз уйида ўтириб «Kitob.uz» сайти жавонидан ўзига керакли китобни топиб, ўқиш имкониятига эга. Ушбу сайтда, асосан, ўқувчи-ёшлар учун мўлжалланган ўзбек ва рус тилларидаги 100 мингга яқин электрон китоб ва турли соҳалардаги маълумотлар базаси яратилган. «Kitob.uz» ўзбек китобхонларининг сеvimли сайтларидан бирига айланди. Бу сайтда таниқли шоир ва ёзувчилар иштирокида ҳар ойда бир марта онлайн мулоқот ташкил этилиши ҳам кутубхонага бутун республикамиз ўқувчилари эътиборини жалб қилиш имконини бермоқда.

Кутубхонанинг 2016 йилдан чиқа бошлаган «Болалар адабиёти» журнали аудиодискли иловасида ҳар бир сонда эълон қилинган сара хикоя ва эртақлар, қизиқарли маълумотлар, янги чиққан китоблар ҳақидаги хабарлар бериб борилади.

Кутубхонада «Энг фаол китобхон», «Энг яхши китобхон оила» каби кўрик-танловлар ўтказилиши аёнанага айланган. Бу тадбирларда ўзбек ҳамда жаҳон адабиётининг мумтоз ва замонавий бадий асарларини тарғиб қилишга алоҳида эътибор берилайтир.

Бир сўз билан айтганда, бугун ўсиб келаётган ёш авлодни юксак маънавиятли, мустақил фикрли ва баркамол шахс бўлиб камол топишига Республика Болалар кутубхонаси жамоаси ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда.

Зарнигор ОДИЛЖОН қизи

АСАРЛАРИ КАБИ БАРҲАЁТ

Кўҳна Бухоро нафақат буюк муסיқий меросимиз «Шашмақом»нинг бешикларидан бири, балки XX аср ўзбек муסיқа санъатига кўплаб улуғ бастакорларни етказиб берган замин ҳам ҳисобланади. Улардан бири Мухтор Ашрафийдир.

Шу йилнинг февраль ойда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бухоро шаҳрида Мухтор Ашрафий номидаги ижод мактабини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси эълон қилинди. Лойиҳада ижод мактаби ўзбек ва жаҳон муסיқа санъати ривожига улкан ҳисса қўшган машҳур композитор, дирижёр, маҳоратли педагог ҳамда ўзбек муסיқа санъати асосчиларидан бири Мухтор Ашрафий издошларини кашф этиш ва уларнинг ўз истеъдодларини кенг намоён қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида ташкил этилиши айтиб ўтилган.



Ҳар бир инсон, хусусан, ёшлар маънавий олами шаклланишида оила, маҳалла, шаҳар муҳити бекиёс роль ўйнайди. Мухтор Ашрафий 1912 йил 11 июнь кuni Бухоро шаҳрида дуторчи Ашрафжон ҳофиз оиласида дунёга келди. Муסיқа чалиб, кўшиқ тинглаб улгайди. Оиладаги муסיқий тарбиядан ташқари, у 12 ёшидан улуғ маърифатпарвар инсон Абдурауф Фитрат ташкил этган муסיқа мактабига қатнай бошлади. Шу ерда миллатимиз тафаккурининг беназир маҳсули ҳисобланмиш мақомдан бохабар бўлди, мумтоз муסיқанинг сирли оламига кириб борди. Куй, таронага бўлган кучли меҳр уни 1928 йил Самарқанд шаҳрида эндигина очилган Ўзбекистон муסיқа ва хореография билим юртига етаклади. Улуғ даргоҳда бастакорлик ва дирижёрлик йўналишида бошланғич сабоқларни олди, ўзининг илк муסיқаларини яратди. Жумладан, Бухоро халқ кўшиқларини нотага солди. Шарқ муסיқаси мафтунни Николай Мироновдан кўп нарса ўрганди.

Булгуси композитор 1934-1936 йиллари таҳсилни Москва консерваториясида давом эттирди. Консерваторияни битириб қайтган, Ўзбек муסיқали (ҳозирги Алишер Навоий номидаги) театрида директор ва бош дирижёр лавозимларида ишлади. Шу йиллари бир қатор халқ кўшиқларига куй басталади. Айнаниқса, вокал-симфония жанрига мурожаат қилгани алоҳида эътиборга молик. Устози Николай Миронов билан

ҳаммуаллифликда Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» асари асосида 1936 йилда «Уч паҳлавон» симфоник достонини ёзиб, саҳналаштирди. Мухтор Ашрафий 25 ёшида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 27 ёшида Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлган. 39 ёшида эса ижодкорга СССР халқ артисти унвони берилган.

Мухтор Ашрафийнинг алоҳида хизматларидан яна бири ўзбек композиторлари орасида биринчилардан бўлиб, Европа муסיқа санъатининг нодир ва тарихий жанри – операга кўл урганидир. Бу воқеа 1939 йилда юз берди: Сергей Василенко билан ҳаммуаллифликда атоқли адиб Комил Яшин либреттоси асосида биринчи ўзбек операси «Бўрон» яратилди. Шу тарика у Шарқ ва Ғарб муסיқасини уйғунлаштириш йўлидаги дастлабки қадамни қўйди.

Асар 1916 йил Жиззах шаҳрида чор амалдорлари ва маҳаллий бойлар зулмига қарши бошланган халқ кўзғолони бағишланган эди. «Бўрон» рамзий ном, кўзғолонга йўлбошчилик қилган йигитнинг исми. Мутахассисларнинг қайд этишича, операда ария, хор ҳамда рақслардан моҳирона фойдаланилган ҳолда тарихий воқеа ажойиб услубда талқин этилган. Операда ролларни Ҳалима Носирова, Карим Зокиров, Назира Аҳмедова, Муҳиддин Қори Ёқубов, Шаҳодат Раҳимова каби ўзбек театрининг забардаст артистлари ижро этишган.

Ашрафийнинг яна бир операси 1941 йилда яратилган «Буюк канал» – Катта Фарғона канали қурилишига бағишланган.

Композитор учинчи операси «Дилором» билан муסיқий тарихимизда чуқур из қолдирди. Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони асосида (либретто муаллифлари Комил Яшин ва Музаффар Муҳамедов) яратилган ва илк намоийши 1958 йил 5 февраль кuni бўлиб ўтган ушбу юксак савияли асар кўп йиллар театр репертуаридан тушмаган.

Бастакор ушбу операни яратишда ўзбек муסיқаси жилोलаридан юксак дид билан фойдаланган. Асардаги кўшиқлар бугунги кунда ҳам катта тантаналарда янграб, руҳиятимизни Навоий сўзлари билан забт этиб келмоқда.

М.Ашрафий консерваторияда талабаларга дирижёрликдан дарс берган. Композиторнинг дирижёрлик маҳорати бошқа республика ва давлатларда ҳам юксак эътироф этилган. Устоз санъаткор консерваторияда ректор бўлиб ишлаган пайтлари шу ерда таҳсил олган ва унинг бастакорлик, дирижёрлик истеъдодини кузатиб юрган, бугунги кунда атоқли композитор сифатида сермахсул фаолият олиб бораётган Ўзбекистон санъат арбоби, профессор Мустафо Бафоевнинг таъкидлашича, Мухтор Ашрафий Москвадаги «Большой театр»да беназир «Кармен» операсига кўп мартаба дирижёрлик қилган. Шу асар саҳнага қўйилган кунлари у атай Москвага учиб борган.

Мухтор Ашрафийнинг биринчи симфонияси – «Қахрамонлик» Иккинчи жаҳон уруши йилларида ёзилган. Бу асар 1943 йили собиқ иттифоқ давлат мукофотига сазовор бўлган. 1944 йилда ижодкор иккинчи симфонияси – «Яшасин голиблар»ни яратган.



Сермаҳсул композиторнинг яна бир ижод йўналиши фильмларга мусиқа ёзиш эди. У турли йилларда «Насриддин Бухорода», «Семурғ», «Каниют горининг сири», «Ганг дарёсининг қизи», «Наташахоним» ва бошқа кўплаб фильмларга мусиқа басталаган.

Атоқли бастакорнинг меҳнат фаолияти Тошкент давлат консерваторияси (Ҳозирги Ўзбекистон давлат консерваторияси) ҳамда Самарқанд опера ва балет театри билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Мухтор Ашрафий Шарқ халқлари билан мусиқий алоқаларни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган. Асарлари бир қатор хорижий мамлакатлар театрлари саҳналарида намойиш этилган. «Севги тумори» балети учун 1971 йили Жавоҳарлаъл Неру номидаги мукофотга, 1972 йил Қоҳира опера театрида саҳналаштирилган «Матонат» балети учун Жамол Абдул Носир номидаги Халқаро мукофотга сазовор бўлган. У Италиянинг «Гарибалди юлдузи» (1954) ордени соҳибидир. «Шоҳнома» дostonлари асосида яратилган «Рустам ҳақидаги дoston» ораторияси 1974 йили Фирдавсий номидаги халқаро мукофотга номзод сифатида кўрсатилганди. Ашрафийнинг ўнлаб асарлари Садриддин Айний номидаги Тожикистон опера ва балет театри репертуаридан жой олган. Ҳофиз Шерозий, Абулқосим Лоҳутий, Мирзо Турсунзода, Лойиқ Шерали каби шоирларнинг шеър, ғазалларига куй басталаган.

Буюк композитор Мухтор Ашрафий 63 ёшида вафот этди. У яшаган макон – Тошкент шаҳридаги Шастри кўчасидаги уй бугун уй-музейга айлантирилган. Асарлари театрлар саҳнасида мунтазам жаранглаб, мухлислар қалбини масрур этиб келмоқда. Ашрафийдек ижодкорлар ўзларининг асарлари каби ҳамиша барҳаётдир.

Шоқаҳҳор САЛИМОВ

Лапар – гўзал санъат

Лапар саҳнада қандай пайдо бўлган, қай шаклда ривож топган ва кейинчалик нега саҳнада кўринмай қолди? Лапар деганда кўз олдимизга кўшиққа уйғун рақс ижро этаётган ижрочи намоён бўлади. Лапар учта жанр синтезидан ташкил топади: кўшиқ, рақс ва актёрлик маҳорати. Ширали овоз билан кўшиқ айтиш, рақс устаси ҳам бўлиш мумкин. Бу икки жанрга актёрлик маҳорати қўшилмаса, у жонсиз бир ижрога айланади.

Лапар бу – айтишув. Унинг илк ижрочиларини эслайлик. Улуғ устозларимиз Ўзбекистон халқ артистлари Муҳиддин Қори Ёқубов ва Тамарахоним. Уларнинг айтишувлари ҳақиқий лапар намунаси эди.

Лапар – кўп қиррали, саҳнабоп гўзал санъат. Уни эшитиш билан бирга, албатта, кўриш керак. Ушандагина тўлиқ тасаввур олиш мумкин. Лапар лирик саҳна кўринишли ёки ҳазил-мutoйибали бўлиши мумкин. Бошқа жанрлардан ажралиб турадиган жиҳати – ҳар битта айтишувда воқелик бор. Айни пайтда ушбу айтишувларни кичик бир спектакль, дейиш мумкин. Куйидаги машхур лапар фикримизга далил бўлади:

Йигит:

**Қошингни қаро дейдилар, жон укажоним, ёр-ёр,
Кўрсат қошингни мен бир кўрай, жоним укамей, ёр-ёр.**

Қиз:

**Қошимни кўриб нима қиласиз, сиз акажоним, ёр-ёр,
Қалдирғочнинг қанотини кўрмабмидингиз ёр-ёр.**

Лапар айтишув шаклида йигирманчи асрда саҳнага олиб чиқилди ва концерт дастурларидан ўрин олди. Буни лапар жанрининг биринчи тури десак бўлади.

Лапарнинг иккинчи тури – якка ижро. Ўтган асрда бу кенг тарқалган лапар тури бўлиб қолди (якка ижродаги лапар тўғрисидаги биринчи маълумот 1928 йилги «Қизил Ўзбекистон» газетасида бор).

Мана улардан бири:

**Эшик олди гул ҳовуз, гул тергани келганмиз,
Гулни баҳона қилиб, ёр кўргани келганмиз.**

Лапарнинг ушбу тури илк ижрочиси Тамарахоним бўлиб, у кейинчалик ўзи учун алоҳида якка ижро дастурини яратган ва гастрол сафарларини бошлаган. Тамарахоним гастрол сафарлари билан борган мамлакатлардан дастурини янада бойитиб келар эди. Яъни бошқа миллат кўшиқларини бизнинг лапаримиз шаклига келтириб, ижро этарди.

Ойижон, ойижон-ей, бошгинам оғрийдиё,

Бошгинангдан ойнинг айлансин, нималарга оғрийдиё.

Бозорларда бўлар экан, магазинларда турар экан,

Ана шунинг оти шойи рўмол, ўшанга оғрийдиё.


Лапар ўзбек санъатининг энг гўзал, саҳнабоп, ҳар қанақа томошабин яхши кўрадиган, катта олқишлар билан кутиб олинadиган жанридир. Чет элликлар, ўзга миллат вакиллари ушбу жанрни севиб, устоз санъаткорларимиздан ўрганиб, ижро этишган. Қозоғистон халқ артистлари Роза Багланова, Шара Жандарбекова, Арманистон халқ артисти Тамара Багдасарян, Олтой филармониясидан якка ижрочи Эльза Тиззия юртимизга келиб, бизнинг филармонияда ўз дастурларини янгилаб кетишган.

Ўтган асрнинг 60-йиллари охирига қадар лапарсиз бирорта концерт ўтмас эди. Ҳар бир дастурда, албатта, лапарлар айтиларди. Томошабинлар бундай ижроларни катта олқишлар билан кутиб олишарди.

Уруш йилларидан кейин Ўзбек давлат филармониясида ишлаган лапарчиларнинг устози Лизахоним Петросова кўплар қатори менга ҳам таълим берган. 1957 йилдан бошлаб Қорақалпоғистонда якка лапарчи эдим. 1970 йилларга бориб профессионал саҳнада лапарлар ижрочиси бўлдим.

Мустақиллик кенг шароит яратиб берди. Халқимизнинг маънавий, маданий меросини сақлаш ва оғзаки ижодида оид бўлган урф-одатлар, айтишувлар, лапар, ўланларни тиклаш вақти келди, деб ўйлайман.

Гулшод ОТАБОЕВА



МАФРУР ВА ИРОДАЛИ ИЖОДЖОР

Людвиг ван Бетховен концерт бераётган эди. Қутилмаганда нигоҳи гаплашиб ўтирган эркак ва аёлга тушиб қолди. Композитор шу лаҳзада мусиқа чалишни тўхтатди-да, бакира кетди: «Мен бундай чўчкалар учун ҳеч қачон концерт бермайман». Одамлар ундан узр сўраб, ижрони давом эттиришини илтимос қилишди. Аммо Бетховен сўзидан қайтмади.

Князь Лихновский Бетховенни жуда ҳурмат қилар, унинг ихлосманди эди. Бир куни у композитор одамлар олдида концерт беришини хоҳлаб қолди, даҳо эса бунга рози бўлмади. Шунда князь эшикни бузиб, Бетховенни ашириниб олган хонасидан олиб чиқишни буюрди. Бундан жаҳли чиққан мусиқачи князининг ховлисидан ташлаб, Венага кетиб қолди. Эртаси куни эрталаб Лихновскийга хат келди: «Князь! Мен нимагаки эришган бўлсам, ҳаммасига ўз кучим билан сазовор бўлганман. Шу пайтга қадар ҳам минглаб князлар бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Бетховен эса битта».

Бундай мисоллар Бетховенни жуда ўжар инсондек кўрсатади. Аслида у жуда одамохун, дўстлари учун жонини беришга ҳам тайёр инсон эди. Бу ҳақда ўзи шундай ёзган: «Менинг бир бурда ноним бор экан, дўстларимдан ҳеч бири хор-зорликда яшамаслиги керак. Борди-ю, чўнтагимда пулим қолмай, ёрдам бера олмайдиган ҳолатда бўлсам, дарров столга ўтираман ва ишга қиршаман. Ва ишончим комилки, тезда унинг камбағаллик ботқоғидан чиқишига ёрдамлашаман».

Буоқ композитор Людвиг ван Бетховен 1770 йилнинг декабрида Германиянинг Бонн шаҳрида таваллуд топган. Унинг отаси Иоганн сарой ҳорида кўшиқчи, онаси Мария-Магдалина Кобленцдаги сарой бош ошпази Каверихнинг қизи эди. Ота томондан бобосининг асли Голландиянинг Михелен шаҳридан бўлгани боис, унинг фамилиясига «ван» қўшимчаси қўшилган. Отаси Людвигни иккинчи Моцарт бўлишини истарди ва шу оруз туйфайли у ёшлигида ўлгиа ўқитувчи ёллаб, клавесина ва скрипка чалишни ўргатди. 1778 йили Кёльн шаҳрида Людвиг биринчи концертини беради, аммо болакай дарров шуҳрат қозона олмайди. Шу боис отаси уни танишларига шогирдликка беради. Дўстлардан бири ёш Людвигга ордан, иккинчиси скрипкадан дарс ўтади.

1780 йили Боннга органчи ва композитор Кристиан Готтлоб Нефе ташриф буюради. Бир кўришдаёқ болакайда ноёб истеъдод борлигини ангаган ижодкор Людвигга сабоқ бера бошлайди ва уни Бах, Гендел, Гайдн, Моцарт асарларига ошно қилади. Нефенинг хизматлари туйфайли Бетховеннинг биринчи асари — Дресслер маршига вариацияси чоп этилади. Бу пайт 12 ёшли Людвиг сарой органчисига ёрдамчи бўлиб ишларди.

Бобосининг ўлимидан сўнг оиланинг моддий аҳволи қийинлашди. Шунинг учун Людвиг ўқини ташлаб, мустақил равишда лотин, итальян, француз тилларини ўрганади. Ордан йиллар ўтиб таниқли композитор бўлиб етишган, ўша даврларни эслаб, «тўғриси айтсам, олимликка мутлақо даъво қилмаган ҳолда, мен болалигимдаёқ ҳар бир даврнинг илғор ғояли ва ақлли одамлари бўлганлигини тушуниб етгандим», деб ёзади.

Бетховен кўнлаб асарлар яратган, бироқ ижод нуманаларини чоп этишга шошилмаган. Вақт ўтиши билан асарларини қайта ишлаб, камчиликларини тўғрилагандан кейингина эълон қилган. 1787 йили Бетхо-

вен Венага боради. Людвиг ижросини кўрган Моцарт қичқириб юборди: «У ҳаммамизни ўзи ҳақида гапиришга мажбур қилипти».

Бетховеннинг Венага сафари узоқ чўзилмади. Волидаси бетоблигини эшитгач, Боннга — уйига қайтади. Ордан кўп ўтмай, онаси вафот этади. Энди оила юмушларига қарashi лозим бўлган ўн етти ёшли Людвиг оркестрга альтист бўлиб ишга кириди. Бу ерда итальян, француз ва немис опералари сахналаштириларди. Ёш мусиқачида Глюка ва Моцарт опералари катта таассурот уйғотади.

1792 йил кузда Людвиг Бонни бутунлай тарк этади. Унинг мақсади Венага бориб Гайдндан дарс олиш эди. Афсуски, дастлабки учрашувда икки мусиқачи тил топиша олмайди. Бетховеннинг таъкидлашича, унинг интилишларига Гайдн яхши эътибор бермаган. Гайднга Бетховеннинг ёрқин дунёқарashi ва айни чоғда гамгин мусиқалари маъқул келмайди. Бу ҳақда Гайдн Бетховенга йўллаган хатидан шундай ёзади: «Сизнинг асарларингиз жуда ажойиб, аммо куйларингиздан қандайдир қайғу уфуриб туради, чунки ўзингиз тушқун ва гамгинсиз. Мусиқачининг усулида доимо ўзи кўриниб туради».

Ордан кўп ўтмай, Гайдн Англияга йўл олади ва Бетховенни Альбрехтсбергерга шогирдликка топширади. Бинобарин, ёш композитор бу мураббий билан ҳам келиша олмайди. Шундан сўнг Людвиг Антони Сальеридан ўзига устозлик қилишни сўрайди. Ушбу ҳамкорлик натижаси ўлароқ Бетховен дастлабки йиллардаёқ виртуоз-пианиночи сифатида веналик санъат ихлосмандларини мафтун эта бошлади. Фақат унинг бир камчилиги бор эди, ўзига қарамасди — жуда пала-партиш кийинар, доим соч-соқолини ўстириб юрарди.

1796 йили Бетховеннинг қулоғи эшитмай қолади ва шифокорлар маслаҳати билан Хайлигенштадт номли шаҳарчага бориб яшай бошлайди. Афсуски, тинчлик, хотиржамлик ҳам унга ёрдам бермайди. Касаллик тузалмаслигини тушуниб етган ўша оғир кунларда у дўстларига хат ёзади. Мактубларда, ҳатто, ўзини ўлдиришга тайёргарлик кўраётганини ҳам баён қилади. Яхшиямки, ирода устун келади ва композитор ўзининг Уччинчи симфониясини ёза бошлайди. Людвиг қулоғи эшитмай қолгандан кейин ҳам жуда кўп асарлар яратади.

Бетховен 34 ёшга тулганда Наполеон буюк француз инқилоби ғояларидан воз кечиб, ўзини император деб эълон қилади. Бу хабарни эшитган Бетховен Уччинчи симфониясини Наполеонга бағишлашдан воз кечади ва «Наполеон ҳам оддий одам. Энди у оёқлари ила инсонлар ҳуқуқини топташ билан шуғулланади ва мустабин Учқиндорга айланади», дейди. Чайковскийнинг таъкидлашича, айнан Уччинчи симфониясидан сўнг Бетховеннинг чексиз, ҳайрон қоларли даражадаги истеъдоди намоён бўлган.

Кар бўлиб қолгандан сўнг композитор бир-бирдан ажойиб асарлар яратиб, барчани лол қолдиради. Шу ҳолатда «Фиделио»ни ёзади. Бу опера 1814 йил Венада, кейинроқ Прага ва Берлинда мислсиз муваффақият қозонади. Композитор опера кўлэмасини котиби Шиндлерга топшира туриб: «Рўҳим фарзанди бўлган бу асар жуда қийинчилик билан дунёга келди ва мени чексиз ҳаяжонга солди. Шунинг учун бу опера менга бошқа барча асарларимдан қимматлироқ», дейди.

1812 йили композитор иҳодидида суслтик кузатилган бўлса-да, кейинги уч йилда у яна баракали ижод қилди. Виолончель, квартет учун

ТУЙҒУ ТОМЧИЛАРИ

Тонг нурлари таралар вазмин,
Борлик узра тўшалур зиё.
Ёруғликка ошуфта замин
Мусаввирга айтар тасанно.
Янгилади бу кўҳна очун,
Жилвасида сафолар кўрдим.
Мавжудлиги бахтидан мамнун,
Чехраларда вафолар кўрдим.

Дил розини айта олмади,
Хаё уни айлади асир.
Огоҳ назарлардан ийманиб,
Тўқилди... Бегубор бир сир.
Ишқ асрорин ошкор айлаган
Мунис кўзлар бўлдилар таслим.
Нигоҳларга ишқин жойлаган
Муҳаббатга беадад тахсин.

Мижжаларга инмади уйку,
Ҳиссиётлар бермас омонлик.
Кел, кела қол, ҳаётбахш туйғу,
Соғинчларга сочиб шодмонлик.
Ҳайратларга ўранган хаёл
Юпанч излаб безовта руҳга
Чарх уради фазода хушхол,
Оламларни чулғаб шукуҳга.

Ақбарали МИРЗААХМЕДОВ,
Сирдарё

ОНАЖОНИМ

Йўлларимга чирок бўлган,
Кўзларимга қароқ бўлган,
Чорлагучи маёқ бўлган
Онажоним!

Мехри офтобдай мулоим,
Қалби муҳаббатга бойим,
Хавотири бўлдим доим,
Онажоним!

Қалб кўрин мунчоқдай тизиб,
Умр берди жондан узиб,
Борин берди ўздан кечиб
Онажоним!

МЕНИНГ ҚАЛБИМ

Гулдек нозик, гулдек майин,
Ҳарир, соҳир ипақдайин,
Ҳатто, уни ҳеч ким сезмас,
Борлиги борлиққа тайин.

Барчага яхшилиқ қилган,
Фақат меҳр уя қурган,
Шу жойда бошқа кўз очиб,
Оламни шу кўз билан кўрган.

У кенг манзил, чеки йўқдир,
Араз, гина, кеки йўқдир,
Дунёлардан кенгроқ, бирок,
Бу дунёда тенги йўқдир.

Севара НУРМАТОВА,
Тошкент

сонаталар, симфониялар яратди. 1824 йилда унинг Тўққизинчи симфонияси ижро этилади. Зал тўла одам. Симфония тугагач, узоқ вақт қарсақ янграйди. Мухлислар бош кийимларини силкитиб, композиторни олқишлайди. Афсуски, Бетховен залга тескари тургани учун залда нималар бўлаётганини кўрмайди. Қўлоғи қар бўлгани боис қарсақларни ҳам эшитмаётганди. Шунда кўшиқчилардан бири уни залга қаратади. Олқиш шунчалик узоқ вақт давом этадики, уларни тўхтатиш учун полициячилар аралашади. Уша пайтлар бундай олқиш ва қарсақлар фақат қирол шаарфига чалинар эди.

Бетховен кичик укаси вафот этгандан сўнг унинг ўғлига гамхўрлик қилишни ўз зиммасига олади. Болани энг яхши пансионатга жойлаштиради ва шогирди Карл Чернига унга мусиқадан сабоқ беришни тайинлайди. Композитор жияни олим ёки кўшиқчи бўлишини истарди. Афсуски, ўсмир қарта ва бильярдга берилди. Қимор тўфайли катта қарзга ботиб, ўзини ўлдирмоқчи бўлади. Уқ нишонга тегмай, жароҳатланади. Шундай ташвишлар оқибатида Бетховеннинг ахлоқи оғирлашиб боради, жигари касалланади. Буюк композитор 1827 йил 26 март куни бу ёруғ оламни тарк этади. Унинг ўлими жаҳон мусиқа санъати учун катта йўқотиш эди. Шу боис даҳони сўнги йўлга кузатиш учун йигирма мингдан кўпроқ одам йиғилади.

Бетховен Боннда яшаган даврида ҳам мусиқадан дарс берган. Унинг ўша пайтдаги шогирди Стефан Брейнинг умри сўнгига қадр композиторнинг содиқ дўсти бўлиб қолди. Бетховен Венада яшаган пайтлари ёш графиня Жульетта Гвиччардига устозлик қилади. У қиз Бетховен тез-тез уйига меҳмонга бориб турадиган Брунсвикларнинг қариндоши эди. Бетховен бир фурсат шогирдига қизиқиб қолади ва унга уйланишни режалаштиради. Машҳур «Ой сонатаси» айнан ўша вақтда яратилган ва Жульеттага бағишланган. Жульетта эса Галленберга турмушга чиқади. Графинянинг назариди, айнан Галленберг ўша даврнинг энг зўр композитори эди. Бинобарин, танқидчилар у бошқалардан ўғирлаб асарлар яратганини исботлаб беришган.

Бетховеннинг яна бир шогирди Тереза Брунсвик ҳам жуда истеъдодли эди. У мусиқани нихоятда нозик тушунарди, рояль чалар, кўшиқ куйлар, ҳатто дирижёрлик ҳам қила оларди. Аввалига қизнинг Бетховенда кўнгли бордай туюлади, аммо вақт ўтиб швейцариялик таниқли педагог Песталоцци билан танишгач, ушанга турмушга чиқади ва ўзини бутунлай болалар тарбиясига бағишлайди. Тереза Венгрияда камбағал оилалар фарзандлари учун бочалар ташкил этади. Шу билан бирга ўлимига қадр композитор билан ҳам муносабатларини узмайди. Вафот этгач, ижодкорнинг архивидан кўллаб севги мактублари топилади. Бетховен ижоди тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, бу мактублар айнан Тереза Брунсвикка бағишланган.

1801 йили Венада Бетховенлар оиласининг дўсти бўлган боннлик капелмейстернинг ўғли Фердинанд Рис келади. Бетховен уни яхши кутиб олади. Бетховеннинг бошқа шогирдлари каби Рис ҳам мусиқа чалиш, ёзишни биларди. Бир куни Бетховен унга янги ёзган асарини шиттиради. Куй йигитта шунчалик ёқадики, бир эшитишдаёқ ёдлаб олади. Князь Лиховский ҳузурига кирганда Рис шу мусиқани ижро этади. Князь ҳам, ўз навбатида мусиқанинг бошланиш қисмини ўрганиб олади-да, Бетховен ҳузурига келиб, яқинда ёзиб тугатган мусиқасини кўрсатмоқчи бўлади. Композитор эшитиб кўргач, ўзининг асарини танийди ва Рисдан қаттиқ хафа бўлади. Ҳатто, унга янги ижод намуналарини тинглашни тақиқлаб кўяди. Бир куни Рис ўзи ёзган мусиқани томошабинларга Бетховенники, дея тақдим этади. Мухлислар ижфони узоқ олқишлашади. Бу ҳолатни кузатиб турган Бетховен Рисга қарата шундай дейди: «Азизим Рис, улар қанчалар билимдон эканини кўряпсизми? Сиз севимли композиторнинг отини айтиб кўйсангиз бўлди, уларга бошқа ҳеч нарса керак эмас».


Бетховеннинг яна бир шогирди Карл Черни эди. Черни, ўз навбатида Феранц Лист исмли шогирд тайёрлайди. Бир куни Бетховен Листнинг концертида иштирок этади ва унинг истеъдоди олдида бош эгиб, йигитчанинг пешонасидан ўпиб кўяди. Лист бир умр ўша ўпични унутмайди. У узоқ йиллар Европа бўйлаб Бетховен мусиқасини тарғиб қилади. 1839 йили Лист Боннга келади. Жамоатчилик анча пайтдан буён шаҳарда Бетховенга ҳайкал ўрнатмоқчи бўлар, маблағ етмаётгани сабабли иш орқага сурилиб келаётган эди.

«Бу ҳаммамиз учун уят, — дейди Лист. — Наҳотки, шу арзимаган маблағга бизнинг Бетховенмига ҳайкал ўрнатиб бўлса. Бунга йўл қўйиб бўлмайди!». Шундай дея у етмаётган пулни келтириб беради ва буюк композиторга ҳайкал ўрнатилади.

Б.УММАТОВ




ДУНЁНИ ЗАБТ ЭТДИ ЎЗБЕК БОКСИ



Мамлакатни дунёга танитишда спортнинг ўрни беқиёс эканлиги ҳақида кўп гапирардим. Бу ҳақиқат.

Болалигимдан спортга қизиқардим, айниқса, боксни, ўзбекистонлик боксчилар Руфат Рисқиев, Владимир Шин ва бошқаларнинг собиқ шўролар жамоаси таркибидаги чиқишларини ўзгача меҳр билан кузатардим. Лекин катта мусобақаларда, айниқса, жаҳон чемпионати ва Олимпиадада кубаликлар ғолиб чиқавериш ҳафсаламизни пир қиларди. Ўша пайтларда бир кун келиб бизнинг боксчилар ҳам шундай даражага ета олармикан, деб орзу қилардик. Бугун шу орзуларимиз ушалди. Ўзбек бокси жаҳонда етакчи бўлди. Буни дўстларимиз ҳам, душманларимиз ҳам тан олишяпти.



ўйинларида мунтазам иштирок этиб келади. Барибир, мамлакатимиз боксининг том маънода ривожланиши ва ғалабалари истиқлол билан боғлиқ. XX аср охири – XXI аср бошларини ўзбек бокс мактабининг дунёга танилиш даври, дейиш мумкин.

1991 йили Ўзбекистон мустақил давлат мақомига эга бўлгандан сўнг Артур Григорян Австралияда бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатида бокс бўйича илк совринни – кумуш медални қўлга киритди. Япониянинг Хиросима шаҳрида (1994 йили) спортчиларимизнинг Осиё ўйинларидаги иштироки натижалари ҳам салмоқли кўриниш олди. Хусусан, иқтидорли боксчиларимиз А.Авазбоев ва О.Маскаев қитъа ўйинлари чемпионига айланди.

Орадан икки йил ўтгач, Атланта шаҳри (АҚШ)даги XXVI Олимпия ўйинларида ўзбек боксчилари мустақил жамоа сифатида илк бор иштирок этди. Карим Тўлаганов шиддатли жангларда қатнашиб, бронза медали соҳиби бўлди. Шу мамлакатнинг Хьюстон шаҳрида 1999 йили бўлиб ўтган кейинги йирик мусобақа – X Жаҳон чемпионатида боксчиларимиз улкан ютуқларга эришди. Андижон бокс мактаби вакиллари М.Абдуллаев (64 кг), Ў. Ҳайдаров (75 кг) олтин, Т.Тургунов (57 кг) кумуш медалга сазовор бўлиб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгалладик.

2000 йили Австралиянинг Сидней шаҳрида ташкил этилган XXVII Олимпия ўйинларида жаҳон бокси етакчиларидан бири М.Абдуллаев Олимпиада чемпионига айланди ва нафақат ўзбек, балки бутун дунё бокси тарихидан муносиб жой олди.

Лугатимизда Андижон бокс мактаби ибораси пайдо бўлди. Орадан кўп ўтмай, бу тушунча кенгайиб, ўзбек бокс мактаби доврўқ қозона бошлади. Зеро, бу пайтга келиб, Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан иқтидорли боксчилар етишиб чиқа бошлади.

Шундан буён ўзбек боксчилари барча мусобақаларда, қитъа чемпионатими, жаҳон чемпионатими, муваффақиятли иштирок этиб келишяпти. Айниқса, 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган Олимпиадада ўзбек бокси дунёда тенги йўқ даражага етгани намоён бўлди. Боксчиларимиз учта олтин, иккита кумуш ва иккита бронза медалини қўлга киритиб, ер юзидаги энг кучли жамоа эканини намоён этишди. Кўп йиллардан бери дунё ҳаваскор бокси оламида ҳукмронлик қилиб келган кубаликлар бу сафар учта олтин ва учта бронза билан кифояланиб, биздан ортда қолишди.

Ўзбек бокси тарихи узоқ эмас. Гарчи, дoston ва эртакларимизда бокс мусобақалари учрамаса-да, ботир, мард, кучли, шижоатли, ориятли йигитларимиз ҳақида кўп ва ҳўп айтилган. Мен ўша қахрамонларни бугунги ўзбек бокси дарғалари аждоди, дегим келади.

Асли америкалик бўлган профессионал боксчи Сидней Жаксон ўзбек бокс мактаби асосчиларидан ҳисобланади. У ўтган аср бошларида Петербургда мусобақага келади. Шу пайтда биринчи жаҳон уруши бошланиб, боксчи Россиядаги АҚШ элчихонасидан уйига қайтишга рухсат ололмайди. Кейин Тошкентга сафар қилади ва спорт мураббийи бўлиб иш бошлайди. Ўзбекистон бокс тарихи шу даврдан бошланади.

1921 йили Иккинчи Урта Осиё Олимпиадасида бокс бўйича биринчи кўргазмали жанглар ўтказилади. Орадан бир йил ўтгач, Самарқандда ҳам бокс бўйича кўргазмали чиқишлар ташкил этилади. Шундан сўнг мамлакатимизнинг кўплаб шаҳарларида бокс мактаблари ва тўғарақлари фаолияти йўлга қўйилган эса-да, фақат 1935 йилга келибгина дастлабки республика чемпионати ўтказилади.

Шундан буён ўзбек боксчилари турли халқаро мусобақалар, қитъа ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия

Мазкур воқеа ўзбек боксининг улкан ғалабаси эди. Тўғри, ғалабамизни унчалик ишонмай, бир тасодиф, деганлар ҳам бўлди, албатта. Бу тасодиф эмаслигини эса ўтган йили Россиянинг Екатеринбург шаҳрида ташкил этилган сўнги жаҳон чемпионати натижалари тўла исботлади.

Мамлакатимиз боксчилари жаҳон биринчилигида учта олтин, битта кумуш, битта бронза медалига сазовар бўлиб, умумжамоа ҳисобида яна голибликни қўлга киритишди. Иккинчи ўрин мезбонларга насиб қилди. Дунё боксининг кўп йиллик йўлбошчилари кубаликлар битта олтин, битта кумуш ва битта бронза медалига эга чиқиб, бор-йўғи тўртинчи бўлишди.

Шу ўринда бир савол туғилади. Хўш, боксимиз бундай мақомга кўтарилиши омиллари нимада? Балки, боксчиларимиз тажрибасини бошқа спорт турларига ҳам татбиқ этиш лозимдир.

Бокс бўйича мураббийлар, мутахассисларнинг матбуотда эълон қилинган фикрларини ўрганиб, юқоридаги саволга жавоб топгандек бўлдим.

Муваффақиятлар пайдевори Ўзбекистон бокс федерациясидаги ишлар



натида ўзини кўрсатса, терма жамоага номзод сифатида қайд этилади ва ўқув-машғулот йиғинига жалб қилинади. Ҳозирги пайтда терма жамоа йиғинларига нафақат мамлакат чемпионати совриндорлари, балки уларга етарлича рақобат қила оладиган бошқа спортчилар ҳам таклиф қилинмоқда.



Терма жамоанинг асосий таркибидан жой олган боксчиларга ҳам ҳеч қандай имтиёз йўқ. Улар ҳам, ҳақиқатан кучли эканини, рингда исботлаб қўйиши керак. Масалан, бугунги етакчи боксчилардан бири Исроил Мадримов 2015 йили Самарқандда ўтган мамлакат чемпионатининг 69 килограмм вазн тоифасидаги биринчи жангидаёқ мағлубиятга учради. Ўша мусобақада ҳеч ким танимаган Шаҳрам Ғиёсов мазкур вазн чемпиони бўлди. Демак, терма жамоадаги асосий ўрин Шаҳрамники. Риодаги Олимпиададаги бориш учун у асосий даъвогар. Мураббийлар Шаҳрамнинг тажрибасизлигини инобатга олиб, ўрнига тажрибали боксчи жалб қилиш таклифини беришади, бироқ бокс федерацияси раҳбарияти қарорига кўра, ким зўр бўлса, ўша мамлакат шарафини ҳимоя қилади, деган тўхтамага келинади. Бу Рио Олимпиадасида ўзини оқлади ва Ш. Ғиёсов Олимпиада кумуш медалини қўлга киритди.

Кейинги йилларда ҳар бир учрашувнинг адолатли ўтишини таъминлашга катта эътибор қаратиляпти. Бунинг учун ҳар бир жанг тўртта видео камера ёрдамида тасвирга олинади. Тажрибали мутахассислардан тузилган махсус комиссия, лозим бўлса, шикоятлар бўйича таҳлил олиб боради. Мусобақа жараёнида жанг тасвирлари тўғридан тўғри спортчиларнинг тайёрланиш зали, ҳакамлар ва маъмурият жойлашган хоналарга онлайн режимида узатилади. Ҳеч нимани яшириш мумкин эмас.

Бундан ташқари, мусобақа жараёнида ишонч телефонлари хизмати ҳам йўлга қўйилган. Ноҳолислик бўлдими, берилган рақамлар кўнгирак қилинса, шикоят махсус комиссия томонидан ўрганиб чиқилади.

Мамлакат чемпионатларига имкон қадар ҳар бир вилоятдан кўпроқ боксчиларни жалб қилишга алоҳида эътибор қилинапти. Бу рақобатни кучайтирмоқда ва янги-янги номлар етишиб чиқишига замин яратаяпти.

Шу ўринда боксчиларни тайёрлаш жараёнига бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгарганини айтиш лозим. Боксчилар йил давомида ўқув-машғулот йиғинига жалб қилинади. Ҳар ой икки ҳафта давомида машғулот ўтказилади. Бу боксчиларнинг вазни, саломатлиги, жисмоний ва психологик ҳолатини назорат қилиш имконини беради. Машғулотларга бир вазн тоифасида тўрт-бештадан боксчи жалб этилади ва улар кўп вақтини бирга ўтказишади, шуғулланади, овқатланади, бир сўз билан айтганда, бир оиладек яшади. Бу жамоанинг ички муҳитига ижобий таъсир ўтказишади.


Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, биз таъкидлаб ўтган тажрибаларни спортимизнинг бошқа турларига ҳам татбиқ этиш вақти аллақачон етган. Шунда спортнинг барча турларида боксдаги каби етакчи ўринлардан жой оламиз.

ҳар томонлама тўғри йўлга қўйилганида, мураббийлар тўғри танланганида. Мураббийлар истеъдодли боксчилар селекциясига катта эътибор қаратишяпти. Иш жараёнида мамлакатимизнинг барча вилоятлари, ҳатто чекка-чекка қишлоқлардаги тўғрақлар ҳам эътибордан четда қолмаёпти.

Тўғриси айтиш керак, анча йиллар мобайнида айрим вилоятларда боксга эътибор берилмади. Масалан, Самарқанд, Сурхондарё ёки Қашқарёдан бир неча йиллар давомида маҳоратли боксчилар етишиб чиқмади. Аслида, юртимизнинг ҳар бир қишлоғида юқори натижага эриша оладиган йигит-қизлар бор. Хуллас, озгина лаёқати бор боксчи борки, мураббийлар эътиборида бўлди.

Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, бугунги кунга келиб терма жамоага боксчилар саралаб олишнинг шаффоф тизими яратилган.

Мураббийлар таъкидлашчи, терма жамоага йўл Ўзбекистон чемпионатлари ва биринчиликларидан бошланади. Кимки мамлакат чемпио-



Давраларда музейлар мавзусида гап очилгудек бўлса, кўпчилик машҳур Лувр, Эрмитаж, Метрополитен, Прадо ёки Третьяков галереяси ҳақида билганларини гапиришга интилади. Ваҳоланки, дунёдаги энг машҳур музейларнинг ўзи ҳам юзга яқинлашиб қолади. Бу гал биз ташриф буюрувчилар сонига кўра дунёда юқори ўринлардан бирини эгаллайдиган Тейт модерн ҳақида қисқача маълумот бермоқчимиз.

Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида барпо этилган мазкур санъат қошо-наси замонавий галерея сифатида 2000 йилдан бошлаб фаолият юритиб келмоқда. Ушбу маскан ҳақида маълумот беришдан олдин Лондон шаҳрида яна бир музей ҳақида қисқача тўхталсак. 1897 йил ташкил этилган, «Тейт галереяси» номи билан танилган музей англиялик ишбилармон, йирик сармоядор, мунтазам хайрия ишлари билан шуғулланган, кам таъминланган аҳоли қатламига моддий кўмак бериб келган Генри Тейт (1819-1899) номига қўйилган. Гўзалликка ошно Генри Тейт тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, кулолчилик, заргарлик ва бошқа кўплаб санъат турларига оид дурдона асарлар тўпламини йиғди. 1890 йилда кекса Тейт ўзининг бебаҳо коллекциясини давлат иштиёрига совға сифатида топширади. Шу тариқа Тейт номидаги галерея фаолият бошлаган.

Йиллар давомида тасвирий санъатда реализмдан фарқли янги оқимлар, йўналишлар пайдо бўлиши музейда замонавий санъат турларига алоҳида павильонлар ажратишни тақозо этди. Кейинчалик замонавий санъат асарлари учун алоҳида галерея зарурати пайдо бўла бошлади. 1982 йилга келиб ушбу замонавий санъат асарлари галереяси Тейт галереясидан мустақил иш юритиши учун алоҳида бино зарур бўлади. Янги музей биноси учун Темза дарёси жанубий қирғоғида жойлашган эски электростанциянинг ўрни мўлжалланади. Электростанция биносини бузиш турли баҳсларга сабаб бўлади, чунки машҳур Ватерлоо кўприги, Англиянинг дунёга танилган қизил телефон будкалари ва ўзига хос ечимга эга электростанция автори танқиди меъмор Джэйлс Гилберт Скот номи билан боғлиқ эди. Шундай қилиб, электростанция биносининг ички қисми музей талабига мос равишда таъмирланиб, ташқи кўриниши ўз ҳолича сақлаб қолинадиган бўлди. Темза қирғоғи сайилгоҳида музей яратилиши шаҳар

ТЕЙТ МОДЕРН ГАЛЕРЕЯСИ

аҳолиси, қолаверса, сайёҳлар учун ҳам айна муддао бўлди. Шу маънода эски бино бағрида янги замонавий Тейт модерн санъат галереяси пайдо бўлиши диққатга сазовор. Узқондан кўринадиган баланд куворли минорани ҳеч ким музей, деб ўйламайди. Бинога ғарбий йўлақдан кириб бориларкан, шифти жуда баланд кувор зали кўзга ташланади. Зал шунчалик каттаки, бу ерда бошқа музейлардан фарқли йирик ҳажмга эга ҳар қандай экспонатни жойлаш имконияти бор. Бинонинг учинчи ва бешинчи қаватларидан доимий намойиш қилинадиган экспонатлар ўрин олган. Тўртинчи қаватда кубизм, сюрреализм, импрессионизм, абстракционизм йўналишига оид ижодий асарларни кузатиш мумкин. Бошқа музейларда тарихий ашёлар намойиш этилса, бу ерда картиналар тамоман бошқача, муаллифнинг қўтилмаган ёндашувлари, асарда тасвирланган ранг-баранг шакллар, чизгилар орқали рассом инсониятга, табиатга умуман борлиққа жумбоқли бир мурожаатни тасвирламоқчи бўлаётгандай. Замонавий ва тарихий ижод намуналари уйғунлашган доимий экспозициялар орасида асосан навор ёки классик ижодкорлар Кандинский, Малевич ва Пикассо, импрессионистлар

Клод Моне, Матис, плакатчи Энди Уорхол каби кўплаб рассомлар ижодига оид асарлар бор. Бундан ташқари музейдаги алоҳида залларда иқтидорли ёш рассомлар ижоди, кўчма кўргазмалар намойиш этиб турилади.

Хуллас, Тейт модерн галереяси томошабинлар кўплиги ва экспонатларга бойлиги билан машҳур музейлар ўнлигига киритилган.

Комил НИЁЗОВ тайёрлади.



Кампир тушида ўлиб қолганмиш. Чоли белини бойлаб йиғлаш ўрнига хиринг-хиринг кулармиш. Айниқса, жасади қабрга қўйилаётганда чоли аллақайси ашулани хиргойи қилаётган эмиш.

Кампир чўриб уйғониб кетди. Қараса, чоли бемалол хуррак отяпти. У жаҳл билан чолининг биқинига биттани солди. Чол ҳовлиқиб ўрнидан туриб кетди. Тирсаги ясама тиш солиб қўйилган сув тўла стаканга тегиб кетди. Стакан сўридан тушиб синди.

— Ҳой, бу нима қилганинг, кампир?

Кампир кулрани елкасига тортиб ўтириб олган, чолини ғажиб ташламоқчидек ўқрайиб турипти.

— Жинни-минни бўлдингми, бу нима қилиқ?! Соат учдан ошди-я, жанжалга кундузи вақтинг етмайdimи-а?

— Менга қаранг, мен ўлсам суйинасизми, хаффа бўласизми?

Чол ҳайрон бўлди. Нима дейишни билмай, бирпас анграйиб қараб турди.

— Қўй, хотин, ўлма! Ўлсанг, мен нима қиламан? Аввал мен кетай: догининг кўрмасдан олдин кетай.

— Хитрийлик қилманг: Ичингизда, қачон ўларқинсан, деб турибсиз, биламан.

Чол э, боре, деб яна ёстиқча бошини ташлади. Қоқ ярим кечаси кампирнинг жанжал бошлашига кўрган туши сабаб бўлса, бунақа туш кўришига нариги маҳалладаги Бувниса кампирнинг бева қолиши сабаб бўлди.

ХИРИНГАН ҚАРАСАМ

Саид АҲМАД

Ҳажвия

Бувниса кампирнинг эри ўтган ой қазо қилди. Ана, шундан кейин буларнинг турмушидан файз кетди. Кампир эри сал кеч қайтса, пивлани чоинакка, чойнакни товоққа уриб жанжал бошлади.

Бунақа жанжалнинг ҳам сабаби бор. Чол бирон ойдан бери ховлига қарамай қўйди. Телевизорни тузаттириб келаман, деб дастурхонга туғиб айвонга олчиқиб қўйганича, ҳали ҳам ўшандоқ турипти. Ҳар йили икки-уч марта хомтоқ қилинадиган ток сўрида бир-бирига ўралишиб, узуми қайси, барги қайси билиб бўлмади қолди. Ғўрасига аллақачон қул тушиб кетган. Семиренка олма ўлгир-ку, тиргович қўйилмаганидан шохлари ерга тегиб ётибди. Чол бўлса, эрталаб чиқиб кетганига кечаси қайтади. Қаёқда санкиб юради, сўраса, ҳазилга олиб, кундошининг рўзгорини бутляпман, эртага томини суваб бераман, дейди.

Гапнинг очигини айтганда, бева қолган Бувниса кампир эш пайтида кампирнинг эри билан дон олишган. Ҳатто, иккаласи ота-оналарига билдирмай қочиб кетишганда Кўктерак деган жойдан тутиб келишган. Бувнисанинг дадаси, қизим эрсираб қопти, деб зудлик билан бир қосиб йиғитга бериб юборган. Ушанда кампирнинг эри, Бувнисани бир кун бўлса ҳам хотин қилмасам, палон бўлай, деб қасам ичиб қўйган экан. Орадан олтинчи бир йил ўтди. Кечаги ой Бувнисанинг эри қазо қилди. Кампирнинг назарида худди ўша кундан бери эри уйга вақтида келмай қўйганга ўхшайди.

Мана, ҳатто, бугун тушида ҳам шу ишга алоқадор воқеага гувоҳ бўлди. Ҳеч бир дунёда олтимши йиллик қадрдони ўлганда хиринглаб куладими? Бу туш бежиз эмас. Бир балоси бор, бу чолинг.

Чол ёнбошига ағдарилиб, хуррак тортиди. Кампирга унинг бу қилиғи баттар алам қилди. Агар эртага ҳам кеч қайтадиган бўлса, онамникига кетиб қоламан, деб дилига туғиб қўйди. Қани, ёлғиз қолиб кунини кўрсин.

Айтганча, кампир етиш тўртга кирган. Онаси уни ўн тўрт ёшда туққан бўлса, бу йил саксон саккизга кириб ҳилвабара турибди. Ўша ёққа борармиш. У шундай ният билан у ёқдан бу ёққа аганаб, ухлаб қолди. Эрталаб чолининг бақиршишдан уйғонди.

— Афзал, турсанг-чи, ғаблат босиб ётаверасанми?! (Чол уни тўнчиқ ўғлининг номини айтиб чақирарди).

Кампир шошиб қўзини очди.

— Нима дейсиз, Афзал? (Кампир ҳам эрини тўнчиқ ўғлининг номи билан чақирарди).

— Протез тишим қаёқда?

— Мен қаёқдан билай, истаконни ўзингиз тушириб юбордингиз-ку, тузукроқ қаранг.

— Қарадим, истакон синиғдан бошқа нарса йўқ. Бекитган бўлсанг бер.

— Вой, нега бекитаман? Кечаси Мош ўлгир девор тағида бир нимани қитирлатиб еяётган эди. Ўша жойни қаранг.

Чол девор тагини қараса, ясама тиши икки бўлиниб ётибди. Мош ясама тишни суяк деб ўйлаб, бир-икки ғажиб кўрган, мазаси суякка ўхшамаганидан ташлаб кетган эди. Чол тишни қўлга олиб, бошини сарак-сарак қилди. Нима қилишни билмай, анча вақтгача айвон лабида ўтирди. Кейин хотинига яилгандек сўри ёнига келди.

— Афзал, сенинг протезинг менга тушармикан?

— Вой, нима деяясиз? Афзал, сиз от жағсиз, сизга тўғри келмас.

Чол унинг галига қарамай, стакандаги кампирнинг протез тишини олиб лунжигга тикди. Дарҳақиқат кичик экан, оғзининг ўртасида қолиб кетди. Бир ҳисобда чолинг тиши сингани яхши бўлди. Ҳадеб Бувниса ўлгирнинг олдида пжинглайвермайди.

Кампир яқин бир ойдан бери унинг кийимларига дазмол босмай қўйган. Олифта бўлиб юраверадими. Чол соқолини шилта қилиб яктагига сув пуржаб дазмол босарди. Бугун тиши синиб баттар бўлди. Энди қўчага ҳам қичмайди. Чолга алам қолган экан, чоли бунақа ҳам қарамай маҳаллага қичиб кетди. Намозхон чоллардан ясама тишини бериб тур, деб икки-учтасига ялиниб кўрди, бўлмади. Бири тўйга борадиганман, деди, бири бенамоз одамга тишимни бермайман деди, бири хибсхатта тўғри келмайди, деди.

Кампир ҳовли супураётганда тажан бўлиб қайтиб кирди-ю, ертўладан омиб, сим олчиқиб, ясама тишини бир соатча уриниб омонатгина қилиб улади. Ариқ бўйида ётган мушукка ҳокандоз отиб чиқиб кетди. Кампир унинг орқасидан мазаза қилиб қулиб қолди. Чолининг қаёққа кетганини билади. Бошқа тиш яратгани дўхтирга кетган.

Бирдан кампирнинг юрагини ваҳм босди. Чол ўлмагур, шу қилганинга мана, деб Бувнисаникига кўчиб кетса-я! Худо асрасин-е! Чол шу кетганига қоронгу тушганда қайтди. Тиш докторининг миясини ачитиб, куни билан тепасида туриб янги тиш ясапти опти.

Чол шошиб оватқат еди-ю дазмол қиздириб шиммага, яхтақларига боша бошлади.

— Ҳа, мунча қистов? Уйланяспизми?

— Шундан бошқа гап йўқми? Самарқандга кетяпман. Тўрт кунда келаман. Чемодалларимни тайёрлаб қўй.

— Самарқандда нима бор экан? Пенсияга чиққан одам уйда ўтирсангиз бўлмайdimи?

— Сен нимани тушунардинг. Афросиёбдан топилган сопол синиқларини текшириб кўришга қарашворинг, дея Яхёхон жияним чақиртиряпти.

Кампир ишонмади-ю, аммо бир сўзи чолга қор қилиш қийинлигидан энасаси қотиб, юзини тесқари ўтирди.

— Билиб қўйинг, тўрт кунда келмасангиз, оймникига кетиб қоламан.

Эртасига чол кетди. Кампир армиядаги ўлгига посилка жўнатаман, деб почтага кетаётган эди, эшигининг олдида ўтирган Бувнисани кўриб тўхтади. Ичиди, адоий тамом бўпти-ку, деб қўйди.

Дарҳақиқат, Бувниса кампир, айниқса, эри ўлгандан кейин икки букча-ийиб қопти. Кўзи ҳам унча кўрмайди шекилли, кампир яқинига келганда ҳам танимади. Овозидан аранг билди. Ҳол-ахвол сўрашишди. Кампир ундан кўнгл сўради. Бувниса ёлғизлигидан нолиди. Кейин кампирнинг тирикчилигини суриштирди.

— Турмуш ўртоғингиз омон-эсон юриптиларми? (Бувниса ҳам телевизор кўрадиган кампирлардан бўлиб, янгича гапларга ўрганиб қолган эди). Чолим ўлиб, пенсия тўхтаб қолди. Менга бермаяпти. Захсақ қозоғинг йўқ, дейди. Турмуш ўртоғингиз йўл-йўрқиб биладиган одам. Битта артиза битиб берармиканлар, деган эдим.

Кампирнинг хаёли бирпасда минг ёққа бориб келди. Эрим Самарқандга кетдим, деб мени лақиллатиб, Бувнисаникида бекиниб ётган бўлса-я! Йўғ-е, ўлптимми!


Ундок десам, чолим бир сўзи. Йигит пайтида қасам ичкан-а, бир кун бўлса ҳам Бувнисани хотин қилмасам, палон бўлай... Вой шўрим!

Тўрт кун эмас, уч кунда чол қайтиб келди. Кампирга шифон отрез, бир халтада кўк майиз, уч халтада қовурилган нўхот, олтига нони пўлодий олиб келти. Яхёхон жияни билан Шоҳи Зинда олдида суратга тушган экан, шуларни кўриб кампир эрининг Самарқандга борганига аниқ ишонди. Хотиржамлик яхши нарса-да, одамнинг тушига ҳам яхши нарсалар қиради. Буни қаранг, кампир яна туш кўрди. Тушида келинлик пайти эмиш. Эри негадир эшикдан қирмай, ўз уйига девор ошиб тушаётган эмиш. Бир маҳал қараса, Бувниса эрини калтак олиб қувиб келаётган экан, эри шунинг учун ҳам эшик қолиб девор ошаётган экан. Кампир уйғониб, тушини яхшиликка йўйди.

— Хаёрийат, эримнинг қасамини Худо дилдан кўтарипти. Бўлмаса, шундоқ йигитни Бувниса калтак олиб қувларимди...

Шундан кейин кампир ёнбошлаб хуррак тортаётган эрининг орқа курагини авайлаб силай бошлади. Шу топда эрининг уришиб қолган пайтларида, ҳу, қўша қаринлар, деган мулланинг соқоли куйсин, деб сўхшларни сира эсига келмасди.

Чолининг соқолига ўхшаб оппоқ тонг ота бошлади.



«УНУТИЛМАС ҚЎШИҚЛАР» ТОПҚИРЛИК МАШҚЛАРИ

21. Мулланафас: «Зар-кумушмас, зар-кумуш юзи вафодорим ...». 22. Камина: «Арзим эшит, гўзал шохим, ...». 23. Огаҳий: «... , эй дил, етишти ҳажридин заҳмат санга, ...». 24. Лутфий: «Эй пари юзлик бегим, жонлар фидо бўлсун санга! ...». 25. Махтумқули: «Сайр чоғи кўзим тушти, қардошлар, ...». 26. Алишер Навоий: «Бир парипайкар ғами ошуфтаҳол этмиш мени, ...».

МУАММОНОМА Калит сўзлар: 1.Мақом мулкининг султони Юнус Ражабий асарларидан бири – 16, 4, 16, 5, 4, 7, 1, 5.

2. Ғижжак пардаларини кўтариб турувчи мослама – 15, 4, 8, 4, 17.

3.Торли тирнама қадимий чолғу асбоби – 11, 4, 2, 12, 10, 8.

4.Тирнама ёки қўш чўп билан уриб чалинадиган жарангдор чолғу асбоби – 20, 4, 2, 6.

5. Торли мусиқа асбобини чалиш мосла-маси – 5, 18, 19, 9, 4, 11, 1, 8.

6. Ҳаётда қарор топган удум, урф одат – 4, 2, 14, 4, 2, 4.

7.Торли чолғу асбоблари торларини тортиб турувчи мослама – 7, 10, 3, 1, 7.

Шакл атрофидаги рақамларда яширинган муаммономани калит сўзлари жавоблари орқали ҳал этиш билан яна тўртта умри-боқий қўшиқ номини билиб оласиз. Ана шу қўшиқлар ғазаллари муаллифларини била-сизми?

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ**

ЧАЙНВОРД. Қуйида келтирилган муаллифлар ва ғазаллардан сатрлар асосида қўшиқлар номини топиш билан машқни ҳал этинг. 1. Алишер Навоий: «Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў ...». 2. Бобур: «Сендек менга бир ёри жафкор ...». 3. Машраб: «... , юзин биҳиштинг гул очиб баҳор келдинг». 4. Нодира: «Васл уйин обод қилдим, бузди хижрон ...». 5. Аваз Утар: «Кўнгуллар қайди зулфинг мубталоси, ...». 6. Нозимахоним: «Кўзи сузук ...». 7. Фурқат: «Тиллар эрдим саҳар вақти чаман эсган саболардин ...». 8. Огаҳий: «Васл аро мушкул ҳами хижрон эканин ...». 9. Ажиниёз: «Қиприқларингдек наштару қошинг каби ёй кўрмадим ...». 10. Ҳамза: «Эй дилрабо, ишқинг била девона бўлдим ...». 11. Мискин: «Мени беқарорлар айлаган ...». 12. Билол Нозим: «Оҳ ким, кўнглимни олди бир латофатлик ...». 13. Махтумқули: «Булбул сайраб турган ҳаволи боғлар, ...». 14. Муниц: «Жон бахш лабинг узра чиқмиш хатти райхоний, ...». 15. Бердақ: «Ёлгончи – фоний дунёда ...». 16. Аҳмад Яссавий: «Ўн саккиз минг оламда хайрон бўлгон ошиқлар ...». 17. Ҳамза: «Уйласам ул ... маккорга ўхшайди-ку, ...». 18. Бобур: «Агарчи сенсизин сабр айламак, эй ёр, ...». 19. Хувайдо: «Дилрабо, манга санингдек ёри жонон қайдадур?...» 20. Фурқат: «Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин поларанг ...».

ЎТГАН СОНДАГИ «ЎЗБЕКИСТОНИМ» ТОПҚИРЛИК МАШҚЛАРИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

МУАММОНОМА Калит сўзлар: 1. Ўзбек. 2. Спитамен. 3. Дутор. 4. Новвот.

Рақамларда: Ўзбекистон – суверен демократик республика.

КРОССВОРД. Белгиланган хонадан рақам атрофида соат мили йўналишида: 1. Бурхонов. 3. Темирова. 5. Зарафшон. 7. Регистон. 9. Мингўрик. 12. Кураш. 13. «Падарқуш». 16. Термизий. 17. Хоразмий. 20. Қурултой. 21. «Дилхирож». 24. «Пахтакор». 26. Сўғдиёна. 28. Марвазий. 30. Ҳидояттов. 32. Кўкалдош.


Энига: 2. «Рост». 4. Рўза. 6. «Наво». 8. Гули. 25. Обод. 27. «Алла».

29. Зеби. 31. «Тико».

Бўйига: 10. Оила. 11. Ўрда. 14. Дўст. 15. Кино. 18. «Ироқ». 19. Мард. 22. Лола. 23. Ипак.

Ёйлар бўйича: 33. Насаф. 34. Бухорий. 35.Сунбула. 36. Бобур. 37. Бозор. 38. Девонув. 39. Беруний. 40. Турон. 41. Кулол. 42. Муқимий. 43. Нуробод. 44. Намоз. 45. Коший. 46. Олимхон. 47. «Алпомиш». 48. Девон. 49. Терма. 50. Яссавий. 51. Усмонов. 52. Шоший. 53. Роҳат. 54. Қодирий. 55. Восифий. 56. Ватан. 57. Патир. 58. Кармана. 59. Ражабий. 60. Чалғи. 61. Чашма. 62. Маҳалла. 63. Фаргона. 64. Шанба.





*Ўзбекистон ижодкорларини
қўллаб-қувватлаш «Илхом» жамоат фонди
мамлакатимизнинг барга журналистлари,
ноширлари ва матбаа ходимларини
27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот
воситалари ходимлари куни билан
самимий муобрақбод этади.*

*Жонажон Ватанимиз тараққиёти ва
ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида
амалга оширилаётган янгиланишлар
жараёнини кенг ёритиш борасидаги ижодий
ишларида битмас-туганмас илхом,
янгидан-янги муваффақиятлар, хонадонларига
бахт-саодат, файзу барақа тилайди.*

Байрамингиз муобрақ бўлсин!

